

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

49-сон
(1225)
2025 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

753. «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 декабрдаги ПФ–240-сон Фармони
754. «Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 декабрдаги ПФ–243-сон Фармони [Кўчирма]
755. «Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 декабрдаги ПҚ–365-сон қарори

Учинчи бўлим

756. «Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини

тизимлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарори

757. «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали иш берувчиларга тижорий электрон хизматлар кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 3 декабрдаги 763-сон қарори
758. «Хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 декабрдаги 766-сон қарори
759. «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 декабрдаги 772-сон қарори

Бешинчи бўлим

760. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta‘lim sifatini ta‘minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrdagi 2-son “Oliy ta‘lim tashkilotlarining ta‘lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 1-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3716*)
761. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta‘lim sifatini ta‘minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrdagi 3-son “Kasbiy ta‘lim tashkilotlarining ta‘lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 1-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3717*)
762. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 29-noyabrdagi 26-mh-son “Ta‘lim tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan vazirlik va idoralarning ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 1-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3718*)
763. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2025-yil 24-noyabrdagi 41-son “Ozuqabop ekinlar urug‘chiligiga ixtisoslashtirilgan xo‘jaliklarni tashkil etish va ozuqabop ekinlar urug‘ligini yetishtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi*

tomonidan 2025-yil 1-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1820-1)

764. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2025 йил 19 ноябрдаги 40-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил 11 ноябрдаги 23-2025/Қ-сон, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2025 йил 10 ноябрдаги 62-қ/қ-сон, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 17 ноябрдаги 170-сон ва Транспорт вазирлигининг 2025 йил 11 ноябрдаги 14-сон “Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371-2*)
765. О'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining 2025-yil 3-dekabrda 2025-26-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-noyabrda 303-son, Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 21-noyabrda 31/5-son “Yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan valyuta operatsiyalari amalga oshirilishining asoslanganligi yuzasidan monitoring olib borish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2467-7*)
766. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 4-dekabrda 21-son “Dori vositalarini retsept bilan va retseptsiz beriladigan dori vositalari toifasiga kiritish tartibi to'g'risidagi nizomning 1-bandiga qo'shimcha kiritish haqida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3430-1*)
767. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 24-noyabrda 676-son “O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov hibsonalari va jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan shaxslarning tibbiy-sanitariya ta'minoti bo'yicha qoidalarga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish to'g'risida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3159-3*)
768. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 3-dekabrda 306-son “O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (5-sonli BHMS) “Asosiy vositalar”ga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3546-1*)
769. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 29-noyabrda 302-son “O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o'tkazish”ga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i (*O'zbekiston*

Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3548-1)

770. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 27-noyabrdagi 461-son "Kasbiy ta'lim tashkilotlarining ishlab chiqarish ta'limi ustalarini attestatsiyadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3635-1*)
771. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 28-noyabrdagi 21-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3719*)
772. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 26-noyabrdagi 22-son "Majburiy davolash uchun mo'ljallangan narkologiya muassasalarida davolash jarayonini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3720*)
773. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 27-noyabrdagi 63-q/q-son va Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 24-noyabrdagi 27-2025/B-son "O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasasi huzuridagi alohida o'rnak ko'rsatgan xodimlarni rag'batlantirish bo'yicha maxsus komissiya to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1846-1*)
774. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 29 ноябрдаги 9-мх-сон "Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2430-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

753 Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг даромад топиш ва касб-хунар ўрганиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар:

1. Қуйидагилар ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини кенгайтириш;

(б) 2026-2027 йилларда «НАМРОН» хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш компанияси» МЧЖ (кейинги ўринларда — Компания) томонидан:

(i) 6 минг нафар хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2 триллион сўм йўналтириш;

(ii) 2,8 минг нафар хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш;

(iii) 2 минг нафар хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятига ҳамроҳлик қилиш асосида қўмаклашиш.

II. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш

2. Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) фаолиятини кенгайтириш мақсадида:

(а) ҳокимликлар захирасидаги суғорилмайдиган бўш ер майдони мавжуд маҳаллаларда 300 метр квадратгача бўлган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида;

(б) бўш турган давлат мулки объектлари ёки унинг бир қисми оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Қорақалпоғистон Республикаси оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила ва хотин-қизлар бошқармаларига ажратилсин.

3. Белгилансинки, Марказлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

(а) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар ҳисобидан;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 декабрда эълон қилинган.

(б) туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларининг тавсиялари асосида:

(i) давлат-хусусий шериклик шартларида;

(ii) касб-ҳунар ўргатиш фаолияти билан белгиланган тартибда шуғулланувчи ташаббускор тадбиркорларнинг биноларида.

4. Белгилансинки, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ташкил этилган Марказлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила ва хотин-қизлар бошқармалари томонидан тиқувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш каби фаолиятларни ташкил этиш учун ижарага берилади.

5. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Марказларни ишга тушириш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. 2026 йил 1 январдан бошлаб «НАМРОН» тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) доирасида хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги қўшимча инструментлар жорий этилсин:

(а) тижорат банклари томонидан таъсисчилари таркибида аёллар улуши 50 фоиз ва ундан юқорини ташкил қилган ва (ёки) раҳбари аёл киши бўлган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг камида 10 та иш ўрни яратишни назарда тутувчи лойиҳаларига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 10 фоиз пункт юқори ставкагача базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 минг бараваригача миқдорда кредит ажратиш;

(б) «Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси» АЖ томонидан тижорат банклари кредитларининг 70 фоизигача бўлган қисмига кафолат (кафиллик) тақдим этиш.

III. Молиявий ресурслар

7. Компания 2026-2027 йилларда Дастур доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун ўз даромадлари ҳисобидан 50 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача миқдордаги маблағларни йўналтирсин.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 ноябрдаги ПҚ–385-сон қарорига мувофиқ Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан Компанияга ажратилган 118 миллиард сўм маблағ Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖдаги улушини ошириш ҳисобига Компаниянинг устав фондига йўналтирилади.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖнинг 2026 йил 1 январга қадар Дастурни молиявий манбалар билан таъминлаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қуйидаги маблағларни ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июнда-

ги ПҚ–4752-сон қарорига асосан тижорат банкларига йўналтирилган маблағлардан қайтадиган 220 миллиард сўм;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ–5113-сон қарорига асосан тижорат банкларига йўналтирилган маблағлардан қайтадиган 440 миллиард сўм;

(в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармонига асосан тижорат банкларига йўналтирилган маблағлардан қайтадиган 180 миллиард сўм;

(г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 апрелдаги ПҚ–212-сон қарорига асосан тижорат банкларига йўналтирилган маблағлардан қайтадиган 380 миллиард сўм.

10. Ушбу Фармоннинг 9-бандидаги маблағлар тижорат банклари томонидан 1-иловадаги* тақсимотга мувофиқ 2025 йил якунига қадар Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига қайтарилиши назарда тутилсин.

11. Белгилансинки, Дастур доирасида:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур Фармоннинг 9-бандида назарда тутилган маблағларни Компанияга йўналтириш учун «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖга Марказий банкнинг асосий ставкасида уч йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга ажратади;

(б) Компания кредитларни молиялаштириш учун маблағларни тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз пункт юқори ставкагача уч йиллик имтиёзли давр билан 7 йилдан ошмаган муддатга жойлаштиради.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Компаниянинг кузатув кенгашига Компания томонидан тадбиркор аёлларга тақдим этилаётган молиявий ёрдамларнинг миқдорлари, параметр ва қоидаларига ўзгартириш киритиш ваколати берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 декабрь,
ПФ–240-сон

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

754 Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–111-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари давлат органларида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этиш, ҳудудларда янги имкониятларни аниқлаш ва бошқарув самарадорлигини ошириш, давлат органларида инсон ресурслари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳисобланади.

II. Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини ошириш

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги негизда ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ҳамда унинг ҳуқуқий вориси этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2026 йил 1 январдан бошлаб Агентликнинг умумий мувофиқлаштируви остида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги ПҚ–298-сон қарорида белгиланган «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)» мақомидаги 33 та туман (шаҳар) ҳокимликларида тажриба-синов тариқасида қуйидагиларни назарда тутувчи натижага асосланган бошқарув тизими жорий этилсин:

(а) давлат органлари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари уларга қўйилган вазифалар асосида Агентлик томонидан шакллантирилади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

(б) Агентлик:

(i) натижага асосланган бошқарув моделини ишлаб чиқади ҳамда унинг жорий этилишини услубий жиҳатдан мувофиқлаштиради;

(ii) мақсадли кўрсаткичларга эришилганлигини «samaradorlik.gov.uz» электрон платформаси орқали баҳолашни ташкил этади;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 декабрда эълон қилинган.

(iii) тегишли вазифаларни бажариш ва мақсадли кўрсаткичларга эришишда кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

(iv) давлат органлари томонидан вазифа ва функцияларни амалга оширишда молиявий ресурслардан самарали фойдаланилишини таҳлил қилади ҳамда бизнес жараёнларни қайта кўриб чиқиб, самарадорликни ошириш чораларини кўради;

(v) давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш учун танловларда замонавий ёндашув, зарур ҳолларда, кўшимча босқичларни жорий этади;

(в) вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари:

(i) соҳавий даражада натижаларга эришилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

(ii) ходимларнинг шахсий натижадорлиги асосида уларни рағбатлантириш ёки уларга интизомий жазо чорасини қўллаш масаласини ҳал этади;

(г) раҳбар ўринбосарларидан бири натижадорлик бўйича масъул (Chief Evaluation Officer — CEO) этиб белгиланади ҳамда унга қуйидаги вазифалар юкланади:

(i) ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан давлат органларининг стратегик режалаштириш, ахборот-таҳлил ва бошқа таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

(ii) давлат органлари фаолиятида белгиланган натижаларга эришилиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва самарадорликни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Давлат бошқарувида «вазифа — функция — ресурс — жавобгарлик» занжири асосида самарадорликни ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

(а) давлат органларининг вазифа ва функцияларини қуйидаги 5 та даражага ажратиш:

(i) конституциявий ва миллий даража;

(ii) республика ижро этувчи ҳокимият органлари даражаси;

(iii) ҳудудий даража;

(iv) туман (шаҳар) даражаси;

(v) маҳалла (қишлоқ, овул) фуқаролар йиғини даражаси;

(б) молиявий ресурслар ва штатлар сонини вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш;

(в) натижа учун масъулият ва жавобгарликни ҳар бир вазифа ҳамда функция бўйича алоҳида белгилаш;

(г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 октябрдаги ПФ–186-сон Фармони ижросининг таҳлили асосида республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмаларининг бир вақтнинг ўзида юқори турувчи ташкилотга ва ҳокимликка бўйсунувини бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

III. Давлат хизматида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш

6. 2026 йил 1 январдан бошлаб «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман

(шаҳар)» мақомидаги 33 та туман (шаҳар)да фаолият юритувчи давлат органларида кадрлар ротацияси тизими жорий этилсин. Бунда:

(а) республика ижро этувчи ҳокимият органларининг туман (шаҳар) бўлинма раҳбари ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ва унинг ўринбосарлари ҳар беш йилда, қоида тариқасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри доирасида бошқа туман (шаҳар)га ротация қилинади;

(б) ротация қилинадиган раҳбарлар Агентликнинг «hgm.gov.uz» электрон платформаси орқали аниқланади. Бунда Агентликнинг ротация қилиш бўйича кўрсатмаси давлат органлари учун мажбурий ҳисобланади;

(в) раҳбар янги ҳудудга ўтишдан олдин ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати бўйича интенсив курсда ўқитилади;

(г) ротация қилинган раҳбар фаолияти Агентлик томонидан электрон платформа орқали онлайн тарзда мониторинг қилинади;

(д) ротация жараёнлари Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади.

7. Давлат органларида ходимларнинг коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш тизими жорий этилсин, унга кўра:

(а) қуйидагилар диагностикадан ўтказилади:

(i) 2026 йил 1 январдан бошлаб коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳамда ушбу лавозимларга номзодлар;

(ii) 2026 йил 1 июндан бошлаб соҳалар назоратига масъул инспекцияларда коррупциявий хавф-хатар даражаси «юқори» ва «ўрта» бўлган функциялар юклатилган лавозимларда фаолият юритаётган ходимлар ҳамда ушбу лавозимларга номзодлар;

(iii) 2027 йил 1 январдан бошлаб бошқа давлат органларида коррупциявий хавф-хатар даражаси «юқори» ва «ўрта» бўлган функциялар юклатилган лавозимларда фаолият юритаётган ходимлар ва ушбу лавозимларга номзодлар;

(б) диагностика Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг буюртмасига мувофиқ Агентлик ҳузуридаги Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази томонидан ўтказилади. Бунда ходимларни диагностикадан ўтказиш харажатлари тегишли давлат органи томонидан қопланади;

(в) диагностика натижасига кўра ходимнинг коррупцияга барқарорлик даражаси «паст» деб баҳоланиши мазкур лавозимда меҳнатга оид муносабатларни давом эттиришига монелик қилувчи ҳолат ҳисобланади ҳамда ходим коррупциявий хавф-хатар даражаси «паст» бўлган бошқа лавозимга мажбурий равишда ротация қилинади.

IV. Давлат органларида инсон ресурслари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш

8. Давлат органларида бўш бўлган давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллашда қуйидагиларни назарда тутувчи янгича тизим жорий этилади, унга кўра 2026 йил 1 мартдан бошлаб:

(а) давлат фуқаролик хизматида мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар «vacansy.gov.uz» электрон платформасида эълон қилинади;

(б) фуқароларга ўзларига маъқул келадиган мутахассислик, лавозим ва иш ҳақига оид талабларни белгиллаган ҳолда «vacancy.gov.uz» электрон платформасида «иш қидирувчи» мақомида рўйхатдан ўтиш имконияти яратилади;

(в) «vacancy.gov.uz» электрон платформасида рўйхатдан ўтган ва давлат фуқаролик хизматига кириш бўйича тест синовидан муваффақиятли ўтган фуқаролар ушбу платформада мавжуд бўш иш ўринларига даъвогарлик қилиши мумкин бўлади. Бунда:

(i) фуқароларга тест синовларини шахсни тасдиқлаш ва синовларни назорат қилишнинг махсус онлайн тизими орқали ёки Агентликнинг махсус жиҳозланган хоналарида топшириш имконияти яратилади;

(ii) тест натижалари 1 йилгача амал қилади;

(г) бўш бўлган давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш учун танловларда номзодларнинг малака талабларини кўриб чиқиш босқичини автоматлаштириш ҳисобига инсон омили истисно қилинади;

(д) танловнинг қўшимча босқичи сифатида ўтказиладиган соҳавий билимларни баҳолаш бўйича тест синовлари давлат органларининг буюртмаларига мувофиқ Агентлик ҳузуридаги Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази томонидан шартнома асосида ўтказилади. Бунда соҳавий тест саволлари давлат органлари томонидан тақдим этилади;

(ж) давлат органлари бўш давлат фуқаролик хизмати лавозимларига номзодларни «vacancy.gov.uz» электрон платформасида рўйхатдан ўтган ва қизиқиш билдирган фуқаролар орасидан танлов асосида саралаб олади. Бунда танлов босқичлари Агентлик билан келишган ҳолда иш берувчи томонидан белгиланади.

9. Давлат органларида кадрлар захирасини юритиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи янги тартиб жорий этилсин:

(а) давлат органлари томонидан:

(i) Миллий кадрлар захирасига киритилган лавозимлар учун номзодлар рўйхати мустақил шакллантирилади;

(ii) саралашдан ўтган номзодлар тарафидан шахсий ривожланиш режасининг бажарилиши «zahira.bsa.uz» электрон платформаси орқали мониторинг қилинади;

(б) Салоҳиятли кадрлар захирасига номзодлар маҳаллада фаолият кўрсатаётган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари орасидан туман (шаҳар) ҳокимларининг хулосаси асосида ишчи гуруҳ томонидан сараланади. Бунда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан:

(i) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Солиқ қўмитаси вакилларида иборат таркибда ишчи гуруҳ шакллантирилади;

(ii) номзодлар ҳақидаги маълумотлар «hgm.gov.uz» электрон платформасига киритилади ҳамда номзодлар тарафидан шахсий ривожланиш режасининг бажарилиши «zahira.bsa.uz» электрон платформаси орқали мониторинг қилиб борилади;

(в) Агентлик томонидан:

(i) давлат фуқаролик хизматининг бошқарув ва сиёсий лавозим гуруҳларига захира мустақил равишда шакллантирилади;

(ii) давлат органларида самарали хизмат қилаётган, бироқ раҳбарлари томонидан тавсия этилмаган номзодларни мустақил аниқлаш ҳамда баҳолаш орқали улар Миллий кадрлар захирасига киритилади.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Қўйидагилар:

(а) Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ;

(б) Бошқарув самарадорлиги агентлигининг электрон платформалари билан ахборот алмашинуви асосида интеграция қилинадиган давлат органларининг ахборот тизимлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Агентлик уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бошқарув самарадорлиги агентлиги директори вазифасини бажарувчи У.Ш. Хусаинов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаментининг бошлиғи А.Б. Самадов белгилансин.

14. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 6 декабрь,
ПФ–243-сон

* 3 — 5-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 6 декабрдаги
ПФ–243-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Бошқарув самарадорлиги агентлиги фаолиятининг
устувор йўналишлари**

1. Давлат органларида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этиш йўналишида:

(а) давлат бошқарувида замонавий менежмент ва лойиҳавий ёндашув усулларини жорий этиш ҳамда стратегик режалаштириш асосида мақсадли кўрсаткичлар тизимини ташкил этиш;

(б) давлат органларининг вазифа ва функцияларини ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, молиявий-иқтисодий ва кадрлар ресурслари билан таъминланганлик ҳамда бошқарув жараёнларининг рақамлаштирилганлиги жиҳатидан мувофиқлаштириш;

(в) давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг бир масала бўйича икки томонлама — горизонтал (ҳокимликка) ва вертикал (юқори турувчи органга) бўйсунувини бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2. Ҳудудларда янги имкониятларни аниқлаш ва бошқарув самарадорлигини ошириш йўналишида:

(а) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини янгича ёндашув асосида аҳолига комплекс хизмат кўрсатувчи тузилмага трансформация қилишда услубий раҳбарлик қилиш;

(б) маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан доимий ҳамкорлик ўрнатиб, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳамда уларни бажаришнинг самарали механизмларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(в) давлат дастурлари (стратегиялар, концепциялар) ижросини таъминлашда республика ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

(г) ҳудудларда «ўсиш нукта»лари ва ишга солинмаган имкониятларни аниқлаш ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(д) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг амалий ташрифларига тайёргарлик кўриш жараёнларини ташкиллаштириш.

3. Давлат органларида инсон ресурсларини бошқариш ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш йўналишида:

(а) давлат хизматиغا муносиб кадрларни жалб этиш, истиқболли раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда давлат хизматчиларининг карьеравий ўсишига кўмаклашиш;

(б) давлат хизматчилари учун компетенциялар моделини ишлаб чиқиш, уларни шахсий ва касбий диагностика қилиш ҳамда давлат хизматчилари-

нинг билим ва касбий компетенцияларини узлуксиз ривожлантиришни ташкил этиш;

(в) давлат хизматида замонавий «HR» тизимини жорий этиш ва давлат органларининг кадрлар сиёсатини мувофиқлаштириш;

(г) муваффақиятга эришган хориждаги ватандошларимизнинг билим ва салоҳиятидан фойдаланиш орқали ҳудудлар ва тармоқларда ишга солинмаган янги захираларни аниқлаш ҳамда уларни халқаро тажриба асосида ривожлантиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 6 декабрдаги
ПФ–243-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Давлат бошқарувида «вазифа — функция — ресурс — жавобгарлик» занжири асосида самарадорликни ошириш бўйича
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

1. Адлия вазирлиги:

(а) давлат органлари билан биргаликда уларнинг барча вазифа ва функцияларини 5 та даражага таснифлаган ҳолда «Давлат функциялари» автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимига киритади. Бунда:

(i) 2026 йил 1 майга қадар конституциявий ва миллий даражадаги;

(ii) 2026 йил 1 сентябрга қадар республика ижро этувчи ҳокимият органлари даражасидаги;

(iii) 2027 йил 1 мартга қадар ҳудудий даражадаги;

(iv) 2027 йил 1 сентябрга қадар туман (шаҳар) даражасидаги;

(v) 2027 йил 31 декабрга қадар маҳалла (қишлоқ, овул) фуқаролар йиғини даражасидаги органларнинг вазифа ва функциялари киритилади;

(б) такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган функцияларни аниқлайди ҳамда уларни бекор қилиш бўйича таклифларни ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

(в) амалга ошириш механизми бўлмаган функцияларни зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, молиявий-иқтисодий ва инсон ресурслари билан таъминлаш тўғрисидаги таклифларни ҳар чоракда Бошқарув самарадорлиги агентлигига киритади;

(г) Бошқарув самарадорлиги агентлигига «Давлат функциялари» автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратади.

2. Давлат органларининг вазифа ва функцияларини таснифлаш бўйича рўйхатни шакллантириш, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда инсон ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик ҳолати юзасидан маълумотларнинг тўлиқ ва сифатли тақдим этилиши учун мазкур органларнинг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

3. Бошқарув самарадорлиги агентлиги қўйидаги масалалар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кiritиб боради:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 октябрдаги ПФ–186-сон Фармони ижросининг таҳлили ва Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган таҳлилий маълумотлар асосида функцияларни давлат органлари ўртасида қайта тақсимлаш, республика ижро этувчи ҳокимият органлари худудий бўлинмаларининг бир вақтнинг ўзида юқори турувчи ташкилотга ва ҳокимликка бўйсунувини бекор қилиш;

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда давлат функцияларини рақамлаштириш ва инсон омилини қисқартирган ҳолда жараёни автоматлаштириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

755 **Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қурилиш материаллари саноатида рақобатбардошликни янада ошириш, қўшилган қийматли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, соҳада амалиёт ва илмий тадқиқотларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, сифат назоратини кучайтириш, малакали кадрлар тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш доирасидаги асосий вазифалар этиб белгилансин:

(а) ишлаб чиқариш ҳажмини 62 триллион сўмга етказиш;

(б) қурилиш саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш ва экспорт ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш учун зарур шароитларни яратиш;

(в) экологик тоза, ресурстежамкор ва энергосамарадор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда қурилишда улардан фойдаланишни босқичма-босқич йўлга қўйиш;

(г) қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий тадқиқотлар билан интеграциясини таъминлаш;

(д) қурилиш материаллари хавфсизлигини назорат қилишни кучайтириш.

II. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш салоҳиятини ошириш учун зарур шароитлар яратиш

2. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия (Ж. Ходжаев) икки ҳафта муддатда 2028 йил 1 январга қадар импорт қилишда божхона божидан озод этиладиган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар рўйхатини тасдиқласин.

3. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Божхона қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

(а) Марокаш, Тунис, Миср, Жазоир, Саудия Арабистони, Қатар, Мўғулистон давлатлари билан ҳукуматлараро музокаралар ўтказиш дастурини;

(б) мазкур давлатлар билан бир тарафлама ўрнатилган импорт божларини бекор қилиш ва маҳсулотлар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни (certificate of origin) икки тарафлама ўзаро тан олиш амалиётини йўлга

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 декабрда эълон қилинган.

қўйиш бўйича 2027 йилгача мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

4. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарининг кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш тартиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2026 йил 1 февралга қадар Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Миллий статистика қўмитаси ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) ўртасида 2-иловада* назарда тутилган маълумотлар бўйича «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ўзаро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилсин.

6. Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев Уюшма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция лойиҳаларининг йиғма параметрларини тасдиқласин.

7. Белгилансинки, қора металллар ва қора металллар прокати (ТИФ ТН бўйича коди — 7210) маҳсулотлари олдиндан ҳақи тўланмасдан, аккредитив очилмасдан, банк кафолати расмийлаштирилмасдан ва экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш бўйича имтиёзлар татбиқ этилмайдиган товарлар сифатида тавсиф этилмайди.

8. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Ўзбекистон ҳудудида рўйхатдан ўтган ишлаб чиқарувчи корхоналар вакилларининг Афғонистон ҳудудига «Термиз» автойўл ўтказиш пункти орқали Давлат чегарасидан хавфсиз ўтиб қайтишларини таъминласин.

III. Қурилиш материаллари саноати корхоналари фаолиятини рақамлаштиришга кўмаклашиш

9. Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгашининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) Уюшма бошқарув раисининг қурилиш материаллари саноати корхоналарида сунъий интеллект ва рақамлаштиришни жорий этишга кўмаклашиш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимини жорий этиш;

(б) Уюшма бошқарув раиси биринчи ўринбосарининг асосий вазифалари сифатида корхоналарда сунъий интеллект, рақамлаштириш ва автоматлаштириш бўйича лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, маълумотлар бошқаруви ва рақамли инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашишни белгилаш.

10. Савдо-саноат палатаси Уюшма билан биргаликда уч ой муддатда алоҳида юридик шахс мақомидаги «Қурилиш материаллари саноати корхоналарида сунъий интеллект ва рақамлаштиришни қўллаб-қувватлаш компанияси»ни ташкил этиш чораларини кўрсин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятига сунъий интеллект технологиялари, рақамлаштириш ва автоматлаштириш тизимларини жорий этиш, илмий салоҳиятни юксалтириш ҳамда энергия аудитдан ўтказиш харажатларини қоплаш учун 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 100 миллиард сўмлик маблағлар Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

12. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси Уюшма билан биргаликда бир ой муддатда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятига сунъий интеллект технологиялари, рақамлаштириш ва автоматлаштириш тизимларини жорий этиш, илмий салоҳиятни юксалтириш ҳамда энергия аудитдан ўтказиш харажатларини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин.

IV. Экологик тоза, ресурстежамкор ва энергосамадардор қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш

13. Бино ва иншоотларни лойиҳалашда ва қуришда экологик тоза ҳамда энергосамадардор қурилиш материалларидан фойдаланиш назоратини ташкил этиш мақсадида 2026 йил 1 июлдан бошлаб шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш ваколатига эга ташкилотлар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказишда уларнинг қурилишда фойдаланиладиган қурилиш материаллари ҳажмининг камида 25 фоизини экологик тоза, ресурстежамкор ва энергосамадардор қурилиш материаллари ташкил этишига оид талабни текшириш амалиёти жорий қилинсин.

14. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Уюшма билан биргаликда:

(а) уч ой муддатда экологик тоза, ресурстежамкор ва энергосамадардор қурилиш материалларини аниқлаш услугиётини ишлаб чиқсин;

(б) 2026 йил 1 майга қадар бино ва иншоотларни қуришда фойдаланилиши тавсия этиладиган экологик тоза, ресурстежамкор ва энергосамадардор қурилиш материаллари рўйхатини тасдиқласин.

15. Бюджет буюртмасига асосан амалга ошириладиган давлат харидлари бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида бино-иншоотлар, шу жумладан, ижтимоий соҳа объектларини барпо этишда маҳаллий қурилиш материаллари улуши камида 80 фоизни ташкил этиши шартлиги тўғрисидаги талаб белгилансин, бундан Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланадиган алоҳида объектлар мустасно.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил учун режалаштирилган қурилиш объектлари учун қурилиш материаллари ҳажми бўйича ҳудудлар кесимидаги прогноз маълумотларни Уюшмага тақдим этсин.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва Уюшма

юқори қўшилган қийматли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўрсин.

18. Энергетика вазирлиги Уюшма тавсиясига асосан ҳар йили 1 сентябрга қадар кўмир ёқилғисини дастлабки қиздириш учун лимит асосида табиий газ етказиб бериладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари рўйхатини тасдиқласин.

19. 2026 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий саноат корхоналарига улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистон ҳудудида оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва журналлар, онлайн реклама, билборд, интернет тармоғидаги хорижий ахборот ресурсларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, савдо майдончалари ва мобил иловаларда жойлаштириш) орқали тарғибот ва ташвиқот қилиш харажатларини Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб беришга рухсат этилсин. Бунда:

(а) мазкур харажатларнинг 50 фоиздан 100 фоизгача қисми, бироқ бир календарь йилда 250 миллион сўмдан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади;

(б) Савдо-саноат палатасининг хулосасига асосан саноат корхоналарига компенсациялар тақдим этилади.

Савдо-саноат палатаси уч ҳафта муддатда компенсацияларни тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

V. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёнларини илмий тадқиқотлар билан интеграция қилиш

20. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилиш материаллари соҳасида фаолият олиб бораётган ёш олимлар учун белгиланган тартибда хорижий илмий стажировка танловини эълон қилиш;

(б) Уюшма ва Тошкент архитектура-қурилиш университети томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан Давлат бюджетидан илмий фаолиятга оид давлат дастурларига ажратилган маблағлар ҳисобидан 2026 — 2028 йиллар учун умумий молиялаштириш ҳажми 30 миллиард сўмлик илмий лойиҳалар танловларини эълон қилиш чораларини кўрсин. Бунда эълон матнида танловга келиб тушган лойиҳа ҳужжатлари Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгашига юборилиши ва уларнинг ижобий хулосаси асосида саралашнинг кейинги босқичига ўтказилиши назарда тутилади.

21. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Уюшма билан биргаликда бир ой муддатда қурилиш материаллари саноати корхоналари вакиллари малакасини Ўзбекистон стандартлар институтида ошириш бўйича уч йиллик дастурни тасдиқласин.

22. Белгилансинки, малака ошириш курсларида 2026 йил 1 февралдан бошлаб аниқ режа-графикка асосан ҳар йили қурилиш материаллари саноати корхона вакилларининг халқаро стандартлар, Жаҳон савдо ташкилоти

қоидалари, сифат менежменти, маҳсулотлар сифати ва хавфсизлиги, мувофиқликни баҳолаш ва техник жиҳатдан тартибга солиш йўналишлари бўйича малакаси белгиланган тартибда оширилади.

VI. Қурилиш материалларининг хавфсизлигини назорат қилишни кучайтириш, қурилиш чиқиндиларини қайта ишлаш ва утилизация қилишни ташкил этиш

23. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 мартдан бошлаб:

(а) «Техник тартибга солиш» ва «Шаффоф қурилиш» ахборот тизимларининг ўзаро интеграцияси доирасида хавфсизлиги номувофиқ деб топилган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари ва етказиб берувчиларининг электрон реестри юритилади;

(б) электрон реестр маълумотлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Қурилиш назорати инспекцияси) томонидан қурилиш объектларида ўтказиладиган назорат тадбирлари натижаларида олинadиган маълумотларни интеграция қилиш орқали шакллантирилади;

(в) «Техник тартибга солиш» ва «Шаффоф қурилиш» ахборот тизимларидаги қурилиш материалларининг электрон реестрида ишлаб чиқарган қурилиш материалларининг хавфсизлиги номувофиқ деб топилган корхоналар давлат харидларида иштирок этиши тақиқланади;

(г) хавфли қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналарнинг жамоатчилик учун очиқ рўйхатини тегишли ахборот тизимлари, Уюшма ва бошқа ваколатли давлат органларининг расмий веб-саҳифаларида эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилади.

24. Аниқланган хавфли қурилиш материаллари қайта муомалага чиқиб кетишини назорат қилиш мақсадида белгилансинки, 2026 йил 1 февралдан бошлаб:

(а) буюртмачилар ва ишлаб чиқарувчиларга тегишлилиги бўйича қурилиш объекти ва ишлаб чиқариш корхоналарида хавфлилиги аниқланган, ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда муомаладан чиқаришга мажбурий кўрсатма берилган қурилиш материалларини қурилиш чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар ёки чиқинди полигонларига шартнома доирасида юбориш мажбурияти юкланади;

(б) мазкур мажбурият бажарилишини назорат қилиш тегишлича Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси (кейинги ўринларда — Экология қўмитаси) Давлат экологик назорат инспекцияси ва Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан амалга оширилади;

(в) Қурилиш назорати инспекцияси ва Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан мазкур мажбуриятни бажаришни талаб қилиш бўйича берилadиган мажбурий кўрсатмалар Экология қўмитасининг Ситуацион марказига интеграция қилинади;

(г) Бош прокуратура (С. Самадов) мазкур мажбурият аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминлайди.

25. 2026 йил 1 июндан бошлаб қурилиш чиқиндиларини такрорий фойдаланиш, қайта ишлаш ёки утилизация қилишга йўналтиришнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

(а) буюртмачи-юридик шахслар томонидан бинолар ва иншоотлар, йўллар ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари қурилиш чиқиндиларини қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ёки чиқинди полигонларига шартнома доирасида тақдим этилади;

(б) қурилиш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, шунингдек, улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича лойиҳавий ечимлар назарда тутилиши мажбурий ҳисобланади;

(в) қурилиш чиқиндиларининг атмосфера ҳавосига таъсирининг олдини олиш мақсадида буюртмачи томонидан амалдаги шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ чанг ва ёқимсиз ҳидларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

26. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қурилиш жараёнида фойдаланиладиган автоклав ва автоклавсиз усулда ишлаб чиқарилган газбетон маҳсулотларни қўллаш доирасини аниқ белгиловчи норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

VII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4198-сон қарори 2-бандининг «г» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) 2026 йил 1 январдан бошлаб «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасини жорий таъминлаш ва унинг фаолиятини молиялаштириш Савдо-саноат палатасининг Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан асосланган смета-ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади».

28. Савдо-саноат палатаси Уюшма, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

29. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.С. Хидоятлов ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи С.Қ. Эшқувватов белгилансин.

30. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 1 декабрь,
ПҚ–365-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 1 декабрдаги
ПҚ–365-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарининг
кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш
ТАРТИБИ**

1. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаларининг бизнес-режасидаги иш ўринларини яратиш ва маҳсулотлар реализациясидан тушум каби кўрсаткичлар бажарилишининг ўртача миқдори 2025-2026 йилларда 30 фоиздан ва 2027-2028 йилларда 50 фоиздан юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларига «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти томонидан ажратилаётган компенсация ёрдами қайта тикланади ва тўлаб берилади.

2. 2025 йил 1 ноябрга қадар қурилиш материалларини ишлаб чиқариш мақсадида ажратилган кредит (лизинг)лар миқдоридан қатъи назар, унинг 20 миллиард сўмгача бўлган қисми бўйича ҳисобот оyi якунида муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда:

(а) Марказий банк асосий ставкасининг икки бараваридан ортиқ бўлмаган ставкада миллий валютада ажратилган кредит фоизининг асосий ставкадан 4 фоиз пунктдан юқори қисми, бироқ 10 фоиз пунктдан ошмаган миқдорда;

(б) хорижий валютада ажратилган кредит фоизининг 8 фоиз пунктдан юқори қисми, бироқ 4 фоиз пунктдан ошмаган миқдорда 2028 йилга қадар компенсация қилиб берилади.

3. 2026-2027 йилларда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича кредит миқдоридан қатъи назар, унинг 20 миллиард сўм эквивалентидан ошмаган қисми бўйича:

(а) айланма маблағларни тўлдириш мақсадлари учун:

(i) Марказий банк асосий ставкасининг икки бараваридан ортиқ бўлмаган ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича асосий

ставкадан 4 фоиз пункт юқори қисми, бироқ 5 фоиз пунктдан ошмаган миқдорда;

(ii) хорижий валютада ажратиладиган кредит фоиз ставкасининг 8 фоиздан юқори қисми, бироқ 3 фоиз пунктдан ошмаган миқдорда 12 ой муддатгача;

(б) лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган асосий воситаларни сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича:

(i) Марказий банк асосий ставкасининг икки бараваридан ортиқ бўлмаган ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича асосий ставкадан 4 фоиз пункт юқори қисми, бироқ 10 фоиз пунктдан ошмаган миқдорда;

(ii) хорижий валютадаги кредит фоиз ставкасининг 8 фоиздан юқори қисми, бироқ 5 фоиз пунктдан ошмаган миқдорда уч йилгача муддатгача компенсация тақдим этилади.

Бунда компенсация «2+1» тамойили асосида, аввал кредитнинг дастлабки икки йилига тақдим этилади, кейинги бир йил учун маҳсулот (хизмат) ларни реализация қилишдан тушган йиллик тушум аввалги йилнинг мос даврига нисбатан 15 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда ошган тақдирда, кейинги йил давомида ҳар ойда тўлаб берилади.

4. Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги ҳамда ҳудуд тоифасидан қатъи назар амалга оширилади.

5. 1, 2, 3 ва 4-бандларда назарда тутилган имтиёزلардан бир вақтда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****756 Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш орқали тартибга солиш юқини қамайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ;

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалға ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловаға мувофиқ;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалға оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан расмий огоҳлантиришни чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловаға мувофиқ;

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида алкотестер ёрдамида шахсларнинг алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловаға мувофиқ;

Алкоғол, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларға тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловаға мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасиға юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 1 декабрь,
754-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари
ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон
идентификация қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ички ишлар органлари патруль-пост хизмати (кейинги ўринларда — патруль-пост хизмати) саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан, планшет орқали аниқлаш, шунингдек, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларининг (кейинги ўринларда — ходимлар) фуқаролар билан ўзаро мулоқотини қайд этиб бориш тартибини белгилайди.

2. Ходимлар томонидан жамоат жойларида фуқаролар шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан, планшетлар орқали аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Е-патруль» тизими — текшириладиган шахсни планшет орқали бармоқ изларини планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ излари билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, юз тузилиши (юзнинг олд томони)ни расмга олиш орқали реал вақт режимида текшириш, тегишли маълумотларни шакллантириш, тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, шунингдек, ваколатли давлат органлари ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг марказлаштирилган электрон тизими;

бодикамера — жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқароларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио, видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна;

планшет — маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилинган техник восита бўлиб, шахсни биометрик идентификацияси (бармоқ изи ёки юз тузилиши)ни электрон равишда олиб, унинг шахсига оид (қидирувдалиги, профилактик, пробация ва маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқалар) тезкор маълумотларини мобиль ҳолатда жойида текшириш воситаси.

4. Бодикамера орқали ёзиб олинган аудио, видео ёзувлардан профилактика тадбирларида жамоат жойларида шубҳали ҳаракатлар содир этаётган фуқароларни текшириш, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда ашёвий далилларни тўплаш, шунингдек, масъул раҳбарлар томонидан

ходимларнинг хизмат ўташ жараёнини текшириш ҳамда назорат қилиш мақсадида фойдаланилади.

5. «Е-патруль» тизими орқали фуқаронинг шахсга доир маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, туғилган санаси) ҳамда ҳуқуқбузарлик ёки бошқа (судланганлиги, қидирувдалиги ёки профилактик, пробация ёхуд маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқалар) маълумотлари жойида текширилиб, тезкорлик таъминланади ва ортиқча оврагарчиликка йўл қўйилмайди.

Бунда фуқароларнинг шахсини бармоқ излари ёки юз тузилиши орқали идентификация қилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг сервер қурилмаларидан фойдаланилади.

6. Ходимлар томонидан фуқаронинг шахсини аниқлашга доир маълумотлар электрон тизим орқали рўйхатдан ўтказилган вақтнинг ўзида «Е-патруль» тизимига автоматик равишда бу ҳақида хабар юборилади.

7. «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ходимга бириктирилган планшет орқали маълум бўлган шахсга доир маълумотлар ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

8. Ходимлар қуйидаги ҳолларда фуқароларни тўхтатиши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки «Е-патруль» тизими орқали уларнинг шахсини аниқлаши мумкин:

шахс жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд қидирувда деб гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлганда;

шахсни содир этилган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотга эга деб ҳисоблаш мумкин бўлганда;

қонунга мувофиқ шахсни ушлаб туриш учун бошқа қонуний асослар мавжуд бўлганда.

Ходим шахсни тўхтатиб, ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни ва «Е-патруль» тизими орқали унинг шахсини аниқлашни талаб қилганда шахсга уни тўхтатганлик ҳамда ундан шахсини аниқлаш талаб этилаётгани сабаблари ва асосларини тушунтириб бериши шарт, бундан хизмат доирасидаги маълумотлар мустасно.

9. Ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган фуқаро қуйидаги ҳолларда шахсига аниқлик киритиш учун ички ишлар органларига олиб борилади:

унинг шахсини планшет орқали аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда;

қидирувда бўлган ёки бедарак йўқолган шахслар аниқланган ҳолларда;

шахсига аниқлик киритиш жараёнида қаршилик кўрсатган ҳолларда;

жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир этаётганда ушланган ҳолларда (жойида маъмурий баённома тузиладиган ҳоллар бундан мустасно).

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда ўз ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.

10. «Е-патруль» тизими химояланган тармоғида ишлайди ва маълумотлар архиви (иш ҳужжатларининг электрон шакли) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сервер қурилмаларида сақланади.

11. «Е-патруль» тизимини худудларда тўлиқ ишга тушириш, унинг си-

фатли фаолият кўрсатиши учун алоқа каналлари узлуксиз ишлаши, техник ва дастурий таъминоти, шу жумладан, «бодикамера» ва планшетлар созлиги, электрон ахборот тизими ва дастурий таъминот ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва янгилаб бориш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

2-боб. «Е-патруль» тизимидан фойдаланиш тартиби

12. Ходимлар томонидан «Е-патруль» тизими орқали фуқароларнинг шахси қуйидаги тартибда аниқланади:

ходим фуқаро билан суҳбатлашишдан олдин ўзини таништиради ва хизмат гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилган ҳолларда, у томонидан хизмат гувоҳномаси фуқарога тўлиқ танишиб бўлгунга қадар кўрсатилади (бирок гувоҳномани фуқарога бериш тақиқланади);

фуқаронинг шахсига аниқлик киритишда, муомала маданиятига риоя қилган ҳолда «Е-патруль» тизими орқали идентификация қилиш учун планшет ёрдамида шахснинг бармоқ излари планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ изи билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, унинг юз тузилиши (юзнинг олд томони) расмга олиш орқали текширилади;

мулоқотга киришганда ходим ҳушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай кутилмаган ҳаракатга тайёр туриши лозим;

суҳбат жараёнида ходим шахсга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиши, шу жумладан, уяли алоқа воситаси орқали суҳбатлашиши мумкин эмас;

ходим тақдим этилган ҳужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, ҳужжатларни текшираётганда унинг ичида ишга тааллуқлиги бўлмаган буюмлар бўлса, уларни эгасига қайтаради (муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсалар бундан мустасно).

13. Ходимларга бириктирилган планшетлар доимий равишда соз, батарея қуввати тўлдирилган ва дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

14. Ходимларга планшетлар «Е-патруль» тизимига кириш учун мўлжалланган логин ва пароль билан биргаликда бириктириб берилади.

15. Ходимлар хизмат вазифаларидан бўшатишда планшет тегишли моддий-техник таъминот учун масъул ходимга топширилади.

16. Ходим ўзига бириктирилган планшетни иш вақти тугаганидан сўнг (ёхуд бошқа сабабларга кўра планшетдан фойдаланиш зарурати мавжуд бўлмаган ҳолларда) ички ишлар органи раҳбари белгилаган жой (масъул ходим) га топширади ҳамда ушбу жой (масъул ходим)дан қабул қилиб олади.

3-боб. Ходимларнинг ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш тартиби

17. Бодикамера ходим кўкрак соҳасининг елка қисмига яқин жойга тақилади, шунингдек, махсус жилет ва плашга, хизмат вазифасини бажараётган ва профилактика тадбирини ўтказётган ходим ҳаракатларига халақит бер-

майдиган қилиб жойлаштирилади, шунингдек, давлат тилида: «Диққат! Аудио ва видео ёзиб олинмоқда», рус тилида: «Внимание! Ведется аудио и видеозапись», инглиз тилида: «Attention! Audio and video recording in progress» ёзувлари акс эттирилади.

18. Бодикамера ходим хизмат вазифаларини бажаришга киришган вақтдан бошлаб ёқилади ва хизмат вақти тугагунга қадар бодикамера ишчи режимда бўлади.

19. Бодикамерани рухсатсиз ечиб ташлаш, ўчириш ва аудио, видео ёзувга тўсқинлик қилиш мумкин эмас.

20. Дам олиш, овқатланиш вақтида фақат навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиғи (командир)нинг рухсати билан аудио, видео ёзув олиб борилишини вақтинча тўхтатади ва бу ҳақида «бодикамера»ларни бериш ҳамда қабул қилишни қайд этиш автоматлаштирилган дастурий таъминотига тегишли ёзувлар киритади.

21. Бодикамерада носозликлар ёки аккумулятор қуввати тугаганда ходим дарҳол навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиғи (командир)га хабар беради ва бу ҳақида дастурий таъминотига тегишли ёзувлар киритади.

Бунда навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиқ (командир) ушбу ҳолатни текшириш ҳамда имкон даражасида носозликларни бартараф этиш учун жавобгар шахс — администраторни юборади.

22. Хизмат вазифасини бажариш вақтида фуқаролар билан низоли ёки мунозарали вазиятлар юзага келганда, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда судланган ва назорат остидаги шахслар томонидан қоидабузарликлар содир этилган ҳолатлар тўғрисида навбатчилик қисмига ёки бевосита бошлиғи (командир)га белгиланган тартибда воқеа ҳақида билдирги билан ахборот беради ва навбатчилик қисмида мониторинг гуруҳи томонидан дастурий таъминотга тегишли ёзувлар киритилади.

Билдирги ёки видеоёзувлар асосида қайд этилган маълумотлар бўйича масъул ходимлар томонидан қонуний қарор қабул қилиш мақсадида ўрганиб чиқиш учун улар «Е-патруль» тизимининг умумий сақлаш хотирасидан ҳуқуқбузарликларнинг турларига кўра «Е-патруль» тизимининг дифференциал захира хотирасига кўчирилади.

4-боб. Бодикамералар орқали қайд этилган маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби

23. Бодикамерани бериш ва топшириш автоматлаштирилган дастурий таъминот орқали қайд этилади.

Автоматлаштирилган иш жойлари ва улардаги дастурий таъминотда ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

24. Бодикамера билан олинган аудио, видео ёзувлар махсус ва ёрдамчи қурилмалар орқали автоматик тартибда кўчириб олинади.

25. Маълумотларни сақлаш серверига кўчириб олиш жараёни бодикамера аккумулятори қувватланиш вақтида автоматик тартибда амалга оширилади.

26. Олинган аудио, видео ёзувлар қуйидаги муддатларда сақланади:
жиноятлар бўйича — 5 йил;
маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва назорат текшируви тадбирлари бўйича — 1 йил;
жиноят ва ҳуқуқбузарликлар аломатларини ўз ичига олмаган бошқа ҳолатлар бўйича — 1 ой.

5-боб. «Е-патруль» тизимидан фойдаланишда ходимнинг мажбуриятлари

27. Ходим томонидан фуқаронинг шахсига аниқлик киритиш тўғрисидаги қонуний талаблари барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан бажарилади.

28. Фуқароларнинг шахсига доир маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси) планшет орқали «Е-патруль» тизимига тўғри киритилишига патруль-пост хизмати ходими масъул ҳисобланади.

29. Ходим «Е-патруль» тизимидаги шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этилмаслиги ҳамда ушбу маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилмаслик учун жавобгардир.

30. Ходим планшет ёки бодикамерадан эҳтиёткорона фойдаланиши керак, шунингдек, уни ўзга шахсларга бериши мумкин эмас.

31. Планшет ёки бодикамера ходимнинг масъулиятсизлиги оқибатида йўқолган, учинчи шахсларга берилган, қасдан нобуд қилинган, унга ўрнатилган дастур ва иловалар қасдан яроқсиз ҳолга келтирилган тақдирда, етказилган зарар бириктирилган ходим ҳисобидан тўлиқ қопланади.

Бунда ходим ноқонуний хатти-ҳаракатларини яшириш ёки бошқа мақсадларда қасдан қилган ҳаракатлари оқибатида ушбу воситаларга шикаст етказса, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

32. Бодикамера носозлиги ёки қуввати тугаганлиги ходимга маълум бўлган, ходим ушбу камчиликни дарҳол бартараф этиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда, ўзининг ёки бирга хизмат ўтаётган ҳамкасбининг уяли алоқа воситасидан, бодикамерадан ҳамда бошқа видеоёзув ускуналаридан фойдаланган ҳолда низоли ҳолатни акс эттиришнинг чораларини кўриши лозим.

6-боб. Яқунловчи қоида

33. Планшет ва бодикамерадан фойдаланиш борасида ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар қонунчилик ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда
ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) — ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имконини берадиган электрон тизим;

ижтимоий профилактика тадбирлари — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар — меҳнат органи ходими, тиббиёт ходими, мактаб директори ва мактаб психологи, инспектор-психолог, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг мурожаатига асосан жалб этиладиган туман (шаҳар) даражасидаги тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари;

ижтимоий профилактика объектлари — ўзига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг ижтимоий муаммолари;

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар;

ижтимоий мослаштириш дастури — ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар.

3. Ижтимоий профилактика тадбирлари қуйидаги шахсларга нисбатан амалга оширилади:

а) ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар:

банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;

ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;

ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;

давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшлар;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;

ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;

тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар;

б) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар:

парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар.

**2-боб. Ижтимоий профилактика объектларини аниқлаш
ва уларга доир маълумотларни ижтимоий профилактика
тадбирларини амалга оширувчи субъектларга тақдим
этиш тартиби**

4. Профилактика инспектори томонидан ижтимоий профилактика объектлари қуйидагилар асосида аниқланади:

аҳолини «хонадонбай» ўрганиш;

маҳалла фаоллари, уйбоши ва кўчабошилар берган маълумотлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

жиноят сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномаси;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ва ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар томонидан тақдим этилган маълумотлар;

оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали олинган маълумотлар;

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари томонидан берилган бошқа маълумотлар.

5. Ижтимоий профилактика объектлари бўйича амалга ошириладиган ижтимоий профилактика тадбирлари бўйича профилактика инспектори томонидан ахборот тизимида хулоса тайёрланади.

Хулосада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар билан ўтказилган профилактик суҳбатлар;

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий профилактика объектлари;

ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан олинган ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар ва уларнинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар.

6. Профилактика инспекторининг ўзи томонидан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар бўйича хулоса расмийлаштирилиши талаб этилмайди.

7. Профилактика инспектори томонидан тайёрланган хулоса асосида қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш учун ахборот тизими орқали тегишлилиги бўйича ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга юборилади:

а) ҳоким ёрдамчисига — банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;

б) профилактика инспекторига:

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;

файриижтимоий хулқ-атворли шахслар;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;

в) ёшлар етакчисига:

ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;

давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшлар;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган ёшлар;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган ёшлар;

г) хотин-қизлар фаолига:

ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар;

д) ижтимоий ходимга:

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;

парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар;

е) солиқ инспекторига тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар.

Маҳалла раиси ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга бириктириладиган шахслар билан маҳаллага бириктирилган давлат органлари ва ташкилотлари вакиллари жалб этган ҳолда, ижтимоий профилактика тадбирлари ҳамкорликда ташкил этилишини таъминлайди.

8. Профилактика инспектори ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда улар билан ҳамкорликда иштирок этади.

9. Профилактика инспектори ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг фаолиятини таҳлил қилган ҳолда уларга амалий, методик ва услубий ёрдам кўрсатиб боради.

3-боб. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби

10. Профилактика инспектори ахборот тизими орқали юборган ижтимоий профилактика объектлари тўғрисидаги маълумотларни ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар уч иш куни ичида ўрганиб чиқади.

11. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширади ёки амалга оширишни рад этиш тўғрисида хулоса тайёрлайди. Бунда:

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар уч иш куни ичида ахборот тизими орқали ўзининг ижтимоий мослаштириш дастурини ишлаб чиқади;

рад этиш тўғрисида хулоса тайёрланган тақдирда, тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларда аниқланган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бар-тараф этиш ҳамда такроран юбориш учун ахборот тизими орқали профилактика инспекторига қайтаради.

12. Профилактика инспектори томонидан ижтимоий профилактика объектлари бўйича хулоса тақдим этилмаган ёки хулосада мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш рад этилиши мумкин. Бу ҳақида ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги хулосада кўрсатилади.

13. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш рад этилган ҳолат юзасидан профилактика инспектори беш иш куни ичида хулосада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, ахборот тизими орқали ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга такроран тақдим этади.

14. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тўғрисида қабул қилган қарор бўйича ижтимоий мослаштириш дастурида ижтимоий профилактика объектига нисбатан амалга ошириладиган ижтимоий профилактика тадбирлари ва уларнинг муддатлари акс эттирилади.

15. Ижтимоий мослаштириш дастури ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг ҳар бири учун алоҳида тузилади, ижтимоий мослаштириш дастурига ҳар бир ижтимоий профилактика объекти киритилади ҳамда дастур тасдиқланган вақтдан бошлаб ижрога қаратилади.

Ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотлар мунтазам равишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ахборот тизимига киришиб борилади.

Ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун уларни киритган шахс шахсан жавобгар ҳисобланади.

16. Профилактика инспекторининг ижтимоий профилактика объектларини аниқлаш ва уларга доир маълумотларни ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек, мазкур Низомнинг 17-банди «б» кичик бандига мувофиқ унинг ўзи томонидан амалга ошириладиган ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиш ҳолати туман (шаҳар) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси томонидан кунлик мониторинг қилиб борилади.

17. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ижтимоий мослаштириш дастури асосида қўйидагиларни амалга оширади:

а) ҳоким ёрдамчиси — банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахсларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўради;

б) профилактика инспектори:

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан яқка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказади, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар билан биргаликда касбий лаёқатидан келиб чиқиб, касб-ҳунар ўрганишга жалб қилиш, соғлом ҳаётга қайтариш, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш, шунингдек, ушбу салбий одатга ружу қўйишнинг омилларини бартараф этиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказиш ва комплекс психологик-тиббий реабилитация қилиш чораларини кўради;

кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказади, ушбу ўйинларнинг салбий

оқибатларини ва жавобгарликни тушунтиради, унинг омилларини бартараф этишга кўмаклашади;

ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг сабабларини ўрганади, улар билан якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказади, уларни соғлом ҳаётга қайтариш ҳамда бундай салбий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш чораларини кўради;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий шароити ва касбий лаёқатини ўрганади, ҳоким ёрдамчиси томонидан уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилишида ёрдам беради;

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, васий ёки ҳомийси бўлмаган вояга етмаганларга васий ва ҳомий бириктириш, ёшлар етакчиси билан биргаликда уларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, фан, касб-ҳунар ва спорт тўғрақларига жалб қилади, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чораларини кўради;

в) ёшлар етакчиси:

ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг бандлигига кўмаклашади, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини ўрганади ҳамда уларга кўрсатиладиган ёрдам турларидан самарали фойдаланишни ташкил этади;

давлат кўмагига мухтож «оғир» тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашади ҳамда профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлайди, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чораларини кўради;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган ёшларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказади, касбий лаёқатидан келиб чиқиб, касб-ҳунар ўрганишга жалб қилиш, соғлом ҳаётга қайтариш ҳамда ушбу салбий одатга ружу қўйиш омилларини бартараф этишга кўмаклашади;

кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган ёшларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказади, уларни соғлом ҳаётга қайтаришга ҳамда ушбу салбий одатга ружу қўйишнинг омилларини бартараф этишга кўмаклашади;

г) хотин-қизлар фаоли:

ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказади, низоларнинг сабабларини аниқлайди, уларни бартараф этиш мақсадида маҳалла раиси билан ҳамкорликда «Соғлом оила — соғлом жамият» тамойилларини тушунтиради, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, пси-

хологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этади;

ёрдамга мухтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиб, турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий шароити ҳамда касбий лаёқатини ўрганади, уларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилиш, зарур ҳолларда уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўради;

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизларнинг ҳонадонига бориб, турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, аниқланган муаммоларини бартараф этиш чораларини кўради, зарур ҳолларда мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган шахсларга ҳимоя ордерини бериш бўйича профилактика инспекторига таклиф киритади;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий шароити ва касбий лаёқатини ўрганади, улар билан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади, ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда бандлигини таъминлаш чораларини кўради;

д) ижтимоий ходим:

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахсларнинг турмуш тарзи ва оилавий шароитини ўрганади, уларнинг эҳтиёжларига қараб, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатишни ва ёрдам берилишини ташкил этиш чораларини кўради;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар, шунингдек, парваришга мухтож ёлғиз кексаларни қонунчиликда белгиланган тартибда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил этади ҳамда уларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишини таъминлайди;

е) солиқ инспектори тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахсларга солиқ хизматларини кўрсатади.

Ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори ўз ваколатлари доирасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Маҳалла раиси ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиб, ҳар ҳафта маҳаллада уларнинг ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини муҳокама қилиб боради.

19. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан зарур ҳолларда, ижтимоий профилактика тадбирларига ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар жалб қилиниши мумкин.

20. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга ёрдам кўрсатади. Бунда:

а) меҳнат органи ходими — банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;

б) тиббиёт ходими:

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;

парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар;

в) мактаб директори, мактаб психологи ва инспектор-психолог:

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган ўқувчилар;

қаровсиз ва назоратсиз қолган, шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атворли ўқувчилар;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган ўқувчилар;

кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган ўқувчилар билан ижтимоий мослаштириш дастурларини амалга оширишда иштирок этади.

21. Ижтимоий мослаштириш дастурларини амалга оширишга ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг мурожаатига асосан маҳалла фаоллари, имом-хатиб, отиноийлар ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

4-боб. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда ижтимоий профилактика тадбирларини яқунлаш тартиби

22. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг фаолияти туман (шаҳар) даражасида — туман (шаҳар) ички ишлар органлари, вилоят даражасида — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари, республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан таҳлил қилинган ҳолда уларга ташкилий, техник ва методик ёрдам кўрсатган ҳолда мувофиқлаштирилади.

23. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга амалий ва бошқа ёрдам кўрсатиш мақсадида ижтимоий профилактика тадбирлари қуйидаги тартибда назорат қилиб борилади:

а) туман (шаҳар) даражасида:

маҳалла раисининг фаолияти — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимлари;

ҳоким ёрдамчисининг фаолияти — туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари;

профилактика инспекторининг фаолияти — туман (шаҳар) ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари;

хотин-қизлар фаолининг фаолияти — Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари;

ёшлар етакчисининг фаолияти — Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари;

ижтимоий ходимнинг фаолияти — туман (шаҳар) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари;

солиқ инспекторининг фаолияти — туман (шаҳар) солиқ инспекциялари томонидан;

б) вилоят даражасида Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг, Ёшлар ишлари агентлигининг, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари томонидан;

в) республика даражасида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Солиқ қўмитаси томонидан.

24. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий мослаштириш дастури профилактика инспектори билан, профилактика инспекторининг ўзи томонидан амалга оширилган ижтимоий мослаштириш дастури эса маҳалла раиси билан биргаликда тузиладиган қўшма хулоса асосида яқунланади.

25. Ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар вафот этганда, озодликдан маҳрум этилганда ёки доимий яшаш учун хорижий давлатга кўчиб кетганда, уларга нисбатан ижтимоий мослаштириш дастурини тугатиш ҳақида маҳалла профилактика инспектори билан биргаликда қўшма хулоса тузилади.

26. Ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар узоқ муддатга хорижий давлатга кетганда, ижтимоий мослаштириш дастури вақтинча тўхтатилиб турилади ва қайтганидан сўнг қайта тикланиб, ҳолатдан келиб чиқиб яқунланиши ёки давом эттирилиши мумкин.

Ижтимоий профилактика тадбирлари такроран амалга оширилганда, ижтимоий мослаштириш дастури қайта тикланиб, ишлар давом эттирилади.

27. Ижтимоий мослаштириш дастурини яқунлаш бўйича тузилган қўшма

хулоса асосида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлимлари, туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг, Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари, туман (шаҳар) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда туман (шаҳар) солиқ инспекциялари назоратни яқунлайди.

28. Ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар республиканинг бошқа ҳудудига доимий ёки вақтинча яшаш учун кўчиб кетса, улар билан олиб борилаётган ижтимоий профилактика тадбирлари борган жойидаги ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан давом эттирилиши мумкин.

29. Ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ҳар йил якуни бўйича мазкур Низомнинг 23-бандида назарда тутилган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бевосита жойларга чиққан ҳолда ўрганилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Ижтимоий профилактика объектларига нисбатан электрон шаклда юритилган ҳужжатлар (хулоса, ижтимоий мослаштириш дастури, унинг ижроси бўйича маълумотномалар, қўшма хулоса) ахборот тизимида сақланади.

31. Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

32. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга
оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари
томонидан расмий огоҳлантиришни чиқариш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан расмий огоҳлантиришни чиқариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг талаблари Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

4. Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси (кейинги ўринларда — масъул шахс) томонидан чиқарилади.

5. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг расмий огоҳлантиришни чиқариш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслари рўйхати тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.

6. Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

2-боб. Расмий огоҳлантиришни чиқариш тартиби

7. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига мувофиқ ўтказилган профилактик сўхбат ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланади.

8. Жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бу-

зувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс аниқланган жойнинг ўзида масъул шахс томонидан ушбу шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилади.

9. Расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, амалга оширилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади.

10. Расмий огоҳлантириш бланкаси ушбу Низомга иловага* мувофиқ шаклда икки қисмдан — фуқарога тақдим қилинадиган расмий огоҳлантириш ҳамда масъул шахсда қоладиган унинг қирқиб олиннадиган қисмидан иборат бўлади.

11. Расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганда унга барча ёзувлар қора ёки ҳаворанг сиёҳда, тушунарли қилиб ёзилади.

12. Масъул шахс расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштираётган пайтда шахснинг ёнида унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, расмий огоҳлантириш бланкасининг тегишли графалари шахснинг сўзидан тўлдирилади.

13. Масъул шахс расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштирганидан сўнг уни имзолайди.

Расмий огоҳлантириш бланкасининг қирқиб олиннадиган қисми расмий огоҳлантирилаётган шахс томонидан ҳам имзоланади. Расмий огоҳлантирилаётган шахс имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантириш бланкасига бу ҳақида ёзиб қўйилади.

14. Расмий огоҳлантириш расмийлаштирилганидан сўнг у расмий огоҳлантирилган шахсга берилади, бланканинг қирқиб олиннадиган қисми масъул шахсда қолади.

15. Масъул шахс, расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Расмий огоҳлантириш бланкаси қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади ва ўз серияси ҳамда рақамига эга бўлади.

Расмий огоҳлантириш бланкалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи вазирликлар ва идоралар томонидан қўйи турувчи тизим учун марказлаштирилган ҳолда белгиланган тартибда тайёрланади.

17. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг раҳбарлари ва прокуратура органлари томонидан назорат қилинади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида
алкотестер ёрдамида шахсларнинг алкоғолли ичимлик
истеъмол қилганлигини аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ички ишлар органлари ходимлари ёки Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари ҳарбий хизматчилари ва (ёки) ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолатини, шунингдек, пробация назоратидаги шахс томонидан алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш юзасидан суд белгилаган тақиққа (чекловга) риоя этилишини аниқлаш мақсадида ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига олиб келинган шахсларнинг алкотестер ёрдамида алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлигини аниқлаш тартибини белгилайди.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилгандан бошқа ҳолларда алкоғолли ичимлик истеъмол қилганликни аниқлаш тақиқланади, йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлигини аниқлаш ҳоллари бундан мустасно;

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

алкотестер — шахс томонидан ҳавога чиқарилган этанол буғларини аниқловчи ва текширув натижаларини қоғозда акс эттирувчи махсус мослама;

алкотестер текшируви — ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолатини, шунингдек, пробация назоратидаги шахс томонидан алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш юзасидан суд белгилаган тақиққа (чекловга) риоя этилишини аниқлаш мақсадида ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига олиб келинган шахсларнинг алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлигини алкотестер ёрдамида текшириш;

масъул ходимлар — ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига текширилувчи шахсни олиб келган ички ишлар органлари ходимлари ёки Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари;

текширилувчи шахс — ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолатини аниқлаш ёки пробация назоратидаги шахснинг алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш юзасидан суд белгилаган тақиққа (чекловга) риоя этилишини текшириш мақсадида ички ишлар органларининг навбатчилик қисмла-

рига олиб келинган ҳамда алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолати алкотестер орқали текшириладиган шахс;

тиббий текширув — туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларига олиб борилган шахснинг алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатини текшириш мақсадида ўтказиладиган текширув.

3. Текширилувчи шахс алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлиги масъул ходимлар томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда алкотестер ёрдамида текширилади.

4. Қуйидагилар алкотестер текширувини ўтказиш учун асос бўлади:

шахснинг оғиз бўшлиғидан алкоғоль ҳиди келиши;

шахснинг бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши);

шахс нутқининг бузилгани;

шахс қўл бармоқларининг қалтираши;

шахс юз териси рангининг сезиларли ўзгаргани.

5. Масъул ходимлар алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни аниқлаган тақдирда, ушбу шахсларни Алкоғоль, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида низомда белгиланган тартибда тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб боради.

2-боб. Алкотестер текшируви давомида алкотестердан фойдаланиш тартиби

6. Алкотестер текшируви камида икки нафар холис иштирокида, зарур ҳолларда эса шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади.

7. Алкотестер текширувидан олдин масъул ходимлар текширилувчи шахс ва холисларни алкотестернинг ишлаш тартиби ва кўрсаткичлари билан таништиради, уларнинг талабига асосан қиёслаш сертификати (нусхаси)ни кўрсатади.

Ушбу бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжат ва бошқа кўрсаткичлар билан таништирилмаганда ёки махсус мослама носозлигига шубҳа мавжуд бўлганда ёхуд алкотестер текширувини ўтказиш жараёнида санитария-гигиена қоидалари бузилганда, шахс алкотестер текширувидан ўтишдан бош тортиши мумкин.

8. Алкотестер текшируви жараёнида масъул ходим томонидан текширилувчи шахс билан мулоқотда ҳушмуомала, унга нисбатан хатти-ҳаракатлари тушунарли ва қонунчилик талаблари асосида бўлиши, шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши лозим.

9. Алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатини аниқлаш учун алкотестер текширувини ўтказишда текширилувчи шахс томонидан чиқарилган ҳаво намунаси алкотестер мосламасини қўллаш йўриқномасига асосан олинади.

10. Текширилувчи шахснинг оғиз бўшлиғидан чиқарилган ҳаводаги этанол буғлар концентрацияси кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори бўлган ҳолларда, масъул ходимлар текширилувчи шахсга нисбатан алкоғол-

ли ичимликларни истеъмол қилганлиги ҳолати юзасидан холислар иштирокида (алкотестер мосламасининг қиёслаш сертификати рақами баённомада ёки далолатномада кўрсатилади) баённома ёки далолатнома (пробация назоратидаги шахсга нисбатан далолатнома) расмийлаштиради ҳамда алкотестер текшируви натижаларини ушбу баённома ёки далолатномага илова қилади.

11. Текширилувчи шахс алкотестер ёрдамида алкотестер текширувидан ўтишдан бош тортган ёки унда техник воситалар орқали ўтказилган алкотестер текшируви натижаларига эътироз мавжуд бўлган ҳолларда, масъул ходимлар ушбу шахсни тиббий текширувдан ўтказиш учун туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасасига олиб борадилар.

Текширилувчи шахс туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасасида ҳам тиббий текширувдан ўтишдан бош тортган тақдирда, унга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

12. Масъул ходимларнинг алкотестердан фойдаланиш, уни сақлаш, қабул қилиш, топшириш ва унинг ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

3-боб. Масъул ходимларнинг алкотестер текширувини ўтказишда фуқаролар билан ўзаро муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Масъул ходимлар:

текширилувчи шахсга ўзини таништириши, лавозими, унвони, фамилияси ҳақида маълумот бериши, унинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини очик ҳолда кўрсатиши (бунда ходим томонидан хизмат гувоҳномасини ҳуқуқбузар ихтиёрига (қўлига) бериши тақиқланади);

ҳар қандай вазиятда текширилувчи шахс билан вазмин, хушмуомала, одобли ва эътиборли бўлиш, уларга ҳурмат билан ҳамда «Сиз» деб мурожаат қилиши, улар билан ўзаро муносабатларда муомала маданияти ва қонунийликка риоя қилиши;

текширилувчи шахс ва холисларни алкотестернинг ишлаш тартиби ва кўрсаткичлари билан таништириши, уларнинг талабига асосан қиёслаш сертификати (нусхаси)ни кўрсатиши;

текширилувчи шахсни алкоғолли ичимлик истеъмол қилган деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни белгиланган тартибда алкотестер текшируви ёки тиббий текширувдан ўтказишни ташкил қилиши, алкоғолли ичимлик истеъмол қилган ёки истеъмол қилмаганлигини аниқлаш учун текширув ўтказилишидан бош тортган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш учун ҳужжатларни расмийлаштириши;

рухсат этилмаган, қиёслаш сертификатига эга бўлмаган, қиёслаш сертификатининг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган алкотестердан фойдаланмаслиги;

текширилувчи шахсга алкотестер текшируви ёки тиббий текширув ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

текширилувчи шахсни алкотестер текшируви натижаларининг нусхаси билан таъминлаши лозим.

Масъул ходимлар қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

14. Масъул ходимлар хизмат вазифаларини бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган асосларга кўра алкотестер текширувини ўтказиш;

ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини аниқлаш мақсадида махсус электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш.

Масъул ходимлар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Текширилувчи шахснинг масъул ходимлар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Текширилувчи шахс масъул ходимлар билан ўзаро муносабатларда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

масъул ходимлардан нима сабабдан ички ишлар органларига олиб келинганлигини, ўзини таништиришини, хизмат гувоҳномасини кўрсатишини талаб қилиш;

ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш;

алкотестер текшируви натижалари билан танишиш;

алкоголли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатини аниқлашда фойдаланиладиган алкотестернинг қиёслаш сертификатини кўрсатишни талаб қилиш;

масъул ходимларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, расмийлаштирилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маъмурий баённома ҳамда чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилиш;

алкотестер текширувидан бош тортиш ва тиббий текширув ўтказилишини талаб қилиш.

Текширилувчи шахс қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Текширилувчи шахс:

масъул ходимларнинг қонуний талабларига бўйсунуши ва уларни бажариши;

ёнида шахсини тасдиқловчи ёки ўзини идентификация қилиш имконини берадиган ҳужжатлари бўлган ҳолларда масъул ходимлар талабига кўра уларни текшириш учун тақдим этиш лозим.

Текширилувчи шахсга алкотестер текшируви жараёнида юқоридагилардан бошқа мажбуриятлар юкланиши мумкин эмас.

17. Шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлмаган текширилувчининг шахси ички ишлар органларининг ваколатли ходимлари томонидан махсус электрон маълумотлар базаси ёрдамида аниқланади.

Текширилувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд эмаслиги уни алкотестер текшируви ёки тиббий текширувдан ўтказмаслик учун асос бўлмайди.

5-боб. Тиббий текширувдан ўтказиш тартиби

18. Тиббий текширув ички ишлар органларига олиб келинган вақтда ёки узоғи билан икки соат ичида ўтказилиши лозим.

19. Туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида алкогольли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатида эканлигига гумон қилинган шахс ҳар тарафлама клиник текширувдан ўтказилади ва этанол буғлари бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида ундан чиқарилаётган нафас ҳавоси намунаси олинади.

20. Алкоголли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатининг клиник белгиларини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда (шошилич тез тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қилувчи ҳолатлар), текширувдан ўтказиш учун қон намунаси масъул ходимнинг қарори асосида тегишли даволаш-профилактика муассасаларида олинади.

Бунда текширилувчи шахснинг алкогольли ичимлик истеъмол қилганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса қоннинг лаборатория текшируви натижалари асосида чиқарилади.

21. Чиқарилаётган нафас ҳавоси таркибидаги алкоголь миқдорини ва сифатини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасида қўлланишга рухсат этилган ҳамда текширувдан ўтган алкотестерлардан фойдаланилади.

6-боб. Тиббий текширув натижаларини расмийлаштириш

22. Тиббий текширув натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги баённома тузилади. Баённомада текширув санаси ва тартиб рақами алкогольли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтган шахслар ҳисобини юритиш дафтарининг тартиб рақамига мувофиқ ҳолда кўрсатилади.

23. Баённоманинг барча бандлари ҳеч қандай қисқартириш ва бошқа ўзгартиришларсиз тўлдирилади. Баённома тиббий текширувни ўтказган шифокор томонидан имзоланади ва текширув ўтказилган тиббиёт муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

24. Тиббий текширувдан ўтказилган шахсга тиббий текширув баённомаси нусхаси (қоғоз ёки электрон шаклда) берилади.

25. Биологик суюқликларнинг ва чиқарилаётган нафас ҳавоси таркибининг лаборатория текшируви натижалари инobatга олинган комплекс тиббий текширув натижалари текширилувчи шахснинг ҳолати тўғрисидаги хулосанинг асоси ҳисобланади.

26. Текширилувчи шахс текширувдан ёки айрим текширув туридан бош тортган ҳолларда, шифокор томонидан дафтарга ва баённомада «текширувдан бош тортди» деб ёзиб қўйилади.

27. Тиббий текширув асосида хулоса тузилади, унда текширилувчи шахснинг текширув вақтидаги ҳолати аниқ ёритилиши зарур. Шифокор хулоса тузаётганда, қуйидаги ҳолатлардан бирини белгилаши лозим:

алкоголли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолати аниқланмади;

алкоголли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолати аниқланди.

28. Тиббий текширувдан ўтказилган шахс текширувдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги хулоса билан уни олиб келган масъул ходимлар олдида таништирилади.

29. Текширилувчи шахсда хулосага нисбатан эътирозлар мавжуд бўлган ҳолларда, у бошқа тиббиёт муассасасида қайта тиббий текширувдан ўтказишни талаб қилишга ҳақли. Бунда қайта тиббий текширув алкоголли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолати аниқланган ёки масъул ходим шахсининг алкоголли ичимликлар истеъмол қилганлиги бўйича асосларини маълум қилган пайтдан бошлаб, узоғи билан бир соат ичида бошқа яқин масофада жойлашган тиббиёт муассасасида ўтказилиши лозим.

Текширилувчи шахс алкоголли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатини аниқлаш юзасидан хусусий тиббиёт муассасаларида тиббий текширувдан ўтишини маълум қилган тақдирда, текширилувчи шахс хусусий тиббиёт муассасасида ўз ҳисобидан текширувдан ўтказилиб, текширув тўғрисида маълумотнома олинади.

7-боб. Яқунловчи қоида

30. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни (алкоголь ва бошқа психоактив моддалардан оғир заҳарланиш (хушсиз, кома) ҳолатлари бундан мустасно) ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига етказиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахслар (кейинги ўринларда — мастлик ҳолатидаги шахс) — психоактив моддалар таъсирида мастлик ҳолатидаги шахс;

наркологик касаллик (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) — психоактив моддаларга патологик ружу қўйиш, улардан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали касаллик;

психоактив моддалар — марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий кимёвий моддалар;

психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш — шахсларда мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий кўрик усуллари ва тиббий текширувлар мажмуи.

3. Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари буйруқлари билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида камида 10 ўринли туманлараро тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари ташкил қилинади.

4. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ички режим ҳамда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида-

ги Қўриқлаш департаменти қўриқлаш бўлинмалари (кейинги ўринларда — қўриқлаш бўлинмалари) ташкил этилади.

5. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари видеокузатув камералари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

6. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига кўчаларда, майдонларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, автомобиль йўлларида, вокзалларда, аэропортларда ва бошқа жамоат жойларида (яшаш жойидан олиб бориш бундан мустасно) бўлган мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун қуйидаги мезонлар асос бўлади:

шахснинг мақсадли ҳаракатлар содир этиш ёки ўзи мустақил ҳаракатланиш қобилиятининг йўқотганлиги (бирор жойда ётган ёки ўтирган ҳолати);

шахснинг уйқучанлиги, уйғотишнинг қийинлиги;

шахснинг тикка ҳолатда мустақил тура олмаслиги;

нутқининг ноаниқ, тушунарсиз, ўзаро боғлиқ бўлмаган узук-юлук алоҳида сўзлардан ташкил топиши (ғўлдираши);

саволларни яхши тушунмаслиги, ўзининг қаердалигини аниқ англаб етмаслиги.

7. Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг асосий вазифалари

8. Қуйидагилар тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мастлик ҳолатидаги шахсларни ҳушёр ҳолатга келтириш бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш;

мастлик ҳолатидаги шахсларни кеча-кундуз қабул қилиш ва уларнинг рўйхатини юритиш;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига қабул қилинган шахсларни хавфсиз ва соғлиғига зиён етмайдиган шароитларда сақлаш;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган шахсларда бошқа йўналишдаги даволаш-профилактика муассасаларида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни талаб этувчи ҳолатлар (жароҳатлар, куйиш, инсулт, ички аъзолар функцияларининг яққол декомпенсацияси ва бошқалар) аниқланган тақдирда, уларни тегишли даволаш-профилактика муассасасига юбориш;

мастлик ҳолатидаги шахсларни ҳушёр ҳолатга келгандан сўнг тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларидан чиқариб юбориш;

мастлик ҳолатидаги шахс ҳушёр ҳолатга келгандан сўнг тиббий ёрдам кўрсатиш пунктдан чиқариб юбориш вақтида ундан вақтинча сақлаш учун олиб қўйилган буюмларини қайтариш.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келиш

9. Мастлик ҳолатидаги шахслар ички ишлар органлари ходимлари томонидан аниқланади ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб борилади.

Бунда ички ишлар ходими:

мастлик ҳолатидагиларнинг шахсини аниқлайди;

мастлик ҳолатидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг, шунингдек, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хавфнинг олдини олиш мақсадида уларга биринчи ёрдам кўрсатади;

зарурат туғилганда (шахснинг ҳушсизлиги, оғир тан жароҳати олганлиги ёки ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган бошқа ҳолатларда), улар аниқланган жойга зудлик билан тез тиббий ёрдам бригадасини чақиради;

тез ёрдам бригадасининг келиш имкони бўлмаган тақдирда, юқорида кўрсатилган шахсларни тиббиёт муассасаларига ўз хизмат автомашиналарида етказиб боради, бу ҳақида ички ишлар ҳудудий органининг навбатчилик бўлимига хабар беради, навбатчининг кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилади;

мастлик ҳолатида бўлган шахсларнинг шахсий мулки хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

10. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари шароитида ёрдам кўрсатишга тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, мастлик ҳолатидаги шахсларни ушбу пунктларга ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат автомашиналарида етказишади. Уларнинг соғлиғига зарар етказилишини истисно этувчи, ушбу шахсларнинг ёнида бўлган ашёлар, ҳужжатлар ва қимматли буюмларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўради.

11. Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келишдан олдин ички ишлар органлари ходимлари уларда ўзига ёки бошқа фуқароларга тан жароҳатлари етказиши мумкин бўлган совуқ қурол, шунингдек, қурол сифатида ишлатилиши мумкин бўлган бошқа буюм (жисм) лар йўқлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Мастлик ҳолатидаги шахснинг ёнида совуқ қурол, гиёҳванд моддалар ва муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган буюмлар (жисмлар) аниқланган тақдирда, ушбу буюм (жисм)лар ички ишлар органлари ходими томонидан олиб қўйилади ҳамда бутун тиббий ёрдам кўрсатиш даври давомида ушбу шахснинг зарур қўриқланишини таъминлайди.

12. Мастлик ҳолатидаги шахсга тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тегишли чоралар кўриш ва олиб қўйилган буюмларни (жисмларни) сақлаш, топшириш ёки йўқ қилиш масалаларини ҳал этиш учун ҳудудий туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) га топширилади.

4-боб. Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига қабул қилиш

13. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатида-

ги шахсга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида ёрдам кўрсатиш учун тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса, ушбу шахсни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига қабул қилиш тўғрисида навбатчи шифокор томонидан далолатнома тузилиб, тиббиёт ходими ва ички ишлар органи ходими томонидан имзоланади.

14. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларнинг кийим-боши ва бошқа буюмлари ички ишлар органи ходимлари томонидан тиббиёт ходимлари ва холислар иштирокида текширилади.

Текшириш мобайнида мастлик ҳолатидаги шахсдан унинг ёнидаги буюмлари далолатнома билан расмийлаштирилади ва вақтинча сақлаш учун олиб қўйилади. Бунда мазкур буюмлар ҳар бир шахс учун алоҳида ячейкаси бўлган, рақамланган ва қулфланадиган махсус жиҳозланган шкафта сақланади.

15. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган барча шахслар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уни олиб келган ички ишлар органи ходимларининг ёзма йўлланмаларида кўрсатилган маълумотларига кўра махсус тикилган, рақамланган, тиббиёт муассасаси раҳбари имзоси ва ташкилот муҳри босилган дафтарда қайд этилади.

16. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган шахс олиб келинганда, кўрик далолатномасида унинг алоҳида белгилари (чандиқлари, татиуровкалари, туғма доғлари ва бошқа) синчиклаб қайд қилинади.

Ички ишлар органи ходимлари шахснинг ташқи қиёфасини тузишда тиббиёт ходимларига ёрдам беради.

17. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган шахслар ушбу пунктларнинг хоналарига жойлаштирилади. Бунда эркаклар аёллардан, вояга етмаганлар эса вояга етганлардан алоҳида сақланади.

18. Навбатчи тиббий ходимлар ички ишлар органи ходимлари билан биргаликда олиб келинган шахснинг қариндошларига дарҳол хабар бериш чораларини кўради.

19. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда ёнғин хавфсизлиги фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган маиший шароитлар яратилади.

20. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида тегишли ички ишлар органи, даволаш-профилактика муассасалари ходимлари билан алоқани йўлга қўйиш ҳамда олиб келинган шахсларнинг қариндошларига хабар бериш учун телефон аппарати ўрнатилади.

5-боб. Мастлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида тиббий ёрдам кўрсатиш

21. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам нарколог-шифокорлар ёки махсус тайёргарликдан ўтган шифокорлар ва бошқа тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилади.

22. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолати-

даги шахслар тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг шифокорлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

23. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари шифокорлари томонидан тузиладиган мастлик ҳолатидаги шахсларнинг соғлиғи ҳолатини текшириш натижалари далолатномасида қайд этилади ва ушбу далолатнома қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади.

24. Тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида олиб келинган шахсда бош мия жароҳатлари ёки бошқа оғир тан жароҳатлари, шунингдек, яққол аён бўлган оғир ҳолатлар аниқланганда, тиббий ёрдам кўрсатиш пункти жойлашган муассасада тўлиқ ҳажмда тиббий ёрдам кўрсатиш имкони бўлмаса, навбатчи шифокор томонидан ёрдам кўрсатиш ҳажми ёки бошқа даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш масаласи ҳал қилинади.

25. Тиббий ёрдамнинг кўрсатилиш ҳажми олиб келинган шахснинг аҳволдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартлари ва протоколларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида 12 соатгача бўлганда далолатнома, 12 соатдан кўп вақт бўлганда ва тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда касаллик тарихи расмийлаштирилади. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида қўлланилиши зарур бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сарфланишини ҳисобга олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Тиббий ёрдам кўрсатилган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктидан чиқариш

27. Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатилганидан ва ҳушёр ҳолатга келтирилганидан сўнг шифокор уни такроран тиббий кўрикдан ўтказди ва чиқариш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. Бунда мастлик ҳолатидаги шахсни ҳушёр ҳолатга келтириш муддати 3 соатдан кам бўлмаслиги керак.

28. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахслар сутканинг тунги вақтида, яъни соат 23.00 дан 06.00 га қадар ёки йилнинг совуқ даврида уларнинг қариндошлари кузатуви остида чиқариб юборилади.

29. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсга чиқариб юбориш давомида баённомага ёки касаллик тарихига имзо қўйдирган ҳолда олиб қўйилган ҳужжатлар, пуллар ва бошқа буюмлари қайтариб берилади.

7-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

30. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахслар:

шахсий хавфсизлиги таъминланган ва соғлиғига зиён етмайдиган шароитларда сақланишга, тегишли тиббий ёрдам олишга;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келингани тўғрисида қариндошлари ёки бошқа шахсларга хабар беришга;

ижтимоий-маиший шарт-шароитларга эга бўлиш ва қонунчиликда тақиқланмаган предмет ва буюмлардан фойдаланишга ҳақли.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мастлик ҳолатидаги шахслар тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида белгиланган тартибга риоя қилиши шарт.

8-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

31. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари:

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ҳудудида турган бошқа шахслардан тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилиш, уларни бартараф этиш ва бу ҳақида дарҳол ички ишлар органларига мурожаат этишга;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан мастлик ҳолатидаги шахслардан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қўйилишида иштирок этишга ҳақли.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари:

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиши;

ўз ишини бажаришда тиббий этика ва деонтологияга амал қилиши;

ўзининг малакаси, лавозим йўриқномалари ва мажбуриятларига мувофиқ мастлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиши;

мастлик ҳолатида бўлган шахсларни қабул қилиш вақтида уларда тан жароҳатлари аниқланган тақдирда, дарҳол ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига хабар бериши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартлари ва протоколларига амал қилиши;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахс хушёр ҳолатга келганидан сўнг уни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктдан чиқариб юбориши шарт.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

33. Тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида тиббиёт ходимлари соғлиғига зарар етказилиб, бу унинг меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотилишига сабаб бўлган тақдирда, шунингдек, ногиронлик юз берганда ушбу шахсга, у вафот

этган тақдирда эса, унинг қонуний вакилига етказилган зарар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

9-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида қўриқлаш бўлинмалари нарядларининг вазифа ва мажбуриятлари

34. Қўриқлаш бўлинмалари нарядлари:

мастлик ҳолатида бўлган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига қабул қилиш учун тиббиёт ходимлари кўриқдан ўтказаетган ва тиббий ёрдам кўрсатаётган вақтда жамоат тартибини таъминлайди;

мастлик ҳолатида бўлган шахслар томонидан агрессив хатти-ҳаракатлар билан қонунбузарлик ҳаракатлари содир этилган тақдирда, тегишли чоралар кўради;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ички, рухсат бериш режимларини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

қўриқланаётган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шарт-шароитлари, муҳандислик-техник воситалар ҳолатини текширади;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жисмоний куч ишлатиш, ўқотар қурол ва махсус воситалардан фойдаланиш чораларини кўради;

қўриқланаётган объект маъмуриятига, мансабдор шахсига объектни муҳандислик-техник мустаҳкамлигини таъминлаш, сигнализация тизимлари ва видеокузатув билан жиҳозлаш бўйича тақдимнома киритади;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларидан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқишга ёки олиб киришга уринаётган шахсларни ушлайди;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўради, зарур ҳолларда эса тегишли қарор қабул қилиш учун уларни худудий ички ишлар органларига топширади;

мастлик ҳолатидаги шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилади, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллайди.

35. Қўриқлаш бўлинмалари нарядлари:

хизматни ўташ жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириши;

қўриқланаётган объектда жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларининг сақланишини таъминлаши;

қўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, уларни содир этишга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Қўриқлаш бўлинмалари нарядлари зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

10-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини бошқариш

36. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига умумий раҳбарлик, улар ташкил этилган туман (шаҳар) тиббиёт муассасаларининг бош шифокори томонидан, пунктларга бевосита раҳбарлик эса ушбу пунктларда жорий этилган бўлим мудирлари томонидан амалга оширилади.

37. Бўлим мудирини ўз ваколатлари доирасида:

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига бевосита раҳбарлик қилади;

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига юкланган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди, улар зиммасига юкланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида сақланаётган шахсларнинг кун тартибини тасдиқлайди;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктининг иш режаларини тасдиқлайди;

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти тиббиёт ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш, шунингдек, уларни рағбатлантириш ва уларга интизомий жазоларни қўллаш ҳақидаги таклифларни тегишли даволаш-профилактика муассасасининг бош шифокорига белгиланган тартибда тақдим этади.

Бўлим мудирини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

38. Тиббий ёрдам пунктларида мастлик ҳолатидаги шахслар учун ишлатилган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек, тиббий ҳужжатлар ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 393-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 июлдаги 399-сон қарорининг 2-банди, 3-бандининг «а» ва «б» кичик бандлари ҳамда қарорга илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматида самарали бошқарув тизими жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2023 йил 5 сентябрдаги 448-сон қарорига илованинг 1-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2023 йил 3 октябрдаги 524-сон қарорига илованинг 9-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида алкотестер ёрдамида шахсларнинг алкогольли ичимлик истеъмол қилганлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2024 йил 5 апрелдаги 190-сон қарорининг 2 ва 3-бандлари ҳамда қарорга 1-илова.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2025 йил 7 февралдаги 67-сон қарорига 1-илованинг 28-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

757 «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали иш берувчиларга тижорий электрон хизматлар кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 4 октябрдаги ПҚ–347-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали иш берувчиларга тижорий электрон хизматлар кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига ходимларнинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни ҳамда меҳнат шартномаларини тузиш, бекор қилиш ва ўзгартириш ҳақидаги маълумотларни киритиш;

электрон меҳнат дафтарчасини ва ташкилотнинг тузилмасини «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида шакллантириш бўйича тижорий электрон хизматларни кўрсатиш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тижорий электрон хизматлардан фойдаланиш бўйича келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби.

2. Белгилансинки:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланиш бепул ҳисобланиб, ходимлар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини электрон шаклда тузиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартиби чекланмайди;

иш берувчилар «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали қўшимча равишда кўрсатиладиган тижорий электрон хизматлардан ўз хоҳишларига кўра ихтиёрий фойдаланишлари мумкин. Бунда тижорий электрон хизматлардан фойдаланиш иш берувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 декабрдаги 971-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 декабрда эълон қилинган.

каси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 декабрь,
763-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 3 декабрдаги 763-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-
аппарат комплекси орқали иш берувчиларга тижорий
электрон хизматлар кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент иш берувчиларга «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — «ЯММТ» ИДАК) орқали тижорий электрон хизматлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик ҳузуридаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини бошқариш дирекцияси;

талабгор — Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали меҳнат фаолиятига оид маълумотларни тўлов эвазига «ЯММТ» ИДАКга киритиш ва шакллантириш бўйича ихтиёрий равишда мурожаат этувчи иш берувчилар;

тижорий электрон хизматлар — ваколатли орган томонидан талабгорларга уларнинг хоҳишига кўра «ЯММТ» ИДАКга меҳнат фаолиятига оид маълумотларни киритиш ва шакллантириш бўйича тўлов эвазига кўрсатиладиган хизматлар;

ЯИДХП — Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали;

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси — ахборот ресурслари, технологиялар ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган мажмуи бўлиб, у орқали тузилган рўйхатга олинган меҳнат шартномалари ва ходимларнинг меҳнат стажига оид маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш амалга оширилади.

3. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ «ЯММТ» ИДАКдан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Талабгорлар «ЯММТ» ИДАК орқали кўрсатиладиган тижорий электрон хизматлардан ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда фойдаланишлари мумкин. Бунда меҳнат фаолиятига оид маълумотларни «ЯММТ» ИДАКга иш берувчиларнинг ўзи томонидан бепул равишда киритиши ва шакллантириши тартиби чекланмайди.

4. «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали тижорий электрон хизматлар ушбу Регламентга 1-иловадаги* схемага мувофиқ кўрсатилади.

5. Ушбу Регламент қоидалари 2 — 4-иловаларда* келтирилган тижорий электрон хизматлар кўрсатиш паспортларида (кейинги ўринларда — паспортлар) назарда тутилган хизматлар турларига нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. Тижорий электрон хизматларни кўрсатиш тартиби

6. Ваколатли орган томонидан талабгорларга «ЯММТ» ИДАК орқали қуйидаги тижорий электрон хизматлар кўрсатилади:

ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш, бекор қилиш ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақидаги маълумотларни «ЯММТ» ИДАКга киритиш;

ходимларининг аввалги иш жой(лар)и тўғрисида меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни «ЯММТ» ИДАКга киритиш орқали электрон меҳнат дафтарчасини шакллантириш;

«ЯММТ» ИДАКда ташкилотнинг тузилмасини шакллантириш.

7. Талабгор электрон тижорий хизматлардан фойдаланиш учун ўрнатилган тартибда ЯИДХПдан рўйхатдан ўтади ва сўровнома тўлдиради.

Сўровномани тўлдириш жараёнида тасдиқловчи ҳужжатлар (ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқдан, меҳнат шартномаси ва меҳнат дафтарчасидан нусха ва бошқалар) илова қилинади. Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши лозим.

Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва иш берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

8. Сўровнома ЯИДХП орқали автоматик равишда ваколатли органга юборилади.

Сўровнома дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда сўровнома иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида юборилганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни сўровнома ваколатли органга келиб тушган кун ҳисобланади.

9. Талабгор тўғрисидаги «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинган ахборот тизимларида мавжуд маълумотлар юридик шахснинг солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) орқали сўровномага автоматик тарзда киритилади.

10. Талабгордан паспортларнинг 4-бандида кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ваколатли орган, заруратга кўра, тақдим қилган маълумотларга ва тасдиқловчи ҳужжатларга талабгорга телефон қилиш орқали аниқлик киритиши мумкин.

11. Тижорий электрон хизматларни кўрсатиш учун паспортларнинг 5-бандида белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим миқдори қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,25 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасининг махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳисобварағига ўтказилади.

12. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, тижорий электрон хизматларни кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик хизматларни кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Тижорий электрон хизматларни кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Талабгор тижорий электрон хизматлардан фойдаланишни хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида рад этиш ҳуқуқига эга. Бунда сўровнома кўрилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Ваколатли орган паспортларнинг 6-бандида белгиланган муддатда сўровномани кўриб чиқиб, тегишли ҳужжатлар (маълумотлар) паспортларга мувофиқ бўлган тақдирда, «ЯММТ» ИДАКда меҳнат фаолиятига оид электрон маълумотларни шакллантиради ва ушбу Регламентга 5-иловага* мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни ЯИДХП орқали электрон шаклда талабгорга юборади.

15. Талабгор томонидан паспортларда назарда тутилган ҳужжатлар ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда, талабгорга камчиликларни тўлиқ кўрсатган ҳолда уларни бартараф этиш учун беш иш кунидан иборат муддат берилади.

Тижорий электрон хизматларни кўрсатишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар талабгорга сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқлангандан сўнг бир иш кунини ичида ЯИДХП орқали юборилиши лозим.

16. Тижорий электрон хизматларни кўрсатиш муддати камчиликларни бартараф этиш вақти давомида тўхтатиб турилади. Камчиликлар бартараф

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этилиб, қайта тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилгани учун тўлов ундирилмайди.

17. Ваколатли орган томонидан паспортларнинг 1-бандига мувофиқ маълумотлар «ЯММТ» ИДАКга киритилгандан (шакллантирилгандан) сўнг талабгор ўзининг электрон рақамли имзоси (ЭРИ) билан ушбу маълумотларни тасдиқлаши лозим.

18. Меҳнат фаолиятига оид маълумотлар ваколатли орган томонидан нотўғри шакллантирилгани аниқланса, талабгор 15 кун ичида йиғим тўламасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда ваколатли орган маълумотларни 5 иш кунинида тўғри ҳолатда қайта шакллантириши лозим.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Меҳнат фаолиятига оид (меҳнат стажини тасдиқловчи) юборилган маълумотларнинг (ҳужжатларнинг) ҳаққонийлиги учун жавобгарлик талабгорга юкланади.

20. Ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

21. Талабгор ваколатли орган ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

22. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**758** **Хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида***

Хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар билан ишлаш тартибини белгилаш, мазкур турдаги ҳужжатлар билан электрон иш юритиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи Хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар билан ишлаш қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

хизмат доирасида фойдаланиш учун (кейинги ўринларда — ХДФУ) грифли ҳужжатлар матнларини тузиш ва расмийлаштириш;

ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиш тизимларига қўйиладиган талаблар;

келиб тушадиган, иш фаолиятида фойдаланиш учун чекланган ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва йўналтириш (топшириш);

ХДФУ грифли ҳужжатларни кўпайтириш ва тарқатиш (жўнатиш);

ХДФУ грифли ҳужжатлардан фойдаланиш, ХДФУ грифини бекор қилиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларига ўзларининг ХДФУ грифли ҳужжатлари бўйича ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тегишли экспертизадан ўтказилган электрон ҳужжат айланиш тизимларида иш юритишга рухсат этилади.

3. Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашда қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

давлат органлари ва ташкилотларининг ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашга доир фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш;

ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлаш устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари бузилишлари аниқланганда, уларни бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатмалар бериш.

4. Адлия вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзархив» агентлигига ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича қўшимча штат бирликларини ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги «Киберхавфсизлик маркази» ДУК билан биргаликда икки ой муддатда «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралар-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 декабрда эълон қилинган.

аро ягона электрон тизимини ва унинг негизида ишлаб чиқилган «edo.ijgo.uz» электрон хужжат айланиш модулини ушбу қарор билан тасдиқланаётган Қоидалар талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари уч ой муддатда:

а) «Киберхавфсизлик маркази» ДУК билан биргаликда ўзларининг электрон хужжат айланиш тизимларида барча ахборот хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда ХДФУ грифли хужжатлар билан ишлаш учун техник имкониятлар яратсин;

б) ўзлари томонидан қабул қилинган ХДФУ грифли хужжатлар билан ишлаш тартибларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

в) Адлия вазирлиги билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

г) Қоидаларга иловада келтирилган хизмат доирасида фойдаланиш чекланган маълумотларнинг намунавий рўйхатига мувофиқ ХДФУ тоифасига киритиладиган соҳавий маълумотлар рўйхатини тасдиқласин.

7. Мазкур қарор билан тасдиқланаётган Қоидалар ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Д. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 декабрь,
766-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 4 декабрдаги 766-сон қарорига
ИЛОВА

Хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар билан ишлаш ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар билан ишлаш қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар) давлат органлари ва ташкилотларида хизмат доирасида фойдаланиш учун (кейинги ўринларда — ХДФУ) грифли ҳужжатлар билан ишлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Қоидалар давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар билан ишлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

виза қўйиш — мансабдор шахс томонидан имзо қўйиш орқали ҳужжатнинг мазмуни билан танишгани, розилиги ва келишганини билдирувчи белги;

девонхона — давлат органи ва ташкилотларидаги зиммасига ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш ва унинг функциялари юкланган бўлинма (ёки ваколатли ходим);

ечиб олинadиган ташувчилар — қурилма ёки тизимдан осонликча ечиб олиниб, бошқа қурилма ёки тизимда фойдаланилиши мумкин бўлган ахборот ташувчи воситалар (CD-DVD, флеш-хотира, ташқи қаттиқ дисклар, SD-карта ва бошқалар);

моддий ташувчилар — олинadиган (олинмайдиган) (магнит, оптик, лазер ёки бошқалар) электрон ахборот ташувчилардаги уларнинг электрон шакллариини ўз ичига оладиган керакли маълумотлар яратиш, қайд қилиш, узатиш, олиш, сақлаш ёки бошқа усулда фойдаланиш амалга ошириладиган ахборот ташувчилар;

муносабат белгиси (резолуция) — мансабдор шахс томонидан ҳужжат бўйича топшириқни ўз ичига олган ёзув;

хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ахборот — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш учун чекланган, давлат ва хизмат сирларига мансуб бўлмаган, ҳужжатлаштирилган ахборот;

хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ахборотни ошкор қилиш — ҳар қандай шаклдаги хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ахборот (ёзма, бошқа шаклда, шу жумладан, техник воситалардан фойдаланган ҳолда) ахборот эгасининг розилигисиз ёки меҳнат шартномасига (контрактига) ёхуд фуқаролик-ҳуқуқий шартномага зид ҳолда учинчи шахсларга маълум бўлишига олиб келадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

ХДФУ грифли ҳужжатлар — моддий ташувчида қайд қилинган, уни идентификация қилиш имконини берадиган реквизитларга эга бўлган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ҳужжатлар;

ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлаш қоидалари — ахборотни фойдаланиш учун қулай бўлган маълумотлар кўринишида тақдим этиш мақсадида сақлаш, қидириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, қайта ишлаш билан боғлиқ операциялар мажмуи;

ХДФУ грифи — хизмат доирасида фойдаланишни чеклаш учун ахборот ташувчиларга туширилган ёки электрон файлга ўрнатилган реквизит;

ҳужжатларни (ахборотни) қайта ишлаш — ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда ахборотни тайёрлаш, киритиш, тўплаш, сақлаш, нусха кўчириш, чиқариш, акс эттириш, қабул қилиш ва узатиш.

3. ХДФУ грифли ҳужжатлар давлат органлари ва ташкилотларининг ҳужжатлар билан иш юритиш тартиби ҳамда хусусиятидан келиб чиқиб, ушбу Қоидалар асосида электрон ёки заруратга кўра, анъанавий шаклда юритилади.

4. Давлат органлари ва ташкилотларида ХДФУ грифли ҳужжат билан ишлаш (ХДФУ грифли ҳужжатларни рўйхатга, ҳисобга олиш, кўпайтириш, сақлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш) учун мазкур идоралар раҳбарлари, девонхона ходимлари, ҳужжатни тайёрлаган ҳамда у билан ишлашга масъул ижрочи шахслар жавобгар ҳисобланади.

5. Давлат органлари ва ташкилотларининг девонхоналари томонидан:

ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашда ташкилий ва услубий жиҳатдан раҳбарлик ҳамда назорат амалга оширилади;

ходимлар ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлаш тартиби билан ташиштирилади.

6. Ушбу Қоидаларга иловада келтирилган хизмат доирасида фойдаланиш чекланган маълумотларнинг намунавий рўйхатига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ХДФУ тоифасига киритиладиган соҳавий маълумотлар рўйхати тасдиқланади.

Ушбу соҳавий рўйхатга давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига кўра очик эълон қилинадиган маълумотлар киритилмайди.

7. Умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатлар ХДФУ грифли ҳужжат шаклида қабул қилинишига йўл қўйилмайди, хизмат доирасида фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатлар бундан мустасно.

8. Ҳужжатни ХДФУ тоифасига киритиш ва ХДФУ грифини қўйиш тўғрисидаги қарор қўйидаги масъул шахслар томонидан қабул қилинади:

ижрочи томонидан — ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш давомида;

давлат органи ва ташкилоти ёки унинг таркибий бўлинмаси раҳбари томонидан — ҳужжатни келишаётганда (виза қўяётганда) ёки имзолаётганда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида унинг эълон қилиниши бўйича чеклов тўғрисида гриф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси регламентига мувофиқ қўйилади.

Ҳужжат матнида ҳажмидан қатъи назар, хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлганда, ушбу ҳужжатга ХДФУ грифи қўйилади.

9. Давлат органи ва ташкилотига ХДФУ грифи остида келиб тушган ҳужжат грифини уни белгилаган давлат органи ёки ташкилоти бекор қилиши мумкин.

10. Давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда ваколатли ходимлари имзоланаётган ҳужжатнинг ХДФУ грифли ҳужжат сирасига асосли киритилиши ва ХДФУ грифи бекор қилиниши учун шахсан жавобгардир.

2-боб. ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиш тизимларига қўйиладиган талаблар

11. Давлат органлари ва ташкилотларида ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлаш ХДФУ грифли ҳужжатларни қайта ишлашга рухсат берилган ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказилган электрон ҳужжат айланиш тизимлари (кейинги ўринларда — электрон ҳужжат айланиш тизимлари) орқали амалга оширилиши мумкин.

Телекоммуникация тармоқларида ХДФУ грифли ҳужжатлар алмашинувига ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқ фақат ҳимояланган электрон почта тизими ва (ёки) киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказилган электрон ҳужжат айланиш тизимлари ёхуд моддий ташувчилар мавжуд бўлганда рухсат берилади.

Криптографик ҳимоя воситалари ва электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланиш ахборот тизимларида хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ахборотни қайта ишлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Электрон ҳужжат айланиш тизимлари, ХДФУ грифли ҳужжатларни қайта ишловчи техник ва дастурий воситалар, ташкилий техника, компьютер техникаси ва ускуналари, телекоммуникация тармоқлари ва воситалари ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Бунда электрон ҳужжат айланиш тизимларида электрон ХДФУ грифли ҳужжатларни юклаб олиш ва бошқача усулда сақлаш, матнни кўчириб олиш, шунингдек, чоп этиш имкониятлари чекланиши, ХДФУ грифли ҳужжатлар электрон тарзда кўпайтирилганда, унинг ҳар бир нусхасини қатъий идентификация қилиш имконини бериши лозим.

12. Электрон ҳужжат айланиш тизимларида кўпайтирилган, чоп этилган ёки юклаб олинган ХДФУ грифли ҳужжатнинг ҳар бир нусхасида нусха рақами акс этирилган махсус сув белгиси, чоп этилган ёки юклаб олинган компьютер техникаси тармоқ манзили ва фойдаланувчи профили, чоп этилган ёки юклаб олинган вақт ва сана кўрсатилган техник маълумотлар билан шакллантирилиши шарт.

3-боб. ХДФУ грифли ҳужжатлар билан анъанавий шаклда ишлашга қўйиладиган талаблар

13. Қоғоз шаклда келиб тушадиган ва жўнатиладиган ХДФУ грифли

ҳужжатлар девонхона ходимлари томонидан марказлашган ҳолда алоҳида журналларда рўйхатга олинади ва ижрога қаратилади.

Журналлар рўйхатга олишнинг қуйидаги мажбурий реквизитлар таркибига эга бўлиши керак:

ҳужжатнинг муаллифи (корреспондент);

ҳужжат номи;

ҳужжат санаси;

ҳужжат индекси (ташкilotга келиб тушувчи ҳужжатлар учун ҳужжатнинг келиб туриши санаси ва индекси);

ҳужжат сарлавҳаси ёки унинг қисқача мазмуни;

муносабат белгиси (ижрочи, топшириқ мазмуни, муаллиф, сана);

ижро этиш муддати;

ижро этилгани ҳақидаги белги (масаланинг ҳал қилиниш моҳияти бўйича қисқача ёзув;

амалда ижро этилиш санаси ва жавоб (ҳужжатнинг индекси);

йиғмажилд тартиб рақами.

14. ХДФУ грифи билан келиб тушган ҳар бир ҳужжатнинг пастки қисмига уни қабул қилувчи давлат органи ёки ташкилотининг номи ёзилган рўйхатга олиш штампни қўйилади ва муносабат белгиси бўйича ижрочиларга топширилади.

Бир нечта таркибий бўлинмалар томонидан бажариладиган ҳужжатлар уларга нусха кўчириш орқали топширилади.

15. Ижро этилган ҳужжат (ижро этилгани тўғрисидаги белги билан) йиғмажилдга қўшиб қўйиш учун девонхонага қайтарилади.

Агар давлат органи ва ташкилоти йиғмажилдлар номенклатурасида таркибий бўлинмада ХДФУ грифи бўлган йиғмажилдларни юритиш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда ижро этилган ҳужжат давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг муносабат белгисида биринчи ижрочи сифатида кўрсатилган ушбу таркибий бўлинманинг тегишли йиғмажилдига тикилади.

16. Имзоланган ҳужжат рўйхатга олиш учун девонхонага ёки тегишли таркибий бўлинмага топширилади.

17. Ҳужжатнинг қоралама вариантлари, шу жумладан, қоралама вариантларнинг визаланган нусхалари тиклаб бўлмайдиган даражада ижрочи томонидан йўқ қилинади.

18. Нотўғри расмийлаштирилган ёки тўлиқ бўлмаган ҳужжат камчиликларини бартараф этиш учун девонхона ходими томонидан ижрочига қайтарилади.

19. Жўнатишдан олдин ХДФУ грифли ҳужжатлар девонхона ходими томонидан зич, ёруғлик ўтказмайдиган қоғоздан тайёрланган конвертларга (пакетларга) жойланиши керак.

20. ХДФУ грифли ҳужжатлар белгиланган тартибда, жўнатиш реестрларига мувофиқ фельдъегерлик, махсус алоқа ёки буюртма почта жўнатмаси орқали юборилади.

21. ХДФУ грифли ҳужжатларни, заруратдан келиб чиқиб, йиғмажилд-

ларга алоҳида ёки грифи бўлмаган худди шу масаладаги ҳужжатлар билан бирга гуруҳлашга йўл қўйилади.

22. Ошкор этилиши мумкин бўлмаган маълумотлар билан биргаликда, ХДФУ грифи бўлмаган ҳужжатлар жойлашган йиғмажилдлар ХДФУ грифли ҳужжатлар тоифасига киритилиши керак. Бундай йиғмажилдларнинг муқоваларига ХДФУ грифи қўйилади.

23. ХДФУ грифи бўлган ҳужжатлар ва йиғмажилдларини шакллантириш, тартибга келтириш, шу жумладан, қимматлилигини аниқлаш бўйича экспертизадан ўтказиш, йўқ қилишга саралаб олиш, унинг натижаларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш умумий иш юритиш ҳужжатлари учун белги-ланган талаблар ва тартибга мувофиқ амалга оширилади.

24. Йўқ қилиш учун танлаб олинган, ХДФУ грифи бўлган ҳужжатлар, йиғмажилдлар макулатура сифатида қайта ишлашга топширилишидан олдин матнни ўқиш ва ахборотни қайта тиклаш имкониятини истисно этадиган даражада мажбурий тартибда майдаланиши керак.

4-боб. Келиб тушадиган ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни юбориш (топшириш)

25. Келиб тушадиган ХДФУ грифли ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва йўналтириш (топшириш) девонхона ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатлар иш вақтидан ташқари вақтда келиб тушганда, уларга ишлов бериш ва ижрочиларга топшириш ҳужжат келиб тушган куни ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

26. ХДФУ грифи билан келиб тушаётган барча ҳужжатлар девонхона ходимлари томонидан қабул қилинади ва очилади («Шахсан» белгиси бўлган ҳужжатлар бундан мустасно). Бунда ҳужжатлар варақлари ва нусхаларининг сони, кузатув хатида кўрсатилган иловаларнинг борлиги текширилади.

27. Ҳужжатларда кўрсатилган иловаларнинг мавжуд эмаслиги ёки техник хатолиги аниқланганда, ушбу ҳужжатлар уни қабул қилган шахс томонидан асослари ва (ёки) сабаблари кўрсатилган ҳолда тегишли изоҳ келиб тушган электрон ҳужжат айланиш тизими ёки бошқа телекоммуникация тармоқлари орқали ҳужжат келиб тушган куни ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай жўнатган ташкилотга қайтариб юборилади. Конверт (пакет) орқали келиб тушган ҳужжатлар бўйича эса ушбу муддатларда икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси девонхонада қолади, иккинчиси эса конвертни (пакетни) жўнатган ташкилотга юборилади.

28. ХДФУ грифи билан келиб тушган ҳар бир ҳужжатга рўйхатга олиш журналига мувофиқ электрон шаклда тартиб рақами ва санаси қўйилади.

29. ХДФУ грифли ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилгандан сўнг давлат органи ва ташкилоти раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг муносабат белгиси билан ижрога қаратилади ҳамда ходимга топширилади.

5-боб. Жўнатиладиган ва ички ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш

30. Давлат органлари ва ташкилотларида ХДФУ грифли ҳужжатларнинг матнларини тузиш ва расмийлаштириш умумий иш юритиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади, ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

31. ХДФУ грифли ҳужжатларни расмийлаштириш, рўйхатга олиш, нусха кўчириш (кўпайтириш), ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш ишлари олиб бориладиган хизмат хоналари ҳужжатнинг йўқолиши, ошкор этилиши ҳамда уларга бегона шахсларнинг назоратсиз кириш имкониятини чеклайдиган қулайликларга эга бўлиши керак.

32. ХДФУ грифи ҳужжатнинг биринчи саҳифаси юқори ўнг бурчагига ва ҳужжатларга илова қилинган хатнинг биринчи саҳифасига қўйилади ҳамда гриф остида ҳужжат нусхасининг рақами кўрсатилади.

33. Ахборот ташувчилардан қатъи назар, кузатув хатларига иловалар кузатув хатида санаб кўрсатилиши керак.

Агар илова электрон ҳужжат шаклида ечиб олинadиган ташувчиларда юборилаётган бўлса, илова қилинган хатда «илова» сўзидан кейин ечиб олинadиган ташувчилар тури, уни ҳисобга олиш рақами ва ХДФУ грифи кўрсатилади.

Зарур ҳолларда юборилаётган ҳужжатлар (файллар) рўйхати юқорида қайд этилган реквизитлар кўрсатилган ҳолда кузатув хатига илова қилинади.

34. ХДФУ грифли электрон ҳужжат давлат органи ва ташкилоти раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс томонидан ҳужжатларни идентификация қилиш имконини берадиган QR-код (матрик штрихли код) белгиси қўйилган ҳолда электрон рақамли имзо орқали имзоланади.

QR-кодда (матрик штрихли кодда) қуйидаги маълумотларни акс эттирувчи ҳавола бўлиши лозим:

давлат органи ва ташкилотининг номи;
ҳужжатнинг рақами ва санаси;
имзолаган шахснинг Ф.И.О.

35. Ечиб олинadиган ташувчилардан ХДФУ грифли ҳужжатлар файлларини ўчириш, ечиб олинadиган ташувчиларни магнитсизлаш йўли билан ёки механик равишда йўқ қилиш орқали амалга оширилади.

36. Жўнатилаётган ХДФУ грифли ҳужжатлар ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш тизимларида қайд этилади. Ушбу ҳужжатларнинг рўйхатга олинган индекси ХДФУ литери билан тўлдирилади.

Масалан: «5-8/15-ХДФУ».

37. Жўнатиш учун ҳужжатлар шу куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай юборилиши керак.

6-боб. Ҳужжатларни кўпайтириш ва тарқатиш

38. ХДФУ грифли ҳужжатларнинг электрон нусхалари фақат давлат органи ва ташкилотининг масъул таркибий бўлинмаси ёки девонхона раҳбари-

нинг ёзма муносабат белгиси билан бошқа ечиб олинадиган ташувчиларга кўчирилиши ёки ундан қоғозга нусха олиш мумкин.

39. Хизмат доирасида фойдаланиши чекланган ахборотга эга бўлган ечиб олинадиган ташувчиларни сақлаш ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда улар таркибидаги ахборотни ўғирлаш, яроқсиз ҳолга келтириш ёки йўқ қилиш имкониятини истисно қиладиган шароитларда амалга оширилади.

40. ХДФУ грифли ҳужжатларни учинчи шахсларга бериш ҳар қандай ҳолатда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ёзма рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

7-боб. Ҳужжатлар ва йиғмажилдлар сақланишини таъминлаш

41. Электрон шаклдаги ХДФУ грифли ҳужжатлар ва йиғмажилдлар ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш тизимларида сақланиши керак.

42. ХДФУ грифли ҳужжатларни улар билан ишлаш учун хизмат хоналаридан ташқарига (уй, меҳмонхона ва бошқалар) олиб чиқиш тақиқланади.

43. ХДФУ грифли ҳужжатлардаги маълумотлар ошкор қилингани фактлари аниқланганда, ушбу ҳолатлар давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия томонидан текширилади. Комиссиянинг хулосаси раҳбар томонидан тасдиқланади.

44. Давлат архивларида ХДФУ грифли ҳужжатларни сақлаш махфий бўлмаган архив ҳужжатлари учун белгиланган талаблар ва тартибга мувофиқ амалга оширилади.

45. ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишловчилар:
ушбу Қоидаларда назарда тутилган талабларнинг амалга оширилиши;
ўз фаолиятини бажариши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланиши;

ўзига топширилган ХДФУ грифли ҳужжатларнинг бут сақланиши;
ХДФУ грифли ҳужжатлар, шу жумладан, электрон шаклдаги ҳужжатлар билан ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига тўлиқ риоя этилиши учун шахсан жавоб беради.

8-боб. ХДФУ грифли ҳужжатлардан фойдаланиш, ХДФУ грифини бекор қилиш, давлат архивига топшириш тартиби

46. ХДФУ грифли ҳужжатлардан давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рухсати билан фойдаланиш мумкин.

47. ХДФУ грифли ҳужжатлардан олинган маълумотлардан очиқ чиқишларда фойдаланиш ёки матбуотда очиқ эълон этиш, радио ва телевидение орқали узатиш, очиқ кўргазмаларда, стендларда, витриналарда ёки бошқа ҳаммага кўринадиган жойларда намойиш этиш учун фойдаланиш тақиқланади.

48. Бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг вакилларига, агар уларнинг бажараётган топшириқ мавзусини кўрсатган ҳолда ёзма сўрови

бўлса, ихтиёрида ушбу материаллар бўлган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рухсати билан ХДФУ грифли ҳужжатлар билан танишишларига рухсат берилади.

49. ХДФУ грифли ҳужжатлар ижрочиларга ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш тизимлари ёки қоғозга нусха олиш орқали берилади.

50. ХДФУ грифли ҳужжатларнинг грифини бекор қилиш масаласи, қоида тариқасида, ҳар икки йилда бир марта кўриб чиқилиши мумкин.

51. ХДФУ грифини бекор қилиш масаласи давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан кўриб чиқилади ва натижаси далолатнома билан расмийлаштирилади.

52. Қўйидаги ҳолатлар ХДФУ грифини бекор қилишга асос бўлади:

ХДФУ грифли ҳужжатларга хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ахборотлар асоссиз киритилганда;

ҳужжатлардаги маълумотлар хизмат доирасида фойдаланиш чекланган ахборотга тегишли бўлган маълумотлар рўйхатидан чиқарилганда;

ХДФУ грифли ҳужжатлардаги маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотганда.

53. Ҳужжатлардаги ХДФУ грифи бекор қилинганда, ХДФУ грифини бекор қилиш учун асос сифатида ушбу Қоидаларнинг 51-бандига мувофиқ тузилган далолатноманинг санаси ва рақами кўрсатилади ва қоғоз асосдаги ҳужжатлар, йиғмажилдларнинг муқоваларидаги гриф устидан ўчирилади.

Ушбу белгилар тегишли йиғмажилдлар рўйхатларига, давлат органи ва ташкилотининг рўйхатга олиш — назорат қилиш шаклларига киритилади.

54. Идоравий сақлов муддати тугаган ХДФУ грифли ҳужжатлар ушбу грифни бекор қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган муддатларда ва тартибда тегишли давлат архивига топширилади ҳамда белгиланган тартибда сақланади.

55. ХДФУ грифи бўлган ва сақлаш учун давлат архивларига топширилган ҳужжатлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 706-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув залларида фойдаланувчиларнинг архив ҳужжатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

ХДФУ грифли ҳужжатлардан фойдаланиш масаласи уларни давлат архивига топшириш жараёнида давлат органи ва ташкилоти билан давлат архиви ўртасида тузиладиган келишувда назарда тутилади.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

56. Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлаш бўйича мониторинг ва назорат қилувчи ваколатли орган ҳисобланади.

57. Давлат органлари ва ташкилотларида ХДФУ грифли ҳужжатлар билан ишлаш бўйича мониторинг ва назорат Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

58. Ушбу Қоидалар билан белгиланган талаблар бажарилмаслиги давлат органи ёки ташкилоти раҳбари томонидан ходимга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ҳамда интизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлади.

59. Ушбу Қоидалар талабларига рия қилиниши устидан назорат девонхона, ижрочи бўлинма ҳамда давлат органи ва ташкилоти раҳбари зиммасига юкланади.

60. Ушбу Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли
ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларига
ИЛОВА

Хизмат доирасида фойдаланиш чекланган маълумотларнинг НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ

1. Жисмоний шахснинг шахсга доир маълумотлари.
2. Жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти сирини очувчи ахборотлар, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
3. Ахборот манбаи ёки таҳаллус билан имзо чеккан муаллиф тўғрисидаги ахборотлар, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
4. Ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган почта, телеграф хабарлари ва бошқа ахборотлар.
5. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тергов ва суд юритуви сири ҳисобланган маълумотлар.
6. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот эгаси ахборот олишни чеклаган хизматга доир маълумотлар.
7. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тижорат сири ҳисобланган маълумотлар.
8. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган банк сири, шахсни суғурталаш сири.
9. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган (шифокор, нотариал ҳаракатлар, адвокатлик, солиқ сири ва бошқалар) касб фаолияти билан боғлиқ маълумотлар.
10. Ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасининг моҳияти тўғрисидаги маълумотлар, улар ҳақидаги маълумотлар расмий тарзда эълон қилингунга қадар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**759** Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари хақида*

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш механизмини самарали ташкил этиш тўғрисида» 2025 йил 21 ноябрдаги ПФ–223-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш механизмини самарали ташкил этиш тўғрисида» 2025 йил 21 ноябрдаги ПФ–223-сон Фармонида:

қишлоқ хўжалиги суғуртасини бошқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларини турли таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалиги суғурталовчиси сифатида Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилиши;

Жамғарма суғурталовчи вазифасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда лицензиясиз амалга ошириши, бунда ушбу қоида Жамғармани суғурта (қайта суғурта) фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этмаслиги;

Жамғарма нотижорат ташкилоти бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомга асосан фаолият кўрсатиши;

Жамғарманинг юқори бошқарув органи Жамғарманинг бошқарув кенгаши ҳисобланиб, унинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Мустақил экспертлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Суғурта қилиш босқичма-босқич жорий этиладиган қишлоқ хўжалиги йўналишлари ва маҳсулотлари рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

Этиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йўқотилиши (нобуд бўлиши) хавфлари бўйича суғурта қилиш босқичлари 4-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 декабрда эълон қилинган.

** 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизимига интеграция қилинадиган ахборот тизимлари рўйхати 5-иловага* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасининг бошқарув кенгаши таркиби 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Жамғарма томонидан суғурталанган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда:

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни кўриб борсин;

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланиш ҳамда ўз вақтида сифатли экиш ва парваришlash бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан доимий назорат ҳамда мониторинг ишларини олиб борсин;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси билан биргаликда ветеринария соҳаси ҳамда чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчилик йўналишларида хайвонларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш чораларини кўриб борсин;

Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини сунъий йўлдош ва учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида космик мониторинг қилиб борсин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган тадбирлар натижаси бўйича йиғилган маълумотлар ва таҳлилий материаллар тегишли тадбирлар амалга оширилгандан кейин ўн кунлик муддатда «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизимига тадбирни ўтказган ваколатли органлар томонидан мажбурий тартибда киритиб борилади.

5. Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги Жамғармага суғурталанган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мониторинг қилиш учун зарур бўлган маълумотларни бепул тақдим этиб борсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий йил якунига қадар «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизими билан ушбу қарорга 5-иловага мувофиқ ахборот тизимларини интеграция қилиш чораларини кўрсин;

бир ҳафта муддатда «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» МЧЖда «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва унинг узлуксиз ишлашини таъминлашга масъул бўлган тузилмани ташкил қилсин ҳамда ушбу тузилма фаолиятини мувофиқлаштириш Жамғармага юклатилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рини етиштирувчилар иштирокида жойларда қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизими ва унинг афзалликлари бўйича ўқув-семинарлари ташкил қилсин;

хар ойда ўзининг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларда қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизими бўйича видеороликларни жойлаштириб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 6 декабрь,
772-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 6 декабрдаги 772-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, Жамғарма фаолиятини бошқариш, маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, фаолиятига оид тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ваколатли давлат органи — суғурта фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи;

Жамғарманинг бошқарув кенгаши — Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарлик қилувчи юқори бошқарув органи;

мувофиқлаштирувчи давлат органи — қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишни мувофиқлаштирувчи давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

«Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизими — қишлоқ хўжалиги суғуртасини электрон тарзда расмийлаштириш, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш ва кўрсатилаётган суғурта хизматлари устидан назорат қилиш имкониятини таъминловчи ахборот тизими;

Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ягона тизим) — манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизим-

лари ҳамда марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграция қилинган суғурта бозори маълумотларини ҳисобга олиш ва истеъмолчиларга электрон суғурта хизматларини кўрсатиш имкониятини таъминловчи ягона тизим;

23210 — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган тартибда ҳамда имтиёзли шартлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ёки тегишли жамғармалар томонидан тижорат банкларига жойлаштирилган ресурслар ҳисобидан тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича ҳисобварақ.

3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Жамғарма нотижорат ташкилоти ҳисобланади, мустақил балансга, шахсий вазна ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга бўлади.

Жамғарма молиявий ёрдам бериш ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек, юридик шахсларнинг муассиси (қатнашчиси) бўлиши ҳамда суғурта ташкилотларининг устав капиталида (фондида) иштирок этиши мумкин эмас.

5. Жамғарманинг номи:

давлат тилида:

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси;

инглиз тилида:

Agricultural insurance fund;

рус тилида:

Фонд сельскохозяйственного страхования.

6. Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

Бунда Жамғарманинг ўз маблағлари ва қайта суғурта қилишдан олинган маблағлар зиммасига олинган мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаса, мажбуриятларнинг қопланмаган қисми Жамғармага Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади: суғурта соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини суғурта қилишни ташкил этиш ва бошқариш; суғурта ҳодисаси юз берганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб

чиқарувчиларига етказилган зарарнинг қиймати қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси доирасида тўланишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаган ҳолда Жамғарма, мувофиқлаштирувчи давлат органи, воситачилар ҳамда ваколатли давлат органи ўртасида ахборот алмашинувларини ташкил этиш.

8. Жамғарма ўзига юкланган асосий вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Жамғарманинг зиммасига юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ унинг фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта мукофотлари маблағларини жамлайди, суғурта захираларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда шакллантиради ҳамда жойлаштиради;

суғурта ҳодисаси юз берганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига етказилган зарар суммасини ушбу Низомда ва суғурта шартномасида белгиланган тартибда тўлайди;

мувофиқлаштирувчи давлат органи билан келишувга кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари бўйича суғурта қонунчилигига мувофиқ қишлоқ хўжалиги суғуртасининг намунавий шартномаси ва намунавий полисини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлаш учун Жамғарманинг бошқарув кенгашига тақдим этади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турларидан, таваккалчиликларидан ва ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиққан ҳолда, актуар ҳисобларга асосан суғурта тарифи ставкасини аниқлашга доир тадқиқотлар ўтказиши, тадқиқотлар натижаларини мувофиқлаштирувчи давлат органи билан келишувга кўра Жамғарманинг бошқарув кенгашига тақдим этади;

воситачиларга ва мустақил экспертларга Жамғарма маблағлари ҳисобидан хизмат ҳақи тўланишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари ҳамда воситачилар ўртасида қишлоқ хўжалиги суғуртасига оид ахборотлар алмашинуви таъминланишини мувофиқлаштиради;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича статистикани шакллантиради;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган суғурта сирига доир талабларга риоя этган ҳолда, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси иштирокчилари ҳамда ваколатли давлат органи билан қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича ахборот алмашинувини амалга оширади;

Жамғарма маблағларининг тушумлари ва харажатлари бўйича йиллик ҳамда чораклик прогнозларни шакллантиради;

қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртаси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқади, илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва уларни мувофиқлаштирувчи давлат органига кўриб чиқиш учун киритади;

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари

ҳамда Жамғарманинг бошқарув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди.

Жамғарма ўзига юкланган вазифаларга ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Жамғарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта (қайта суғурта) шартномаларини тузиш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;

қайтарилиш, ликвидлик, диверсификация ва фойдалилик принципларига асосан маблағларни банк депозитларига жойлаштириш;

воситачилар, суғурта ва қайта суғурта брокерлари ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

зарурат бўлганда Жамғарманинг бошқарув кенгаши қарори асосида ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш;

суғурта мукофотларини ва суғурта ҳодисаси юз бергани натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун (ўз маблағлари етмаганда) субсидиялар олиш;

қонунчилик ҳужжатларида ва (ёки) суғурта шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда суғурта товонини тўлашни рад этиш, суғурта (қайта суғурта) шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

суғурта ҳодисаси юз беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек, суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўладиган ахборотни ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта объектини ўрганиш, мониторинг қилиш, аниқланган зарар миқдорини қўшимча равишда ўрганиш;

суғурта объектини ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий ва маҳаллий экспертларни ҳамда маслаҳатчиларни шартнома асосида жалб қилиш;

Жамғарманинг бошқарув кенгаши қарори асосида аутсорсинг хизматлари орқали суғурта объектини мониторинг қилиш.

Жамғарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Жамғарма:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари томонидан суғурта мукофотлари тўланган қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта жавобгарлигини зиммасига олиши;

қабул қилинган мажбуриятларни Жамғарманинг бошқарув кенгаши қарори асосида қайта суғурта қилиши;

мустақил экспертларни жалб этиши ва суғурта ходисаси юз бергани натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш бўйича чоралар кўриши;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига зарарнинг ўрни ўз вақтида қопланиши бўйича чоралар кўриши;

суғурта ходисаси юз берган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни ва суғурта товони тўловларини амалга ошириши;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш чоғида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ахборотни ваколатли давлат органи ва мувофиқлаштирувчи давлат органининг талабига кўра тақдим этиши;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш шартларига ва тўлов қобилиятини аниқлаш тартибига амал қилиши;

хар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

актуар хулосасини ва ҳисоботини бир йилда камида бир марта актуар ташкилотларни жалб этган ҳолда олиши;

бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши;

Жамғармага келиб тушадиган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаши;

ўзи ваколат берган воситачиларнинг реестрини юритиши;

Жамғарма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ваколатли давлат органи ва суғурта қилдирувчиларни (қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларини) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

Жамғарма тўлов қобилияти нормативлари ҳисоб-китобини ва активларни жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта операцияларига оид талабларга риоя қилингани тўғрисидаги маълумотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ваколатли давлат органига тақдим этиши;

суғурта қилдирувчилар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар) ва бошқаларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш чораларини кўриши;

суғурта (қайта суғурта) фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қатъий риоя қилиши (календарь бадал тўлаш мажбурияти бундан мустасно) шарт.

Жамғарманинг зиммасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

11. Жамғарманинг устав капитали қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчиларнинг умумий суғурта соҳасидаги ихтиёрий суғурта фаолияти учун белгиланган энг кам миқдорига тенг миқдорда шакллантирилади.

12. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномалари бўйича келиб тушадиган суғурта мукофотлари;

суғурта мукофотларининг бир қисми учун давлат томонидан тўланадиган бюджет субсидияси;

тўланган ва тўланиши лозим бўлган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қайта суғурта ташкилотларидан келиб тушадиган маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномалари бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига суғурта товонларини тўлаш;

воситачиларга ва мустақил экспертларга хизмат ҳақини тўлаш;

Жамғарма дирекциясининг фаолиятини таъминлаш, шу жумладан, ходимларига иш ҳақини тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш, қўшимча тўловлар, устамалар ва мукофотлар тўлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу тизим ишлаши учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича харажатларни молиялаштириш;

қайта суғурта қилиш харажатларининг ўрнини қоплаш;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасига хорижий мутахассисларни ва маслаҳатчиларни жалб этиш, шунингдек, Жамғарма ходимларини касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича харажатларни молиялаштириш.

14. Жамғарма дирекцияси таъминоти Жамғарманинг бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланadиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

15. Жамғарма маблағларини банк депозитларига жойлаштиришни танловлар натижасидан келиб чиққан ҳолда Жамғарманинг бошқарув кенгаши қарори асосида амалга оширади.

16. Ҳомийлик ва грант маблағлари Жамғарма фаолиятига мувофиқ бўлган мақсадларга сарфланади.

5-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш

17. Жамғарма фаолиятини суғурта қонунчилиги, қишлоқ хўжалиги суғуртаси уни амалга оширишнинг умумий шартлари ва тартибини белгиловчи қишлоқ хўжалиги суғурта шартномасига ҳамда қоидаларига асосан амалга оширади.

18. Жамғарма суғурталовчи вазифасини суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти учун лицензиясиз амалга оширади.

Бунда мазкур қоида Жамғармани суғурта (қайта суғурта) фаолиятини амалга оширишда суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти учун лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этмайди.

19. Жамғарма суғурталовчи вазифасини бажаришда суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун белгиланган пруденциал нормативларга риоя этиши лозим.

20. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги ва «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя қилган ҳолда Жамғарманинг бошқарув кенгаши томонидан қабул қилинади ҳамда тасдиқланади.

21. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари бўйича қишлоқ хўжалиги суғуртасининг намунавий шартномаси ва намунавий полиси, шунингдек, суғурта мукофоти ставкаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда Жамғарманинг бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланади.

22. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар кадрларининг амалдаги захирасига киритилган ходимлари Жамғармага ишга қабул қилинган тақдирда, ушбу ходимларда кадрларнинг амалдаги захирасига киритилгунига қадар ишлаган лавозимидаги барча устамалар, қўшимча ҳақлар ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари сақлаб қолинади ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда уларга Жамғарма ходимлари учун белгиланган иш ҳақи тўловларини тўлаш шартлари татбиқ этилади ва ушбу тўловлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6-боб. Жамғарманинг бошқарув кенгаши

23. Жамғарма фаолияти Жамғарманинг бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) томонидан бошқарилади.

24. Кенгаш Жамғарманинг юқори бошқарув органи бўлиб, унинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

25. Кенгаш таркиби етти нафар аъзодан иборат бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ҳамда иқтисодиёт ва молия вазирининг бир нафардан ўринбосари ва ушбу вазирликлардан бир нафардан масъул вакил, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари

уюшмасидан, Ўзбекистон фермерлари кенгашидан ва Жамғармадан бир нафардан вакил киритилади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Кенгаш раиси ҳисобланади.

26. Кенгаш аъзолари Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга тайинланади ва ваколатлари муддати тугагандан кейин улар янги муддатга қайта тайинланиши мумкин.

27. Кенгаш:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

Жамғарманинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича унинг фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни, қишлоқ хўжалиги суғуртасининг намунавий шартномаси ва намунавий полисини, шунингдек, актуар ҳисобларга асосан суғурта мукофоти ставкасини тасдиқлайди;

Жамғарма дирекцияси ходимларининг лавозим маоши, рағбатлантириш, мукофот, қўшимча тўлов ва устамалари миқдори ва тўлаш шартларини тасдиқлайди;

Жамғарманинг жорий фаолиятига оид харажатлар сметасини тасдиқлайди; воситачиларга ва мустақил экспертларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорларини тасдиқлайди;

Жамғарманинг ижро этувчи органини шакллантиради ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

аудиторлик ташкилотини белгилайди, аудит натижаларини кўриб чиқади ва ушбу текширишлар натижалари бўйича чоралар кўради;

Жамғарманинг жорий фаолияти юзасидан ушбу Низомда белгиланган тартибда унинг зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати тўғрисида ҳар чораклик ва ички аудит натижалари ҳақидаги ҳисоботларни эшитади;

Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисоботларини, шунингдек, ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилади.

Кенгаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

28. Кенгаш аъзосининг ваколоти қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тугатилиши мумкин:

Кенгаш аъзоси аъзоликдан чиқиш тўғрисида ёзма ариза тақдим этганда; соғлигига кўра ўз вазифаларини бир йилдан ортиқ муддатда бажара олмаганда;

кетма-кет тўрт мартаба узрли сабабларсиз Кенгаш йиғилишларида иштирок этмаганда;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

Кенгаш аъзосига нисбатан суднинг айблов ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганда;

номзодни кўрсатган ташкилотда тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда.

29. Кенгаш аъзоларини алмаштириш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ўрнига тайинланган аъзолар қолган муддатнинг якунига қадар ҳамда янги таркиб кейинги муддатга тайинлангунга қадар фаолиятни амалга оширади.

Мувофиқлаштирувчи давлат органининг таклифига асосан Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Кенгаш аъзолари янги муддатга тайинланади ва уларнинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилади.

30. Кенгаш мажлиси ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Зарур ҳолларда Кенгаш раисининг ёки камида тўрт нафар Кенгаш аъзоларининг талабига (таклифига) кўра қўшимча мажлислар ўтказилиши мумкин.

Кенгаш мажлиси, агар унда аъзоларининг камида беш нафари иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш қарори Кенгаш мажлисида иштирок этганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

31. Кенгаш аъзоларига (Жамғарма дирекцияси директоридан ташқари) улар ўз мажбуриятларини бажариб турган давр учун ҳар чорак якунида Жамғарма фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача бўлган миқдорда ҳақ тўланади.

32. Кенгаш аъзолари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда Жамғарманинг қонуний манфаатларини кўзлаб иш тутиши керак ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

7-боб. Жамғарманинг ижро этувчи органи

33. Жамғарманинг ижро этувчи органи унинг дирекциясидир.

Жамғарма дирекцияси Жамғарманинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг фаолияти учун жавобгар бўлади.

Жамғарма дирекциясига Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан тайинланадиган директор раҳбарлик қилади ва у Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

Дирекция директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан, биринчи ўринбосарга эга бўлади.

34. Жамғарма дирекцияси ўзига юкланган вазифаларни амалга оширишда қонун устуворлигига, шаффофлик, холислик, тўғрилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилади.

35. Жамғарма дирекцияси:

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти ва жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроолларининг тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиш, шунингдек, шахсга доир маълумотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта товонини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларини қишлоқ хўжалиги суғуртаси тўғрисида хабардор қилади, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатади ва реклама кампанияларини ўтказиш чораларини кўради;

воситачиларга ва мустақил экспертларга хизмат ҳақини тўлайди;

Жамғарма учун Ҳазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварағини очади ва юритади, белгиланган тартибда ушбу ҳисобварақ бўйича тегишли операцияларни амалга оширади;

ҳар чоракда Жамғарманинг жорий фаолияти тўғрисида ҳамда ушбу Низомда зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан Кенгашга ҳисобот беради;

Жамғарманинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Кенгашга таклифлар киритади;

ҳар йили Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Кенгашга киритади.

Жамғарма дирекцияси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

36. Жамғарма дирекцияси ходимларининг иш ҳақи — лавозим маоши, рағбатлантириш, мукофот, қўшимча тўлов ва устамалардан иборат.

8-боб. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси тарифларини белгилаш

37. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича суғурта тарифларини актуар ҳисоб-китоблар асосида ҳисоблашда зарур бўлган маълумотларни шакллантириш учун «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизими тегишли ахборот тизимларига интеграция қилинади ҳамда Жамғарманинг сўровига кўра тегишли ахборот эгалари томонидан маълумотлар тақдим этилади.

38. Жамланган маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда Жамғарма қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турларидан, таваккалчиликлардан ва ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиққан ҳолда, суғурта тарифи ставкасини аниқлашга доир тадқиқотлар ўтказиши ҳамда статистик маълумотлар базасини шакллантиради.

39. Мувофиқлаштирувчи давлат органи «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бўлган субъектлар ва уларга тегишли бўлган экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради ҳамда доимий янгилаб боради.

40. Жамғарма қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларининг ҳудудлар, табиий ва иқлим шароити, мавжуд хатарлар ҳамда экин ва чорва турлари ҳамда зарарлар даражасидан келиб чиқиб, суғурта тарифларини актуар ҳисоб-китоблар асосида ҳар йили камида бир марта ишлаб чиқади ва Кенгаш томонидан тасдиқланади.

9-боб. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш, муддатидан олдин бекор қилиш ва суғурта полисини расмийлаштириш

41. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси «Қишлоқ хўжалиги суғур-

таси» ахборот тизими орқали электрон шаклда тузилади, бошқача усулда тузилган қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

42. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш истагида бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизимида рўйхатдан ўтади ва воситачи ёки воситачи мавжуд бўлмаган тақдирда, тўғридан-тўғри Жамғарма билан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузади.

43. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси тузилаётганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари ўзига маълум бўлган, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли қутиладиган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни Жамғармага хабар қилади.

44. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси тузилаётганда суғурта хавфи даражаси юқори бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларининг суғурта қилинаётган объекти Жамғарма томонидан мустақил экспертни жалб қилган ҳолда мониторинг қилинади.

Бунда суғурта хавфи даражасини аниқлаш ва белгилаш мезонлари Кенгаш томонидан тасдиқланади.

45. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бир ёки бир неча таваккалчиликлар бўйича қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаларини тузади.

46. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари Жамғарманинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси шартлари тўғрисидаги офертани (қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш ҳақидаги таклифни) қабул қилган ва суғурта мукофотининг белгиланган қисмини тўлаш орқали ўз розилигини берган бўлса, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

47. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси тузилгандан сўнг Жамғарма (мустақил экспертни жалб қилган ҳолда), заруратга кўра суғурта объектида агротехник тадбирлар ўтказилишини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилади.

48. Кўздан кечириш (мониторинг) давомида суғурта шартномасида қайд этилган суғурта объекти мавжуд бўлмаганда, суғурта шартномаси бекор қилинади ҳамда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

49. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотининг 50 фоизини Жамғармага тўлайди.

50. Суғурта мукофотининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланиши лозим бўлган қисми қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида белгиланган муддатда тўланганда, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича Жамғарма суғурта жавобгарлигини зиммасига олади.

51. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш,

суғурта мукофотларининг бир қисмини қоплаш учун бюджет субсидиялари ажратилади. Суғурта мукофотининг қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан Жамғармага тўлаб берилади.

52. «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизими орқали тузилган суғурта шартномаси тўғрисидаги маълумотлар суғурта мукофотларининг бир қисмини қоплаш бўйича субсидиялар миқдорини аниқлаш ҳамда ажратиш учун асос бўлади.

53. Суғурта мукофотининг 50 фоизи учун қўйидаги шартларга риоя этилганда субсидия ажратилади:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларига мувофиқ тузилганда;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида назарда тутилган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофотининг 50 фоизи тўлиқ тўланганда.

54. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси Ягона тизимда рўйхатдан ўтказилади ва суғурта мукофоти тўлангани Жамғарма томонидан электрон тарзда тасдиқланганидан сўнг суғурта полиси ваколатли давлат органи томонидан Ягона тизим орқали автоматик расмийлаштирилади.

55. Ягона тизим томонидан суғурта полиси расмийлаштирилгани тўғрисида суғурта қилдирувчига суғурта полисига электрон ҳавола қилинган ҳолда хабарнома юборилади ҳамда суғурта қилдирувчи хабарномадаги ҳавола орқали суғурта полисининг электрон шаклини юклаб олади.

56. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, бюджет субсидияси ҳисобидан тўланган суғурта мукофотининг бир қисми Жамғарманинг ҳисоб-китоб варағида қолади ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича янги суғурта шартномаларини тузиш учун сарфланади.

57. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизими бу ҳақда суғурта полисини бекор қилиш учун Ягона тизимга маълумот юборади.

58. Ягона тизим суғурта полиси бекор қилингани тўғрисида суғурта қилдирувчига хабарнома юборади.

10-боб. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси таваккалчиликларини қайта суғурта қилиш

59. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта қилинган таваккалчиликлар Жамғарма томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Кенгаш қарори асосида қайта суғурта қилинади.

Бунда қайта суғурта шартномалари фақатгина квота улушли қайта суғурта қилиш орқали франшиза қўлламаган ҳолда тузилиши лозим.

60. Жамғарма суғурталовчи сифатида қайта суғурталашни суғурталовчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар ҳамда ўзи қабул қилган суғурта таваккалчиликларини қайта суғуртага ўт-

казишда пруденциал нормативларни ҳисоблаш тартибига доир талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

61. Қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта суммаси ва қайта суғурта қилиш мукофоти абсолют миқдор кўринишида ёки томонлар келишувига кўра белгиланган суғурта суммаси ва қайта суғурта қилиш мукофотини ҳисоблаш механизми кўринишида аниқланади.

62. Жамғарма суғурта воситачилари иштирокисиз суғурта мажбуриятларини қайта суғурталаш учун хорижий суғурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган суғурта мажбуриятлари бўйича қайта суғурталаш бўйича офертани (қайта суғурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) ваколатли давлат органи таъсисчилигида ташкил этилган қайта суғурта ташкилотларига юборади, кейинчалик (рад этилган ҳолатда ёки қолган қисмини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта ташкилотларига юборади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта ташкилотлари мажбуриятларни қабул қилишни рад этган тақдирда, Жамғарма суғурта мажбуриятларини хорижий суғурта ташкилотларида қайта суғурталайди.

63. Тузилган, ўзгартириш ва/ёки қўшимча киритилган ёхуд бекор қилинган қайта суғурта шартномаси (жумладан, қайта суғурта қилиш слипи ва бошқалар) Ягона тизим орқали рўйхатдан ўтказилади.

11-боб. Суғурта ҳодисасини кўриб чиқиш ҳамда суғурта товонини тўлаш

64. Суғурта ҳодисасини кўриб чиқиш ҳамда суғурта товонини тўлаш иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

65. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида уч кун ичида «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизими орқали кўриб чиқиш учун Жамғармага электрон шаклда хабарнома юборади.

66. Жамғармага суғурта ҳодисасини юз бергани тўғрисида электрон хабарнома келиб тушгандан сўнг, Жамғарма томонидан бир иш куни ичида юз берган ҳодисани ўрганиш учун мустақил эксперт тайинланади ва суғурта ҳодисасининг ўрганилишини таъминлайди.

Бунда суғурта ҳодисасини ўрганишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларидан суғурта ҳодисаси юз берганининг сабаблари ва ҳолатларини аниқлаш бўйича ҳужжатлар ахборот тизими орқали сўраб олинади.

67. Мустақил экспертлар томонидан суғурта ҳодисаси натижасида зарар кўрган суғурта объектида қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларида ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида белгиланган тартибда, бироқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда экспертиза ўтказилади.

68. Мустақил экспертлар суғурта ҳодисасининг рўй бериш сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек, суғурта товони миқдорларини аниқлаш

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

имкони бўлмаган тақдирда ёки тақдим этилган ахборотни текширишни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилари томонидан суғурта шартномаси талаблари ва шартларининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш учун уларни хабардор қилган ҳолда экспертизани ўн иш кунигача узайтириши мумкин.

69. Жамғарма ва мустақил экспертлар суғурта ходисасининг рўй бериши сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек, суғурта товони миқдорларини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни Гидрометеорология, фавқулодда вазиятлар, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ўсимликларни ҳимоя қилиш, сейсмология, ветеринария бўйича ташкилотлар ҳамда бошқа тегишли ташкилотлардан ахборот тизими орқали олади.

70. Экспертиза якуни бўйича суғурта объектида юз берган ҳодиса юзасидан мустақил экспертларнинг хулосаси бир иш кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиси иштирокида тузилади.

71. Мустақил экспертлар қишлоқ хўжалиги суғуртасининг объекти билан содир бўлган ҳодиса тафсилотлари, фотосурати ва (ёки) видеоёзуви ҳамда етказилган зарар тўғрисидаги хулоса тузилган кунда унга тегишли ҳужжатлар билан ахборот тизимига киритади.

72. Ушбу Низом, қонунчилик ҳужжатлари ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларига мувофиқ мустақил экспертларнинг хулосаси ва суғурта товони учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Жамғарма суғурта ходисасини тан олиш ёки тан олишни рад этиш тўғрисида ўн иш кун ичида қарор қабул қилади ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчисини ахборот тизими орқали хабардор қилади.

Суғурта ходисасини тан олишни рад этиш тўғрисидаги қарорда рад этиш асосларини Жамғарма қонунчилик ҳужжатларига ҳавола қилган ҳолда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларидан ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасидан келиб чиққан ҳолда аниқ кўрсатиши шарт.

73. Суғурта объектига етказилган зарар базавий ҳисоблаш миқдорининг 4000 баробарига тенг ёки ундан ошадиган сумма миқдорида ёхуд ушбу миқдорга тенг ёки ундан ошадиган эквивалентдаги хорижий валютадаги суммада суғурта ходисасини тан олиш ёки тан олишни рад этиш тўғрисидаги қарорлар Кенгаш билан келишиш учун киритилади.

Кенгаш суғурта ходисасининг рўй бериш сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек, суғурта товони миқдорларини аниқлаш бўйича қайта экспертиза ўтказишни тайинлаши мумкин.

74. Жамғарма томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида кўрсатилган суғурта ходисаси юз бергани тегишли далиллар асосида тасдиқланганда, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

75. Суғурта ходисаси юз берган тақдирда, суғурта қилдирувчи (қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиси) мустақил экспертнинг суғурта товонини тўлаш учун тузган хулосаси билан келишганда имзолайди. Мазкур

хулоса билан келишилмаган ҳолларда Жамғарма икки кун давомида суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида хабарномани ўрганиш учун бошқа мустақил экспертни тайинлаши шарт.

76. Мустақил экспертнинг хулосаси ва суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисидаги далилларни қайта ўрганиб чиқиш зарур деб топилса, Жамғарма томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг тарафлари иштирокида қўшимча ўрганиш ўтказилади ва зарар қасддан қилинган ҳаракатлар натижасида етказилган деб ҳисобланса, суғурта товонини тўлаш рад этилади.

Бунда ушбу Низомнинг 71-бандида кўрсатилган муддат ичида Жамғарма томонидан қўшимча ўрганиш ўтказилади.

77. Суғурта ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин Жамғарма суғурта товонини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчисига уч иш куни ичида:

ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган тартибда ва имтиёзли шартлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ёки тегишли жамғармалар томонидан тижорат банкларига жойлаштирилган ресурслар ҳисобидан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилган ҳолатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчининг 23210 ҳисобварағига;

бошқа ҳолатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчининг тижорат банкларидаги асосий ҳисобрақамига тўлаб берилади.

78. Жамғарма қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта таваккалчилигини тўлиқ ёки қисман қайта суғурталоган бўлса, қайта суғурталовчини суғурта товонини тўлаш мажбуриятини бажариши юзасидан хабардор қилади.

79. Қайта суғурталовчи Жамғармадан суғурта товонини тўлаш ҳақидаги талаби бўйича аризани барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олган кундан бошлаб ўн иш куни ичида бундай ариза бўйича қарор қабул қилиши ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, суғурта товонини тўлаш ҳақида қарор қабул қилган кундан бошлаб беш иш куни ичида суғурта товонини Жамғармага ўтказиши.

80. Жамғарма суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида қабул қилинган электрон хабарномани кейинги иш кунидан кечиктирмай Ягона тизимда рўйхатдан ўтказиши.

81. Жамғарма суғурта даъволарини кўриб чиқиш натижаси юзасидан кейинги иш кунидан кечиктирмай Ягона тизимга ижро ҳолатини белгилаб, ижро ҳужжатларини юклайди.

82. Жамғарманинг ўз маблағлари ва қайта суғурта қилишдан олинган маблағлар зиммасига олинган мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаса, мажбуриятларнинг қопланмаган қисми Жамғармага Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

**12-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун
ҳисобдорлик, назорат ва жавобгарлик**

83. Дирекция:

Жамғарма маблағларидан Кенгаш томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида мақсадли фойдаланиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобининг ҳаққоний ва шаффоф юритилиши учун жавобгар ҳисобланади.

84. Жамғармага ажратилаётган бюджет субсидиялари бўйича ҳисоблар ва ҳисоботларнинг юритилишини назорат қилиш мувофиқлаштирувчи давлат органи томонидан амалга оширилади.

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилади.

13-боб. Якунловчи қоидалар

85. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасида юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

86. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 6 декабрдаги 772-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Мустақил экспертлар фаолиятини ташкил этиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мустақил экспертлар фаолиятини ташкил этиш ва гувоҳнома бериш тартибини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

мустақил эксперт — суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини, суғурта ҳодисаси юз бергандан кейин қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектини ўрганадиган, суғурта ҳодисаси мавжудлигини, шунингдек, суғурта ҳодисаси сабабли етказилган зарар миқдорини аниқлайдиган, тегишли ваколатларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

талабгор — мустақил экспертлик гувоҳномасига эга бўлиш учун ариза топширган жисмоний шахс;

реестр — мустақил экспертлик гувоҳномасига эга бўлган шахсларнинг ахборот тизимида юритиладиган рўйхати;

хизмат ҳақи — қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича мустақил экспертга тўланадиган тўлов.

3. Мустақил экспертлар фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

**2-боб. Мустақил экспертлар фаолиятини ташкил этиш бўйича
аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш**

4. Талабгор мустақил эксперт гувоҳномасини олиш учун тегишли аризани Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ахборот тизимига юборди.

Аризага қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

фамилияси, исми ва отасининг исми;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

туғилган санаси;

яшаш манзили;

телефон рақами.

Агар талабгорнинг илмий даражага ва (ёки) илмий унвонга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, улар давлат ахборот тизимлари ва (ёки) маълумотлар базаларидан автоматик тарзда олинади.

Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши лозим.

Талабгор ўзи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги,

ҳаққонийлиги ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

5. Мустақил экспертликка номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

деҳқончилик ва боғдорчилик бўйича мустақил экспертликка номзодлар — қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт ёки юридик олий таълим йўналишлари, шунингдек, чорвачилик, паррандачилик, аквакультура (балиқчилик) ва асаричилик бўйича мустақил экспертликка номзодлар — ветеринария бўйича Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида олинган олий маълумот ёки хорижий давлатларнинг олий таълим ташкилотларида олинган ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида тан олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлиши;

сўнги ўн йил ичида аграр, баҳолаш, юридик ёки суғурта соҳаларида камида икки йиллик иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги талабгорнинг олий маълумоти тўғрисидаги диплом маълумотлари ҳамда иш стажини тасдиқловчи маълумотларни масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади (олиш имкони мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно).

7. Муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилгани тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахслар, шунингдек, шахсга қарши жиноятларни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қирғин қуролларини тарқатиш ва молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, коррупция ва ахборот технологиялари билан боғлиқ иқтисодий жиноятларни содир этгани учун судлангани олиб ташланмаган ёки судланганлик муддати ўталмаган шахслар мустақил эксперт бўлиши мумкин эмас.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг масъул ходими ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларга асосан талабгорнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаганда ҳамда талабгор кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ бўлганда, тўп-ланган ҳужжатлар Тошкент давлат аграр университетига юборилади ва бу ҳақида талабгор бир иш куни ичида хабардор қилинади.

9. Талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тегишли равишда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда, аризани қабул қилиш рад этилади ва уч иш куни ичида талабгорга рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда хабарнома юборилади.

10. Талабгор хабарномани олган кундан бошлаб рад этишга асос бўлган ҳолатларни ўн беш иш куни ичида бартараф этган ҳолда ариза билан такро-ран мурожаат қилиши мумкин.

Бунда хабарномада кўрсатилмаган рад этиш асосларига кўра аризани такроран рад этишга йўл кўйилмайди.

3-боб. Муस्ताқил экспертларни ўқитиш

11. Тошкент давлат аграр университети томонидан муस्ताқил экспертликка талабгорлар ҳар чоракда ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Тошкент давлат аграр университети ўқиш бошланишидан камида ўн беш кун олдин ўзларининг расмий веб-сайти ва электрон алоқа воситалари орқали талабгорларни хабардор қилади.

12. Ўқув дастури ва тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент давлат аграр университети томонидан белгиланади. Ўқиш учун тўлов талабгорлар томонидан амалга оширилади.

13. Ўқув дастурларига кўра қуйидаги йўналишларда муस्ताқил экспертлар тайёрланади:

деҳқончилик ва боғдорчилик;

чорвачилик;

паррандачилик;

балиқчилик;

асаларичилик.

14. Ўқишга ажратилган умумий соатларнинг 10 фоизидан кўпроғига узрли сабабларсиз кела олмаган талабгорларга имтиҳонда қатнашишга рухсат берилмайди.

15. Ўқув курслари якуни билан икки босқичда имтиҳон топширилади.

Биринчи босқичда тест синови (уч академик соат давомида компьютер орқали) топширилади. Тест синови якунлангач, унинг натижаси шу вақтнинг ўзида маълум қилинади. Унинг натижасига кўра талабгорга ёзма ва оғзаки имтиҳонни топшириш учун рухсат берилади.

Иккинчи босқичда имтиҳон билетлари бўйича ёзма ва оғзаки имтиҳон (масалаларни ечиш ва оғзаки жавобга тайёрланиш учун уч академик соат берилади) топширилади.

16. Имтиҳоннинг иккала босқичини бир кун давомида ўтказишга рухсат берилмайди.

17. Тест топшириқлари ушбу Низомнинг 13-бандида белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, 40 та назарий саволдан иборат бўлади. Ҳар битта тўғри жавоб учун бир балл берилади.

Тест синовлари натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўладиган тўпланган баллар йиғиндиси 30 баллдан кам бўлмаслиги керак.

Тест синовлари натижалари салбий деб эътироф этилганда (30 баллдан кам тўпланган балл), талабгор имтиҳоннинг иккинчи босқичини топширишга кўйилмайди.

18. Имтиҳонни ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан имтиҳон комиссияси ташкил қили-

нади. Имтиҳон комиссияси таркиби раис, раис ўринбосари, котиб ва камида тўрт нафар аъзодан иборат бўлади.

19. Имтиҳон комиссияси таркибига Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли йўналишлар бўйича малакали ходимлари ҳамда суғурта ва баҳолаш соҳаларидаги мутахассислар киритилади. Имтиҳон комиссиясининг таркиби ҳар бир малака имтиҳони учун алоҳида тузилади.

20. Имтиҳон комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми ҳамда раиси ёки унинг ўринбосари иштирок этганда, имтиҳон комиссияси ваколатли ҳисобланади.

21. Имтиҳон натижалари имтиҳон ўтказилган кундан сўнг уч иш кунида имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома имтиҳон комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланади ва иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади ҳамда қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Имтиҳон натижалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

22. Имтиҳондан ўта олмаган талабгорлар қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқига эга.

Қайта имтиҳондан ўта олмаган талабгорларга ўқув курсларида такрорий ўқигандан кейин имтиҳон топширишга рухсат этилади.

Бунда талабгорлар ўқув курсларида ўқишга қабул қилиш тартибида қайта ўқитилади.

23. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган талабгорлар бўйича маълумотлар имтиҳон натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) юборилади.

4-боб. Мустақил эксперт гувоҳномаси

24. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган талабгорларга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан беш иш куни ичида мустақил эксперт гувоҳномаси берилади ва мустақил эксперт ахборот тизимида юритиладиган реестрга киритилади.

Мустақил эксперт гувоҳномаси уч йил муддатга берилади.

25. Қўйидагилар мустақил эксперт гувоҳномасининг бекор қилинишига асос бўлади:

хизматлар кўрсатиш давомида мустақил эксперт томонидан жамланган маълумотларни буюртмачининг рухсатсиз учинчи шахсга тақдим этиш (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

мустақил эксперт гувоҳномасини бошқа шахсга ўз номидан хизматлар кўрсатишда фойдаланиш учун бериш (мустақил эксперт гувоҳномасини йўқотиб қўйиш ҳолатлари бундан мустасно).

Мустақил эксперт гувоҳномани йўқотиб қўйган ҳолларда реал вақтда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Жамғармани хабардор қилиши керак.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида келтирилган ҳолат-

лар аниқланганда, мустақил эксперт гувоҳномаси суд қарори билан бекор қилинади.

Мустақил эксперт гувоҳномаси бекор қилинган шахснинг суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч йил мобайнида мустақил эксперт гувоҳномасини қайта олиш учун малака имтиҳонини топширишига йўл қўйилмайди.

26. Мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган шахслар реестрда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

5-боб. Мустақил экспертнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

27. Мустақил эксперт қўйидаги вазифаларни бажаради:

суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ўрганиш;

экинларни экиш ва вегетация даврида суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

чорвачилик, паррандачилик, аквакультура (балиқчилик) ва асаларичилик йўналишларида суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектини кўздан кечириш;

суғурта ҳодисаси мавжудлигини, шунингдек, суғурта ҳодисаси сабабли етказилган зарар миқдорини аниқлаш.

Мустақил эксперт қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Мустақил эксперт қўйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта ҳодисасини ўз ваколати доирасида ўрганиш;

суғурта ҳодисаси юз берган ҳудудни ўрганишда тўсиқларсиз ҳаракат қилиш ҳамда ўрганиш учун зарур бўладиган маълумотларни тегишли ташкилотлардан сўраш ва олиш;

тузилган шартномалар доирасида кўрсатган хизматлари учун ҳақ олиш.

Мустақил эксперт қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Мустақил эксперт қўйидаги мажбуриятларни бажаради:

суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида хабар берилгандан сўнг 72 соат ичида қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектининг кўздан кечирилишини таъминлайди;

суғурта объектини у жойлашган манзил (локация) бўйича жойига чиққан ҳолда ўргангани ва объект фотосуратини «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси» ахборот тизимига жойлаштиради;

суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ва юз берган суғурта ҳодисасини ўрганишга жалб этилганда, кечиктирмасдан ўрганиш ишларини ташкил этади;

ўз фаолиятини виждонан ва холислик тамойилларига таянган ҳолда

амалга оширади, қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ушбу Низом талабларига қатъий риоя қилади;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслигини таъминлайди ҳамда ушбу ҳолатлар юзага келган тақдирда, ўзини-ўзи рад этади;

учинчи шахс фаолиятига оид бўлган маълумотларни ошкор қилмайди (қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно);

ўз малакасини доимий равишда ошириб боради.

Мустақил экспертда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Мустақил экспертга хизмат ҳақи Жамғарма маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади ва унинг миқдори Жамғарма бошқарув кенгаши қарори билан белгиланади.

31. Мустақил эксперт фаолиятини ташкил этиш жараёнида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA‘LIM
SIFATINI TA‘MINLASH MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I****760 Oliy ta‘lim tashkilotlarining ta‘lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
1-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3716*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF–76-son “Ta‘lim sifatini ta‘minlash va ta‘lim xizmatlari ko‘rsatish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta‘limdan keyingi ta‘lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Oliy ta‘lim tashkilotlarining ta‘lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlar ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor**B. YULDASHEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 14-noyabr,
2-son

Kelishildi:

***Oliy ta‘lim, fan va
innovatsiyalar vaziri***

K. SHARIPOV

2025-yil 9-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 1-dekabrda e‘lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA'LIM
SIFATINI TA'MINLASH MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

761 Kasbiy ta'lim tashkilotlarining ta'lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazishda baholash mezonlari bo'yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
1-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3717*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF-76-son "Ta'lim sifatini ta'minlash va ta'lim xizmatlari ko'rsatish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son "O'rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta'limdan keyingi ta'lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish tizimini joriy etish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Kasbiy ta'lim tashkilotlarining ta'lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazishda baholash mezonlari bo'yicha indikatorlar ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.
3. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

B. YULDASHEV

Toshkent sh.,

2025-yil 14-noyabr,

3-son

Kelishildi:

***Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vaziri***

K. SHARIPOV

2025-yil 10-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 1-dekabrda e'lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**762 Ta’lim tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan vazirlik
va idoralarning ayrim idoraviy normativ-huquqiy
hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
1-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3718*

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 23-oktabrdagi O‘RQ–1091-son “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasini takomillashtirishga qaratilgan o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 19-maydagi PF–5997-son “Davlat huquqiy siyosatini amalga oshirishda adliya organlari va muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 29-noyabr,
26-mh-son

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 29-noyabrdagi
26-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

**Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 20-avgustdagi 65-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2146, 2010-yil 11-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 40-41-son, 356-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomada:

1) 1-ilovaning 4 006 0 0 qatoridagi “Maktabdan tashqari muassasalarda” degan so‘zlar “Qo‘shimcha ta’lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 2-ilovaning 3 422 248 qatoridagi “Maktabdan tashqari ta’lim” degan so‘zlar “Qo‘shimcha ta’lim” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2016-yil 22-noyabrdagi 88-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2850, 2016-yil 22-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 2-dekabrda e‘lon qilingan.

qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 51-son, 593-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g'azna ijrosi qoidalarida:

1) 134-bandning to'rtinchi xatboshisidagi "maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida" degan so'zlar "qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 6-ilovaning 1-pozitsiyasi "To'lov turlari" ustunidagi "maktabdan tashqari muassasalarda" degan so'zlar "qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 10-sentabrdagi 125-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3078, 2018-yil 20-oktabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 22.10.2018-y., 10/18/3078/2073-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasi" da:

1) 59-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"59. 102 406 "Qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalardan olinadigan to'lovlar" subschyotida budjet tashkilotlarining hisobvaraqlariga kirim qilingan davlat qo'shimcha ta'lim tashkilotlaridagi bolalarning ota-onalari tomonidan to'lanadigan badallari hisobga olinadi.

Mablag'larni ota-onalardan kirim qilinishi 102 406 "Qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalardan olinadigan to'lovlar" subschyotining debetida va 151 400 "Byudjet tashkilotlarining to'lovlarning maxsus turlariga doir hisob-kitoblardan debitor qarzlari" subschyotining kreditida, belgilangan maqsadlarga xarajati hisob-kitoblar va boshqa tegishli subschyotlarning debetida va 102 406 "Qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalardan olinadigan to'lovlar" subschyotining kreditida aks ettiriladi.";

2) 100-bandning oltinchi xatboshisidagi "Maktabdan tashqari muassasalarda" degan so'zlar "Qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3) 1-ilovada:

102 406 qatordagi "Maktabdan tashqari muassasalarda" degan so'zlar "Qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

111 306 qatordagi "Maktabdan tashqari davlat ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar "Davlat qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

520 140 qatordagi "maktabdan tashqari davlat ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar "davlat qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

4. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 18-dekabrdagi 157-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3124, 2019-yil 18-yanvar) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.01.2019-y., 10/19/3124/2524-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (3-sonli BHS) "Byudjet hisoboti" da:

1) 114-bandning to'rtinchi xatboshisidagi "maktabdan tashqari muassasalarda" degan so'zlar "qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 8-ilovaning matnidagi "Maktabdan tashqari muassasalarda" degan so'zlar "Qo'shimcha ta'lim tashkilotlarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

5. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2020-yil 12-iyundagi 26-son

“O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘ida (ro‘yxat raqami 3255, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3255/1031-son):

1) 1-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “maktabdan tashqari tashkilotlar” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 3-ilovada:

ushbu ilovaning nomidagi “maktabdan tashqari tashkilotlar” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

mazkur ilovaning matnidagi “maktabdan tashqari tashkilotlarda” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 22-ilovaning matnidagi “maktabdan tashqari tashkilotlarda” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 23-ilovaning matnidagi “maktabdan tashqari tashkilotlar” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirligi va Sog‘liqni saqlash vazirligining 2014-yil 16-iyundagi 40, 9-son qarori (ro‘yxat raqami 2597, 2014-yil 24-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 26-son, 320-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirligi huzuridagi Respublika o‘quvchi-yoshlar markaziga ta‘tillar davrida o‘quvchilarni qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 13-bandi ikkinchi — to‘rtinchi xatboshilaridagi “maktabdan tashqari ta‘lim” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘lim” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. O‘zbekiston Respublikasi xalq ta‘limi vazirining 2015-yil 31-martdagi 7-mh-son “Maktabdan tashqari ta‘limga qo‘yiladigan davlat talablarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘ida (ro‘yxat raqami 2663, 2015-yil 9-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 14-son, 175-modda):

1) buyruqning nomidagi “Maktabdan tashqari ta‘limga” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘limga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 1-banddagi “Maktabdan tashqari ta‘limga” degan so‘zlar “Qo‘shimcha ta‘limga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) ilovada:

ilovaning nomidagi “Maktabdan tashqari ta‘limga” degan so‘zlar “Qo‘shimcha ta‘limga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur qo‘shimcha ta‘limga qo‘yiladigan davlat talablari (bundan buyon matnda Davlat talablari deb yuritiladi) qo‘shimcha ta‘limga qo‘yiladigan davlat talablarini belgilaydi.”;

1-band, 5-bandning ikkinchi xatboshisi, 6-bandning uchinchi, sakkizinchi va to‘qqizinchi xatboshilari, 7-band, 8-bandning ikkinchi — beshinchi xatboshilari, 2-bo‘limning nomi, 12-band, 4-bo‘limning 2-bobi nomi, 56-band, 59-bandning ikkinchi, uchinchi va to‘rtinchi xatboshilari, 60-banddagi “maktabdan tashqari ta‘lim” degan so‘zlar “qo‘shimcha ta‘lim” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3-bandda:

ikkinchi va beshinchi xatboshilardagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalari” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4-banddagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalarining” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

9-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalarida” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi, beshinchi va yettinchi xatboshilardagi “maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’limga” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’limga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

oltinchi va sakkizinchi xatboshilardagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalari” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

10-bandda:

ikkinchi, uchinchi va oltinchi xatboshilardagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalari” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalarida” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’limning” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’limning” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalarini” va “maktabdan tashqari ta’lim muassasalari” degan soʻzlar tegishli ravishda “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlarini” va “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

11-bandda:

birinchi xatboshidagi “Maktabdan tashqari ta’lim muassasalari” degan soʻzlar “Qoʻshimcha ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalarining” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3-boʻlimning nomidagi “Maktabdan tashqari ta’limning” degan soʻzlar “Qoʻshimcha ta’limning” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

13-bandda:

birinchi xatboshidagi “Maktabdan tashqari ta’limga” degan soʻzlar “Qoʻshimcha ta’limga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’limga” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’limga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

57-banddagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasasining” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

58-banddagi “maktabdan tashqari ta’lim muassasalarida” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

8. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi, Maktabgacha ta’lim vazirligi, Xalq ta’limi vazirligi, Oliy va oʻrta maxsus ta’lim vazirligi hamda Innovatsion rivojlanish vazirligining 2019-yil 16-dekabrda 16-mh, 16, 19-mh, 12-2019 va 18-q/q-son qarori (roʻyxat raqami 3214, 2020-yil 27-yanvar) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 27.01.2020-y., 10/20/3214/0087-son) bilan tasdiqlangan Ta’lim tashkilotlarini attestatsiyadan oʻtkazish mezonlarida:

1) muqaddimadagi “maktabdan tashqari” degan soʻzlar “qoʻshimcha” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 5-bobning nomi hamda 15-banddagi “Maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “Qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) 14-bandda:

birinchi xatboshidagi “maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

“v” kichik banddagi “maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) 4-ilovada:

ilovaning nomidagi “Maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “Qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

“Boshqa maktabdan tashqari ta’lim tashkilotlari” bobida:

ushbu bobning nomidagi “maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3-pozitsiyadagi “Maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “Qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

9. Oʻzbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2018-yil 28-oktabrdagi 228-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3097, 2018-yil 11-dekabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 12.12.2018-y., 10/18/3097/2314-son) bilan tasdiqlangan Davlat yongʻin nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi toʻgʻrisidagi yoʻriqnomaning 21-ilovasi 3-bandi oʻn birinchi xatboshisidagi “maktabdan tashqari ta’lim” degan soʻzlar “qoʻshimcha ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

763 “Ozuqabop ekinlar urug‘chiligiga ixtisoslashtirilgan xo‘jaliklarni tashkil etish va ozuqabop ekinlar urug‘ligini yetishtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
1-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1820-1*

O‘zbekiston Respublikasining “Urug‘chilik to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 12-oktabrdagi 641-son “Qishloq xo‘jaligi ekinlari urug‘chiligiga oid ayrim normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi hamda 2025-yil 18-martdagi 166-son “Qishloq xo‘jaligi ekinlari urug‘chiligi sohasida “E-urug‘” axborot tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo‘jaligi vazirining 2008-yil 21-maydagi 89-son “Ozuqabop ekinlar urug‘chiligiga ixtisoslashtirilgan xo‘jaliklarni tashkil etish va ozuqabop ekinlar urug‘ligini yetishtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1820, 2008-yil 10-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 24-25-son, 229-modda) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston fermerlari kengashi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

I. ABDURAXMONOV

Toshkent sh.,
2025-yil 24-noyabr,
41-son

Kelishildi:

O‘zbekiston fermerlari kengashi raisi

A. XAITOV

2025-yil 18-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 3-dekabrda e‘lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

764 Курилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш
 марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тар-
 тиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-
 ни, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш
 жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Қонуни
 ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги
 ПФ–158-сон «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада
 такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тад-
 бирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Му-
 дофаа вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий
 таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Курилиш ва уй-жой коммунал хў-
 жалиги вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 4 июндаги
 19-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги
 5-Қ/Қ-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 2 июнда-
 ги 11-2022-сон, Курилиш вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 2-сон, Транс-
 порт вазирлигининг 2022 йил 3 июндаги 06-сон қарори (рўйхат рақами 3371,
 2022 йил 13 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.06.2022 й.
 10/22/3371/0519-сон) билан тасдиқланган Курилиш соҳаси малакали мута-
 хассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш
 тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Ш. ХАЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
 2025 йил 19 ноябрь,
 40-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 декабрда эълон қилинган.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазири****Ш. ХИДОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 17 ноябрь,
170-сон

Транспорт вазири**И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 11 ноябрь,
14-сон

**Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири****Б. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 11 ноябрь,
23-2025/Қ-сон

**Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири****К. ШАРИПОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 10 ноябрь,
62-қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2025 йил 19 ноябр-
даги 40-сон, Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирлигининг 2025 йил 11 ноябрдаги
23-2025/Қ-сон, Олий таълим, фан ва иннова-
циялар вазирлигининг 2025 йил 10 ноябрда-
ги 62-қ/қ-сон, Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 17 ноябрдаги
170-сон ва Транспорт вазирлигининг 2025 йил
11 ноябрдаги 14-сон қарорига
ИЛОВА

**Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш
марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг биринчи хатбошисидан «доимий» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «профессионал таълим муассасасининг (бундан буён матнда профессионал таълим муассасаси деб юритилади)» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотининг (бундан буён матнда касбий таълим ташкилоти деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9-банднинг биринчи хатбошиси, 14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 28-банд, 29-банднинг биринчи хатбошиси, 38 ва 51-бандлардаги «профессионал таълим муассасаси» деган сўзлар «касбий таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 12-банднинг биринчи хатбошисидаги «профессионал таълим муассасасига» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 16-банднинг иккинчи хатбошиси, 27-банд ҳамда 41-банднинг учинчи хатбошисидаги «профессионал таълим муассасасининг» деган сўзлар «касбий таълим ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 35-банднинг биринчи хатбошисидаги «олий таълим муассасаларининг» деган сўзлар «олий таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Илованинг матнидаги «профессионал таълим муассасаси» ва «доимий турар жойи» деган сўзлар тегишли равишда «касбий таълим ташкилоти» ва «яшаш жойи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO'MITASI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

765 Yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan valyuta operatsiyalari amalga oshirilishining asoslanganligi yuzasidan monitoring olib borish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2467-7*

Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkilotining Soliq maqsadlari uchun shaffoflik va axborot almashinuvi bo'yicha Global forumiga a'zo mamlakatlar ro'yxati qayta ko'rib chiqilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Markaziy bank boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi, Davlat bojxona qo'mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2013-yil 5-apreldagi 2013-7, 01-02/19-22 va 7/4-son qarori (ro'yxat raqami 2467, 2013-yil 12-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 24-son, 319-modda) bilan tasdiqlangan Yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan valyuta operatsiyalari amalga oshirilishining asoslanganligi yuzasidan monitoring olib borish tartibi to'g'risidagi nizomning 1-ilovasidan 52-pozitsiya chiqarib tashlansin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti va Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Soliq qo'mitasi raisi

F. PULATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 3-dekabr,
2025-26-son

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 29-noyabr,
303-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-dekabrda e'lon qilingan.

Markaziy bank raisi

Toshkent sh.,
2025-yil 21-noyabr,
31/5-son

T. ISHMETOV

Kelishildi:

***Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi
kurashish departamenti boshlig'i***

2025-yil 14-noyabr

J. XATAMOV

Savdo-sanoat palatasi raisi

2025-yil 17-noyabr

D. VAXABOV

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

766 Dori vositalarini retsept bilan va retseptsiz beriladigan dori vositalari toifasiga kiritish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-bandiga qo‘shimcha kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3430-1

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 8-sentabrdagi 570-son “Sog‘liqni saqlash tizimini raqamlashtirish jarayonlarini yanada jadallashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2023-yil 28-apreldagi 10-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3430, 2023-yil 4-may) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 05.05.2023-y., 10/23/3430/0253-son) bilan tasdiqlangan Dori vositalarini retsept bilan va retseptsiz beriladigan dori vositalari toifasiga kiritish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-bandi to‘qqizinchi xatboshisi “shakldagi retsept” degan so‘zlardan keyin “(elektron retsept)” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

2. Mazkur buyruq 2025-yil 12-dekabrda e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 4-dekabr,
21-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-dekabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG‘I**767** O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov
hibsxonalari va jazoni ijro etish muassasalarida
saqlanayotgan shaxslarning tibbiy-sanitariya ta‘minoti bo‘yicha
qoidalarga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
6-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3159-3*

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 26-iyundagi O‘RQ–1072-son “Jinoyat ishini yuritish chog‘ida qamoqda saqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga qamoqqa olinganlarga nisbatan qiynoqqa solish hollarining oldini olishga qaratilgan qo‘shimcha kiritish haqida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2019-yil 23-martdagi 67-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3159, 2019-yil 20-may) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 20.05.2019-y., 10/19/3159/3151-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov hibsxonalari va jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan shaxslarning tibbiy-sanitariya ta‘minoti bo‘yicha qoidalarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2025-yil 24-noyabr,
676-son

A. TASHPULATOV

Kelishildi:

Sog‘liqni saqlash vaziri

2025-yil 12-noyabr

A. XUDAYAROV

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-dekabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
ichki ishlar vazirining 2025-yil 24-noyabrdagi
676-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov
hibsxonalari va jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan
shaxslarning tibbiy-sanitariya ta'minoti bo'yicha qoidalarga
kiritilayotgan o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. 8-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“THda majburiy hamda JIEMda birlamchi tibbiy ko'rikdan o'tkazish;”.

2. 13 va 14-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. THga keltirilgan shaxslar (tranzit tariqasida olib kelinayotganlar ham) THga olib kelingan paytdan e'tiboran ikki soat ichida majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkaziladi. Ushbu ko'rik tibbiyot xodimi tomonidan shaxsning atrofdagilarga epidemiologik xavf tug'dirishi ehtimolini aniqlash, shoshilinch yoki kechiktirib bo'lmaydigan tibbiy yordamga muhtojligini belgilash, tana ko'rigi, antropometriya va termometriya tekshiruvlarini o'tkazish, shuningdek tan jarohatlari va shikastlanish belgilari, yaralar hamda ularning darajasini aniqlash maqsadida amalga oshiriladi.

THga keltirilgan shaxsni majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkazish davomida THning u bilan bir jinsda bo'lgan xodimi ishtirok etadi.

Majburiy tibbiy ko'rikni o'tkazishda THga keltirilgan shaxsning roziligi bilan uning advokati ham ishtirok etishi mumkin.

14. Majburiy tibbiy ko'rik natijasida aniqlangan kasalliklar yoki shikastlanishlar to'g'risidagi ma'lumotlar mazkur Qoidalarning 1-ilovasiga muvofiq tibbiyot xodimi tomonidan jurnalga qayd etiladi hamda ushbu Qoidalarning 11-ilovasida ko'rsatilgan namunadagi tibbiy ma'lumotnoma rasmiylashtiriladi.

Tibbiy ma'lumotnomaning bir nusxasi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkazilgan shaxsga imzo qo'ydirib tanishtirilganidan keyin uning shaxsiy hujjatlar yig'majildiga qo'shib qo'yiladi, ikkinchi nusxasi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkazilgan shaxsni THga olib kelgan xodimlarga topshiriladi.

Tibbiy ma'lumotnomaning ko'chirma nusxasi THga olib kelingan shaxsning yoki uning advokatining talabiga asosan tegishincha THga olib kelingan shaxsga yoki uning advokati taqdim etiladi.

THga olib kelingan shaxslar boshqa THga o'tkazilganda yoki protsessual harakatlar o'tkazish uchun olib chiqilib, THga qaytarilganda ular ushbu Qoidalarda nazarda tutilgan tartibda majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkaziladi.”.

3. 16-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. THga olib kelingan shaxs majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkazish vaqtida uning tanasida jarohatlar, shikastlanishlar va yaralar aniqlangan taqdirda, mazkur Qoidalarning 12-ilovasiga muvofiq uch nusxada dalolatnoma tuzilib, dalolatnoma tergov hibsxonasi boshlig'ining yordamchisi — tezkor navbatchi va shaxsni olib kelgan qorovul boshlig'i tomonidan imzolanadi. Dalolatnomaning bir nusxasi qorovul boshlig'iga, ikkinchi nusxasi tergov hibsxonasi boshlig'ining yordamchisi

— tezkor navbatchiga, uchinchi nusxasi davolash-profilaktika yordamini ko'rsatish bo'limiga beriladi hamda tibbiyot xodimi tomonidan bildirgi orqali muassasa rahbariyatiga axborot beriladi.

Majburiy tibbiy ko'rik davomida aniqlangan jarohatlar, shikastlanishlar va yaralar yuzasidan THga olib kelingan shaxsga shu vaqtning o'zida ma'lum qilinadi va zudlik bilan TH tezkor — qidiruv xizmati xodimlari tomonidan prokurorga xabar beriladi.

Mazkur holat yuzasidan TH tezkor-qidiruv xizmati xodimlari tomonidan tekshiruv o'tkazilib, natijalari tegishli hududiy prokuraturaga yuboriladi.”.

4. 17-banddagi “birlamchi tibbiy ko'rik” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 97-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“97. JIEMga keltirilgan barcha shaxslar birlamchi tibbiy ko'rikdan o'tkazilib, ularda tan jarohati va shikastlanish belgilari va yaralar bor yoki yo'qligi tekshiriladi. Har bir aniqlangan tan jarohati, shikastlanish va yaralar bo'yicha dalolatnoma tuzilib, bu haqda muassasa boshlig'ining yordamchisi — tezkor navbatchi xabardor qilinadi va tibbiyot xodimi tomonidan bildirgi orqali muassasa rahbariyatiga axborot beriladi.

Mazkur holat yuzasidan JIEM tezkor-qidiruv xizmati xodimlari tomonidan tekshiruv o'tkazilib, natijalari tegishli hududiy prokuraturaga yuboriladi.”.

6. Mazkur o'zgartirishlar va qo'shimchanning 1 va 2-illovalariga* muvofiq tahrirdagi 11 va 12-illovalar bilan to'ldirilsin.

* Ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

768 O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (5-sonli BHMS) “Asosiy vositalar”ga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3546-1

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-iyundagi 133-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3546, 2024-yil 9-avgust) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 12.08.2024-y., 10/24/3546/0602-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (5-sonli BHMS) “Asosiy vositalar”ga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 3-dekabr,
306-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-dekabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
3-dekabrda 306-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy
standarti (5-sonli BHMS) “Asosiy vositalar”ga kiritilayotgan
o‘zgartirishlar**

1. 2-banddagi “mulk, xo‘jalik yuritish yoki operativ boshqaruv huquqlari” degan so‘zlar “mulk huquqi va operativ boshqarish huquqi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 9-banddagi “Mulk huquqi, xo‘jalik yuritish yoki operativ boshqaruv huquqi” degan so‘zlar “Mulk huquqi va operativ boshqarish huquqi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 10-bandning o‘n ikkinchi xatboshisidagi “xo‘jalik yuritish yoki operativ boshqaruv huquqini” degan so‘zlar “operativ boshqarish huquqini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 57-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“operativ boshqarish huquqi bilan tegishli bo‘lgan asosiy vositalarni qonunchilik hujjatlari yoki ta‘sis hujjatlariga muvofiq mulkdorning qaroriga asosan;”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

769 O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o‘tkazish”ga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
6-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3548-1*

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-iyundagi 141-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3548, 2024-yil 12-avgust) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 12.08.2024-y., 10/24/3548/0604-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o‘tkazish”ga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 29-noyabr,
302-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-dekabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
29-noyabrdagi 302-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy
standarti (19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish
va o‘tkazish”ga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. 5-bandning ikkinchi xatboshisidagi “davlat korxonasini o‘zgartirishda (davlat tasarrufidan chiqarilganda)” degan so‘zlar “davlat mulkini xususiylashtirishga tayyorlashda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 57-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliya-xo‘jalik faoliyati buxgalteriya hisobi hisobvaraqlari rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnoma”ga (ro‘yxat raqami 1181, 2002-yil 23-oktabr)” degan so‘zlar “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnoma”ga (ro‘yxat raqami 3593, 2024-yil 27-dekabr)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 60-bandning ikkinchi xatboshisidan “va davlat boji markalari” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

4. 64-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lanadigan hisobvaraqlar” hisobvarag‘ining” degan so‘zlar “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar bo‘yicha joriy (6000) hamda uzoq muddatli majburiyatlar (7000) hisobvaraqlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG'I

770 Kasbiy ta'lim tashkilotlarining ishlab chiqarish ta'limi ustalarini attestatsiyadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3635-1

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-oktabrdagi PF–158-son "Kasbiy ta'limda malakali kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va xalqaro ta'lim dasturlarini joriy qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi va 2025-yil 23-oktabrdagi PF–190-son "Kasbiy ta'lim tizimida boshqaruv samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmonlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 29-maydagi 202-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3635, 2025-yil 1-iyul) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.07.2025-y., 10/25/3635/0555-son) bilan tasdiqlangan Kasbiy ta'lim tashkilotlarining ishlab chiqarish ta'limi ustalarini attestatsiyadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-noyabr,
461-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-dekabrda e'lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining
2025-yil 27-noyabrdagi 461-son buyrug‘iga
ILOVA

**Kasbiy ta’lim tashkilotlarining ishlab chiqarish ta’limi
ustalarini attestatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Attestatsiyani tashkil etish jarayonlari O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Kasbiy ta’lim agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan muvofiqlashtiriladi.”.

2. 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Attestatsiyaga doir tashkiliy masalalar Agentlik, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Kasbiy ta’lim agentligi, viloyatlar va Toshkent shahri kasbiy ta’lim boshqarmalari (bundan buyon matnda hududiy boshqarmalar deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.”.

3. 18-bandning birinchi xatboshisidagi “vazirlik” degan so‘z “Agentlik” degan so‘z bilan almashtirilsin.

4. 19-bandda:

a) ikkinchi xatboshidagi “Vazirlikda” degan so‘z “Agentlikda” degan so‘z bilan almashtirilsin;

b) uchinchi xatboshidagi “vazirlik” degan so‘z “Agentlik” degan so‘z bilan almashtirilsin.

5. 20-bandning birinchisi xatboshisi va 36-banddagi “Vazirlik” degan so‘z “Agentlik” degan so‘z bilan almashtirilsin.

6. 22-banddagi “Vazirlik” va “Vazirlikning” degan so‘zlar tegishli ravishda “Agentlik” va “Agentlikning” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 25-bandning birinchi xatboshisi va 41-banddagi “Vazirlikka” degan so‘z “Agentlikka” degan so‘z bilan almashtirilsin.

8. 27-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Vazirlik” va “Professional” degan so‘zlar tegishli ravishda “Agentlik” va “Kasbiy” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. 28-bandning birinchi xatboshisidagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri” degan so‘zlar “Agentlik direktori” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

10. 44-bandning birinchi xatboshisidagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining” degan so‘zlar “Agentlik direktorining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. 45-band, 6 va 7-ilovalarning matnlaridagi “Vazirlikning” degan so‘z “Agentlikning” degan so‘z bilan almashtirilsin.

12. 46-bandda:

a) birinchi xatboshidagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining” degan so‘zlar “Agentlik direktorining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

b) ikkinchi xatboshidagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining” va “Vazirlik” degan so‘zlar tegishli ravishda “Agentlik direktorining” va “Agentlik” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I

771 O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
6-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3719*

O‘zbekiston Respublikasining “Ichimlik suvi ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 22-sentabrdagi 602-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 28-noyabr,
21-2025/B-son

O‘zbekiston Respublikasi
kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 28-noyabrdagi 21-2025/B-son
buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik
vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy
hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2007-yil 5-noyabrdagi M-45-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1755, 2007-yil 27-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 52-son, 546-modda) bilan tasdiqlangan Spirt va likyor-aroq ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnat muhofazasi qoidalarining 275-bandidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “chiqarib yuborish va” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 10-dekabrda e‘lon qilingan.

vazirining 2009-yil 13-fevraldagi 6/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1917, 2009-yil 7-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 10-11-son, 124-modda) bilan tasdiqlangan Parrandachilik sohasi xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarini bepul berishning namunaviy me'yorlarining 28-pozitsiyasi "Maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarining nomlari" ustunidagi "Kanalizatsiya" degan so'z "Oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 16-martdagi 12/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1934, 2009-yil 2-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 14-son, 170-modda) bilan tasdiqlangan Elektr-energetika ishlab chiqarish korxonalari xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarini bepul berishning namunaviy me'yorlarining 85-pozitsiyasi "Maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarining nomlari" ustunidagi "Oqova (kanalizatsiya)" degan so'z "Oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 27-maydagi 27/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1965, 2009-yil 11-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 24-son, 277-modda) bilan tasdiqlangan Pochta va telekommunikatsiya xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarini bepul berishning namunaviy me'yorlarining 15-pozitsiyasi "Kasb va lavozim nomlari" ustuni hamda 28 va 102-pozitsiyalari "Maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarining nomlari" ustunidagi "Kanalizatsiya" degan so'z "Oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 30-apreldagi 18/B-1-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1966, 2009-yil 11-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 24-son, 279-modda) bilan tasdiqlangan Ikkilamchi xom ashyo tayyorlash omborxonalari, baza va punktlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 7-paragrafining nomi, 35-bandi birinchi va ikkinchi xatboshilari, 38 va 96-bandlaridagi "oqova suvlar" degan so'zlar "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 10-avgustdagi 49-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1998, 2009-yil 25-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 35-son, 391-modda) bilan tasdiqlangan Sog'liqni saqlash va tibbiyot ishlab chiqarishlari xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarini bepul berishning namunaviy me'yorlarida:

1) 71-pozitsiyaning "Kasb va lavozim nomlari" ustunidagi "kanalizatsiyani" degan so'z "oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimini" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 81-pozitsiyaning “Kasb va lavozim nomlari” ustunidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

7. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 4-avgustdagi 44-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2003, 2009-yil 4-sentabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 37-son, 411-modda) bilan tasdiqlangan Yogʻochni qayta ishlash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 11-paragrafi nomi, 77, 84 va 85-bandlardagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 78-banddagi “oqova suvlarga” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) 244-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

8. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 27-avgustdagi 54-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2010, 2009-yil 29-sentabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 40-son, 437-modda) bilan tasdiqlangan Tayyorlash-qoliplash ishlarida mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 11-paragrafining nomi, 77, 78, 84 va 85-bandlaridagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

9. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 22-iyuldagi 140-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2135, 2010-yil 19-avgust) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 33-son, 286-modda) bilan tasdiqlangan Oyna ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 12-paragrafining nomi, 71, 74 va 75-bandlaridagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

10. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 19-noyabrdagi 190-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2159, 2010-yil 30-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 48-son, 449-modda) bilan tasdiqlangan Qand-shakar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 65-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“65. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 66-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) 188-banddagi “Oqova suvlar” degan soʻzlar “Oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5) 218-banddagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

11. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish

vazirining 2010-yil 27-noyabrdagi 192-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2160, 2010-yil 6-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 49-son, 461-modda) bilan tasdiqlangan Bog'lar hamda madaniyat va istirohat bog'lari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 12-paragrafining nomi, 69, 71 va 72-bandlaridagi "kanalizatsiya" degan so'z "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

12. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 23-noyabrdagi 191-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2161, 2010-yil 6-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 49-son, 462-modda) bilan tasdiqlangan Tamaki ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 12-paragrafining nomi, 71, 74 va 75-bandlaridagi "oqova suvlar" degan so'zlar "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

13. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 9-noyabrdagi 187/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2172, 2010-yil 22-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 51-son, 506-modda) bilan tasdiqlangan Pochta aloqasi obyektlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 72 va 73-bandlardagi "kanalizatsiya" degan so'z "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"69. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 "Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish" talabiga mos kelishi kerak."

14. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 27-oktabrdagi 177-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2177, 2011-yil 5-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 1-2-son, 12-modda) bilan tasdiqlangan Tibbiyot texnikasidan foydalanish, montaj qilish, texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 69, 70 va 124-bandlardagi "kanalizatsiya" degan so'z "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 66-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"66. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 "Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish" talabiga mos kelishi kerak."

15. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 27-dekabrdagi 203-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2180, 2011-yil 12-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 1-2-son, 17-modda) bilan tasdiqlangan Psixiatriya kasalxonalarida xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 68 va 69-bandlardagi "kanalizatsiya" degan so'z "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 65-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"65. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ

2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”

16. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 27-dekabrda 204-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2186, 2011-yil 28-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 4-5-son, 39-modda) bilan tasdiqlangan Xalq badiiy hunarmandchiligi va sovg‘alar ishlab chiqarish korxonalarini xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 67 va 68-bandlardagi “oqova suvlar” degan so‘zlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 64-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“64. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”

17. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 10-noyabrda 188-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2188, 2011-yil 28-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 4-5-son, 41-modda) bilan tasdiqlangan Metallarga kimyoviy ishlov berish va ularga galvanik va kimyoviy qoplamalar surtishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 11-paragrafining nomi, 58, 61 va 62-bandlaridagi “oqova suvlar” degan so‘zlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

18. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 17-yanvarda 1-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2192, 2011-yil 31-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 6-son, 50-modda) bilan tasdiqlangan Charm-galantereya mahsulotlari ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 12-paragrafining nomi, 70, 73 va 74-bandlaridagi “oqova suvlar” degan so‘zlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

19. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 19-yanvarda 3-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2193, 2011-yil 4-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 6-son, 52-modda) bilan tasdiqlangan Fuqaro aviatsiyasi xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va yakka tartibda himoyalashning boshqa vositalarini bepul berishning namunaviy me‘yorlarida:

1) 108-pozitsiyaning “Kasb va lavozim nomlari” ustunidagi “Vodoprovod va kanalizatsiya” degan so‘zlar “Suv bilan ta’minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 110-pozitsiyaning “Kasb va lavozim nomlari” ustunidagi “kanalizatsiya” degan so‘zlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

20. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 14-martda 15-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2212, 2011-yil 31-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 12-13-son, 129-modda) bilan tasdiqlangan Qo‘riqlash-yong‘in signalizatsiyasi vositalarini

montaj qilish, ta'mirlash va ulardan texnik foydalanish ishlarida mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 10-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 46-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“46. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

21. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 14-martdagi 16-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2216, 2011-yil 13-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 15-son, 156-modda) bilan tasdiqlangan Sement ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomi, 80 va 81-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 77-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“77. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

22. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 30-iyundagi 35-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2248, 2011-yil 25-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 30-son, 319-modda) bilan tasdiqlangan Televideniye va radio eshittirish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 10-paragrafining nomi, 47, 50 va 51-bandlaridagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

23. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 14-iyuldagi 42-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2253, 2011-yil 11-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 32-33-son, 339-modda) bilan tasdiqlangan Avtomobil yo'llarini qurish, ta'mirlash va saqlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 81-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“81. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 82-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) 86-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

24. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 9-avgustdagi 48-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2260, 2011-yil 2-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 36-son, 371-modda) bilan tasdiqlangan Sanitariya-epidemiologiya muassasalari

laboratoriyalarida (bo‘linmalarida va bo‘limlarida) ishlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 11-paragrafi nomi, 59 va 60-bandlardagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 56-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“56. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 154-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 156-banddagi “oqova suv” degan so‘zlar “oqova suvni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

25. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 20-sentabrdagi 59-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2275, 2011-yil 6-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 40-son, 446-modda) bilan tasdiqlangan Uy-joy-kommunal xo‘jaligi xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va yakka tartibda himoyalanişning boshqa vositalarini bepul berishning namunaviy me‘yorlarida:

1) 1-bobning nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 3, 17, 50 va 110-pozitsiyalarining “Maxsus kiyim, maxsus poyabzal va yakka tartibda himoyalanişning boshqa vositalari nomlari” ustunidagi “Kanalizatsiya” degan so‘z “Oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 10-pozitsiyasining “Kasb va lavozim nomlari” ustunidagi “Kanalizatsiya” degan so‘z “Oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

26. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 10-noyabrdagi 71-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2288, 2011-yil 9-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 49 son, 507-modda) bilan tasdiqlangan Noruda materiallari (shag‘al, qum) ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 13-paragrafi nomi va 70-banddagi “oqova suvlar” degan so‘zlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 71-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 75-banddagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

27. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 10-noyabrdagi 70-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2289, 2011-yil 9-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 49-son, 508-modda) bilan tasdiqlangan Savdo tashkilotlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 12-paragrafining nomi, 70, 73 va 74-bandlaridagi “oqova suvlar” degan so‘zlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

28. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish

vazirining 2011-yil 29-noyabrdagi 75-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2302, 2011-yil 21-dekabr (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 51-son, 551-modda) bilan tasdiqlangan Yadro xavfsizligi xizmatlari xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalaniş vositalarini bepul berishning namunaviy me‘yorlarining 4-pozitsiyasi “Kasb va lavozim nomlari” ustunidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

29. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 14-fevraldagi 7-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2339, 2012-yil 15-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 11-son, 124-modda) bilan tasdiqlangan Muzeylar, teatrlar va konsert zallari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 72 va 73-bandlardagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”

30. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 14-fevraldagi 6-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2340, 2012-yil 15-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 11-son, 125-modda) bilan tasdiqlangan Hayvonot parklari (hayvonot bog‘lari) va sirk xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 73 va 74-bandlardagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 70-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“70. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”

31. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 29-fevraldagi 10-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2348, 2012-yil 31-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 14-son, 159-modda) bilan tasdiqlangan Fizioterapevtik bo‘linmalar (kabinetlar) xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 10-paragrafining nomi, 41, 44 va 45-bandlaridagi “oqova suvlar” degan so‘zlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

32. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 25-maydagi 26-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2374, 2012-yil 21-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 25-son, 283-modda) bilan tasdiqlangan Dezinfeksiya stansiyalari, dezinfeksiya bo‘limlari, profilaktik dezinfeksiya bo‘linmalari, sanitariya-epidemiologiya stansiyalari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 74 va 75-bandlardagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 155-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

33. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 30-iyuldagi 36-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2398, 2012-yil 2-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2012-y., 45-son, 517-modda) bilan tasdiqlangan Telefon va telegraf stansiyalari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 78 va 79-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 75-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“75. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 271-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

34. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 29-noyabrdagi 75-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2406, 2012-yil 25-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2012-y., 52-son, 595-modda) bilan tasdiqlangan Poyabzal ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 78 va 79-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 75-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“75. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

35. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 29-noyabrdagi 76-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2407, 2012-yil 25-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2012-y., 52-son, 596-modda) bilan tasdiqlangan Moʻynadan va qoʻy terisidan poʻstin ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 12-paragrafi nomi, 78, 79 va 155-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 75-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“75. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

36. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 8-yanvardagi 1-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2424, 2013-yil 5-fevral) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 6-son, 77-modda) bilan tasdiqlangan Shahar elektr transportida ishlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 12-paragrafining nomi, 75, 78 va

79-bandlaridagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

37. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 1-martdagi 14-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2446, 2013-yil 1-aprel) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 14-son, 189-modda) bilan tasdiqlangan Taʼlim muassasalarining oʻquv xonalarida mashgʻulotlar oʻtkazishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 13-paragrafi nomi, 73 va 74-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 70-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“70. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

38. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 1-apreldagi 20-B son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2454, 2013- yil 1-may) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 18-son, 237-modda) bilan tasdiqlangan Taʼlim muassasalarining oʻquv va oʻquv-ishlab chiqarish ustaxonalari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 14-paragrafining nomi, 80, 83 va 84-bandlaridagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

39. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 24-apreldagi 23-B son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2455, 2013-yil 8-may) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 19-son, 246-modda) bilan tasdiqlangan Lok-boʻyoq materiallari bilan ishlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 13-paragrafi nomi, 83 va 84-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 77-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“77. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

40. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 14-maydagi 32-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2458, 2013-yil 24-may) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 21-son, 278-modda) bilan tasdiqlangan Maishiy xizmat koʻrsatish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 13-paragrafi nomi, 81, 82 va 279-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 77 va 225-bandlardagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

41. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish

vazirining 2013-yil 14-maydagi 31-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2459, 2013-yil 27-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 22-son, 286-modda) bilan tasdiqlangan Metall va nometall noorganik qoplamalar ishlab chiqarishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 13-paragrafi nomi, 81 va 82-bandlardagi "kanalizatsiya" degan so'z "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"76. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 "Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish" talabiga mos kelishi kerak.";

3) 77, 194 va 197-bandlardagi "kanalizatsiyaga" degan so'z "oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

42. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 14-maydagi 33-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2461, 2013-yil 30-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 22-son, 295-modda) bilan tasdiqlangan Oshxonalar, restoranlar hamda boshqa korxonalar va ishlab chiqarishlarda oziq-ovqat tayyorlash va aholiga xizmat ko'rsatishda band bo'lgan xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 13-paragrafining nomi, 76, 77, 81, 82 va 215-bandlaridagi "oqova suvlar" degan so'zlar "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

43. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 14-maydagi 34-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2466, 2013-yil 7-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 23-son, 310-modda) bilan tasdiqlangan Elektr priborlari va tashkiliy texnika bilan ishlashda, ularni ta'mirlash va ularga xizmat ko'rsatishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 13-paragrafining nomi, 76, 77, 81 va 82-bandlaridagi "oqova suvlar" degan so'zlar "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

44. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 12-iyundagi 44-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2471, 2013-yil 25-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 26-son, 342-modda) bilan tasdiqlangan O'rmon xo'jaligi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 13-paragrafining nomi, 76, 77, 81 va 82-bandlaridagi "oqova suvlar" degan so'zlar "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

45. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 26-iyundagi 46-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2478, 2013-yil 16-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 29-son, 376-modda) bilan tasdiqlangan Baliqchilik ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 2-bobi 13-paragrafining nomi, 76, 77, 81 va 82-bandlaridagi "oqova suvlar" degan so'zlar "oqova suvlarni chiqarib yuborish" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

46. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 22-iyuldagi 53-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2503, 2013-yil 23-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 34-son,

467-modda) bilan tasdiqlangan Turar joy va jamoat binolaridan foydalanishda, shuningdek ularni joriy va mukammal ta'mirlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 9-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 42-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“42. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

47. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 20-avgustdagi 63-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2505, 2013-yil 29-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 35-son, 474-modda) bilan tasdiqlangan Trikotaj va tikuvchilik ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 13-paragrafi nomi, 80, 81-bandlar va 205-bandning o'n birinchi xatboshisidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 75-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“75. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 76-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

48. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 3-sentabrdagi 67-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2510, 2013-yil 30-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 40-son, 529-modda) bilan tasdiqlangan Tomyopgich va gidroizolatsion ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 13-paragrafi nomi va 75-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 72-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“72. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

49. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 31-dekabrdagi 88-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2557, 2014-yil 24-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 4-son, 56-modda) bilan tasdiqlangan Go'sht-sut mahsulotlari ishlab chiqaruvchi, shu jumladan zaharlangan xomashyo bilan ishlovchi xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 73-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“73. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ

2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 92-banddagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

50. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2014-yil 9-sentabrdagi 21-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2620, 2014-yil 9-oktabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2014-y., 41-son, 514-modda) bilan tasdiqlangan Taʼlim muassasalarida boshlangʻich harbiy tayyorgarlik mashgʻulotlari oʻtkazishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 88-banddagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

51. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2014-yil 25-noyabrdagi 29-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2637, 2014-yil 18-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2014-y., 51-son, 617-modda) bilan tasdiqlangan Pestitsidlar bilan ishlov berilgan uchastkalardagi qishloq xoʻjaligi ishlarida mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

52. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2015-yil 20-apreldagi 11-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2674, 2015-yil 14-may) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2015-y., 19-son, 243-modda) bilan tasdiqlangan Yoʻl qurilishi materiallari ishlab chiqarishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 72-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“72. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 91-banddagi “oqova suvlar” degan soʻzlar “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

53. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2015-yil 15-oktabrdagi 43-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2726, 2015-yil 11-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2015-y.,

45-son, 579-modda) bilan tasdiqlangan Metallarga sovuq ishlov berishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 72-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“72. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

54. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2015-yil 18-dekabrda 57-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2743, 2015-yil 24-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2015-y., 51-son, 640-modda) bilan tasdiqlangan Kabel ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

55. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2015-yil 25-dekabrda 60-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2747, 2015-yil 29-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2015-y., 52-son, 655-modda) bilan tasdiqlangan Yorugʻlik manbalari va yorugʻlik-texnika asbob-uskunalari ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

3) 183-banddagi “kanalizatsiyaning” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

56. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2016-yil 7-yanvarda 1-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2750, 2016-yil 14-yanvar) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2016-y., 2-son, 21-modda) bilan tasdiqlangan Optik detallarga mexanik ishlov berishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

57. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish

vazirining 2016-yil 15-yanvardagi 2-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2756, 2016-yil 28-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 4-son, 40-modda) bilan tasdiqlangan Izolyatsiyali elektr materiallar, shu jumladan elektr sopol materiallar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

58. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi, Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligining O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi markazi, Iqtisodiyot vazirligi, Sog‘liqni saqlash vazirligining 2007-yil 4-iyuldagi M-34, 84-05-27/PMK, 25, 9-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1713, 2007-yil 4-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 35-36-son, 372-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasining ixtisoslashtirilgan kasb-hunar kollejlari ta‘lim oluvchi imkoniyatlari cheklangan shaxslar uchun mutaxassisliklar va kasblar ro‘yxatining 3-bobining “Mutaxassislik” va “Kasb turi” ustunidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

59. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2016-yil 27-yanvardagi 3-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2762, 2016-yil 9-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 6-son, 59-modda) bilan tasdiqlangan Radioelektron ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

772 **Majburiy davolash uchun mo‘ljallangan narkologiya muassasalarida davolash jarayonini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
6-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3720*

O‘zbekiston Respublikasining “Narkologik kasalliklar profilaktikasi va ularni davolash to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta‘minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas‘uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Majburiy davolash uchun mo‘ljallangan narkologiya muassasalarida davolash jarayonini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi va Ichki ishlar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-noyabr,
22-son

Kelishildi:

Oliy sud raisi

B. ISLAMOV

2025-yil 17-noyabr

Ichki ishlar vaziri

A. TASHPULATOV

2025-yil 25-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-dekabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil
26-noyabrdagi 22-son buyrug'iga
ILOVA

**Majburiy davolash uchun mo'ljallangan narkologiya
muassasalarida davolash jarayonini tashkil etish
tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom narkologik kasallikka chalingan shaxslarni (bundan buyon matnda narkologik bemorlar deb yuritiladi) sudning qarori asosida majburiy davolash uchun mo'ljallangan narkologiya muassasalarida (bundan buyon matnda narkologiya muassasalari deb yuritiladi) davolash jarayonini tashkil etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

majburiy davolash — narkologik bemorlarga nisbatan sudning qarori asosida narkologiya muassasalarida ko'rsatiladigan narkologik yordam turi;

narkologik kasallik (surunkali alkogolizm, giyohvandlik, zaharvandlik) — psixoaktiv moddalarga patologik ruju qo'yish, ulardan surunkali zaharlanishning psixosomatik (ruhiy va jismoniy) hamda ijtimoiy oqibatlari bilan tavsiflanadigan surunkali kasallik;

narkologik bemorlar — o'ziga narkolog shifokor tomonidan narkologik kasallik tashxisi qo'yilgan shaxslar;

narkologiya muassasalari — O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tizimidagi tuzilmasida majburiy davolash uchun bo'lim tashkil etilgan narkologiya muassasalari yoki majburiy davolash uchun mo'ljallangan narkologiya shifoxonalari.

2. Narkologik bemorlarga narkologiya muassasalarida alkogolli ichimliklar, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar, prekursorlar hamda dorilik xususiyatiga ega bo'lmagan, kelib chiqishi sintetik yoki tabiiy, giyohvandlik vositalarga o'xshash ruhiyatga faol ta'sir etuvchi boshqa moddalarni iste'mol qilish taqiqlanadi.

3. Narkologik bemorlar tomonidan tibbiyot xodimlari ko'rsatmalarining bajarilishini ta'minlash, ularning narkologiya muassasalaridan o'zboshimchalik bilan chiqib ketishini hamda ular tomonidan huquqbuzarliklar sodir etilishini oldini olish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Qo'riqlash departamenti xodimlari (bundan buyon matnda qo'riqlash xodimlari deb yuritiladi) tomonidan doimiy nazorat o'rnatiladi.

**2-bob. Narkologik bemorlarni narkologiya muassasalariga
olib kelish va qabul qilish**

4. Ichki ishlar organlari xodimlari tomonidan narkologik bemorlar narkologiya

muassasalariga sudning ushbu bemorlarni majburiy davolashga yuborish to'g'risidagi qarori asosida olib kelinadi.

5. Narkologik bemorlarni narkologiya muassasalariga olib kelishdan oldin ichki ishlar organlari xodimlari ularda o'ziga yoki boshqa fuqarolarga tan jarohatlari yetkazishi mumkin bo'lgan sovuq qurol, shuningdek sovuq qurol sifatida foydalanilishi mumkin bo'lgan ashyolar, alkogolli ichimliklar, giyohvandlik vositalar, psixotrop moddalar, prekursorlar hamda dorilik xususiyatiga ega bo'lmagan, kelib chiqishi sintetik yoki tabiiy, giyohvandlik vositalarga o'xshash ruhiyatga faol ta'sir etuvchi boshqa moddalarning yo'qligiga ishonch hosil qilishlari kerak.

6. Narkologik bemorlarning yonida mazkur Nizomning 5-bandida ko'rsatilgan ashyolar, moddalar va mahsulotlar aniqlangan taqdirda, ular ichki ishlar organlari xodimi tomonidan olib qo'yiladi va shu kunning o'zida saqlash, topshirish yoki yo'q qilish masalalarini hal etish uchun hududiy tuman (shahar) ichki ishlar boshqarmasiga (bo'limiga) topshiriladi.

7. Narkologiya muassasasiga olib kelingan narkologik bemor ushbu muassasaning narkolog shifokori tomonidan sudning narkologik bemorni majburiy davolashga yuborish to'g'risidagi qarori bilan tanishgandan keyin qabul qilinadi.

8. Narkologiya muassasasida davolanishda bo'lgan narkologik bemor narkologiya muassasasining ichki tartib-qoidalariga rioya etishi shart.

3-bob. Narkologik bemorlarni narkologiya muassasalarida majburiy davolash va ularni narkologiya muassasalaridan chiqarish

9. Narkologik bemorlarni majburiy davolashning asosiy maqsadi ularda turg'un remissiyani shakllantirish, shu orqali ularning ijtimoiy maqomini tiklash, ijtimoiy readaptatsiyasi hamda jamiyatga reintegratsiyasini ta'minlashdan iboratdir.

10. Narkologik bemorlar narkologiya muassasasiga qabul qilingan kundan e'tiboran besh kunlik muddatda majburiy davolashning davomiyligi narkologiya muassasasining rahbari hamda ikki nafar narkolog shifokor tarkibidan iborat bo'lgan tibbiy komissiya tomonidan klinik-tashxis qo'yish standartlari va davolash bayonnomalaridan kelib chiqqan holda belgilanadi.

Bunda narkologik bemorlarni majburiy davolash davomiyligi o'n sakkiz oydan ko'p bo'lishi mumkin emas.

11. Narkologik bemorlarni narkologiya muassasasida majburiy davolash narkolog shifokorlar tomonidan klinik-tashxis qo'yish standartlari va davolash bayonnomalari asosida amalga oshiriladi.

12. Narkologik bemorlarda mazkur Nizomning ilovasida* keltirilgan tibbiy qarshi ko'rsatmalar aniqlangan taqdirda, narkologiya muassasasi tomonidan ularni majburiy davolash rad etiladi yoki majburiy davolash muddati kechiktiriladi.

Narkologik bemorlarda rad etish yoki muddatini kechiktirish uchun asos bo'lgan tibbiy qarshi ko'rsatmalar bartaraf etilganda ularni narkologiya muassasasi tomonidan majburiy davolash to'liq hajmda ko'rsatilishi mumkin.

* Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

13. Narkologik bemorlar narkologiya muassasasini o'zboshimchalik bilan tark etgan hollarda ushbu muassasaning qo'riqlash xodimi zudlik bilan bu haqida hududiy tuman (shahar) ichki ishlar boshqarmasiga (bo'limiga) xabar beradi.

Tuman (shahar) ichki ishlar boshqarmasi (bo'limi) narkologiya muassasasini o'zboshimchalik bilan tark etgan narkologik bemorlarni narkologiya muassasasiga qaytarish choralarini ko'radi.

14. Narkologik bemorlar narkologiya muassasasini o'zboshimchalik bilan tark etgan davri majburiy davolanish muddatiga qo'shib hisoblanmaydi.

15. Narkologik bemorlar narkologiya muassasasidan quyidagi sabablarga ko'ra chiqariladi:

majburiy davolash muddati tugagach va narkologik bemor sog'lig'ining klinik holatini hisobga olgan holda;

majburiy davolashni o'tkazishga to'sqinlik qiladigan qo'shimcha og'ir kasalliklar aniqlanganda.

16. Narkologiya muassasasining ma'muriyati narkologik bemorning chiqarilishidan o'n kun oldin ichki ishlar organlarini, mehnat organini, yashash joyidagi narkologiya muassasasini chiqarib yuborilayotgan narkologik bemorning maishiy sharoitlarini yaxshilashga hamda uni ishga joylashtirishga ko'maklashish va u ustidan kuzatuvni ta'minlash uchun xabardor qiladi.

17. Narkologiya muassasasidan chiqarilgan narkologik bemorga undan olib qo'yilgan hujjatlar, pul mablag'lari, moddiy qimmatliklar va ashyolar qaytarib beriladi.

4-bob. Yakuniy qoida

18. Mazkur Nizomning talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGINING
QARORI

773 “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasasi huzuridagi alohida o'rnak ko'rsatgan xodimlarni rag'batlantirish bo'yicha maxsus komissiya to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1846-1

O'zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-sentabrdagi O'RQ-957-son “Ma'muriy islohotlar doirasida ta'lim sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-oktabrdagi PF-158-son “Kasbiy ta'limda malakali kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va xalqaro ta'lim dasturlarini joriy qilish chora-tadbirlari to'g'risida”gi va 2025-yil 23-oktabrdagi PF-190-son “Kasbiy ta'lim tizimida boshqaruv samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi farmonlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2008-yil 13-avgustdagi 32/QQ, 32, 01-274-son “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasasi huzuridagi alohida o'rnak ko'rsatgan xodimlarni rag'batlantirish bo'yicha maxsus komissiya to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 1846, 2008-yil 29-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 35-36-son, 351-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vaziri**

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-noyabr,
63-q/q-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 10-dekabrda e'lon qilingan.

**Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri****B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 24-noyabr,
27-2025/B-son

O'zbekiston Respublikasi
Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining
2025-yil 27-noyabrdagi 63-q/q-son va
Kambag'allikni qisqartirish va bandlik
vazirligining 2025-yil 24-noyabrdagi
27-2025/B-son qaroriga
ILOVA

**“O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasasi huzuridagi
alohida o'rnak ko'rsatgan xodimlarni rag'batlantirish bo'yicha
maxsus komissiya to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Qarorning nomi va 1-bandidagi “kasb-hunar ta'limi muassasasi” degan so'zlar “kasbiy ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) nomi, 1, 9 va 13-bandlardagi “kasb-hunar ta'limi muassasasi” degan so'zlar “kasbiy ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ushbu Nizom o'rta maxsus, kasbiy ta'lim tashkiloti huzuridagi alohida o'rnak ko'rsatgan xodimlarni rag'batlantirish bo'yicha maxsus komissiya faoliyatini hamda o'rta maxsus, kasbiy ta'lim tashkiloti Direktor jamg'armasi (bundan keyingi o'rinlarda Direktor jamg'armasi deb yuritiladi) hisobidan o'rta maxsus, kasbiy ta'lim tashkiloti yuqori kasb mahoratiga ega bo'lgan va o'quv-tarbiya jarayoni sifatini oshirishga aniq shaxsiy hissa qo'shayotgan o'qituvchilari va ishlab chiqarish ta'limi ustalarining bazaviy tarif stavkalariga har oylik ustamalar belgilash, shuningdek o'rta maxsus, kasbiy ta'lim tashkilotlari xodimlariga bir yo'la mukofotlar to'lash va moddiy yordam ko'rsatishni tashkil qilish tartibini belgilaydi.”;

3) 3-banddagi “kasb-hunar ta'limi” degan so'zlar “kasbiy ta'lim” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

4) 4-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Mazkur Nizom talablari O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Budjet tashkilotlari xarajatlarini moliyalashtirish va byudjetdan tashqari jamg'armalarni shakllantirish tartibini yanada takomillashtirish to'g'risida” 2025-yil 21-maydagi 325-son qaroriga muvofiq, o'rta maxsus, kasbiy ta'limi tashkilotlari xodimlarini byudjetdan tashqari mablag'lar hisobidan moddiy rag'batlantirishga joriy qilinmaydi.”

5) 5-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasalarining” va “kasb-hunar ta’limi muassasalari” degan soʻzlar tegishli ravishda “kasbiy ta’lim tashkilotlarining” va “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “ta’lim muassasasi” degan soʻzlar “ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi “ta’lim muassasasining” degan soʻzlar “ta’lim tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasalari” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6) 7, 24 va 32-bandlardagi “kasb-hunar ta’limi muassasalari” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

7) 8-bandda:

birinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasasi” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “ta’lim muassasasi” degan soʻzlar “ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

8) 14-bandda:

birinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasasi” va “oʻrta maxsus, kasb-hunar ta’limi hududiy boshqarmasiga” degan soʻzlar tegishli ravishda “kasbiy ta’lim tashkiloti” va “oliy ta’lim tashkilotlariga va kasbiy ta’lim hududiy boshqarmalariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasalari” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

9) 15, 18 va 21-bandlardagi “ta’limi muassasasi” degan soʻzlar “ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

10) 16 va 27-bandlardagi “kasb-hunar ta’limi muassasasining” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

11) 20-banddagi “ta’lim muassasasidagi” degan soʻzlar “ta’lim tashkilotidagi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

12) 22-banddagi “Ta’lim muassasasi” degan soʻzlar “Ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

13) 6-bobning nomidagi “kasb-hunar ta’limining” degan soʻzlar “kasbiy ta’limning” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

14) 28-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “ta’lim muassasasi” va “professional ta’lim muassasalari” degan soʻzlar tegishli ravishda “ta’lim tashkiloti” va “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasalari” va “kasb-hunar ta’limi muassasasi” degan soʻzlar tegishli ravishda “kasbiy ta’lim tashkilotlari” va “kasbiy ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “ta’lim muassasasida” degan soʻzlar “ta’lim tashkilotida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

15) 29-bandda:

birinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limining” degan soʻzlar “kasbiy ta’limning” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasalari” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “oʻrta maxsus, kasb-hunar ta’limi hududiy boshqarmasiga” degan soʻzlar “oliy ta’lim tashkilotiga va kasbiy ta’lim hududiy boshqarmasiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

16) 30-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Oʻrta maxsus, kasbiy ta’lim boshqaruv organlari oʻrta maxsus, kasbiy ta’lim tashkilotlarining oʻqituvchilari va ishlab chiqarish ta’limi ustalarining bazaviy tarif stavkalariga har oylik ustamalar belgilash, shuningdek oʻrta maxsus, kasbiy ta’lim tashkilotlari xodimlariga bir yoʻla mukofotlar toʻlash va moddiy yordam koʻrsatish haqidagi buyruqlarini tekshirishni quyidagi maqsadlarda amalga oshiradi:”;

toʻrtinchi xatboshidagi “kasb-hunar ta’limi muassasalari” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

17) 31-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. Oʻrta maxsus, kasbiy ta’lim tashkilotining oʻqituvchilar va ishlab chiqarish ta’limi ustalari bazaviy tarif stavkalariga har oylik ustamalar belgilash, shuningdek oʻrta maxsus, kasbiy ta’lim tashkilotlari xodimlariga bir yoʻla mukofotlar toʻlash va moddiy yordam koʻrsatish toʻgʻrisidagi buyrugʻi oʻrnatilgan tartiblarga muvofiq kelmasligi aniqlangan hollarda oʻrta maxsus, kasbiy ta’lim boshqaruv organlarining tegishli xodimlari oʻrta maxsus, kasbiy ta’lim tashkilotlari direktorlari bilan tushuntirish ishlarini olib boradi hamda mavjud kamchiliklarni bartaraf etish boʻyicha amaliy yordam koʻrsatadi.”;

18) Ilovada:

ilova belgisidagi “kasb-hunar ta’limi muassasasi” degan soʻzlar “kasbiy ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6-pozitsiyadagi “ta’lim muassasalari” degan soʻzlar “ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

10-pozitsiyadan “Oʻrta maxsus, kasb-hunar ta’limi” degan soʻzlar chiqarib tashlansin;

13, 20, 29, 30, 31, 32, 35, 37 va 46-pozitsiyalardagi “ta’lim muassasasi” degan soʻzlar “ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

17 va 36-pozitsiyalardagi “ta’lim muassasasiga” degan soʻzlar “ta’lim tashkilotiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

23-pozitsiyadagi “Ta’lim muassasasida” degan soʻzlar “Ta’lim tashkilotida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

25 va 39-pozitsiyalardagi “Ta’lim muassasasi” degan soʻzlar “Ta’lim tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

33-pozitsiyadagi “Ta’lim muassasasidagi” degan soʻzlar “Ta’lim tashkilotidagi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

38-pozitsiyadagi “Ta’lim muassasasini” degan soʻzlar “Ta’lim tashkilotini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

41-pozitsiyadagi “Ta’lim muassasasining” va “ta’lim muassasasida” degan soʻzlar tegishli ravishda “Ta’lim tashkilotining” va “ta’lim tashkilotida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

43 va 44-pozitsiyalardagi “Davlat test markazi” degan soʻzlar “Bilim va malakalarni baholash agentligi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

774 «Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2430-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2013 йил 22 февралдаги 162-сон «Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2430, 2013 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 113-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 29 ноябрь,
9-мх-сон

Келишилди:

Ички ишлар вазири

А. ТАШПУЛАТОВ

2025 йил 24 ноябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири

Б. КУДРАТХОДЖАЕВ

2025 йил 24 ноябрь

Миллий гвардия қўмондони

Р. ДЖУРАЕВ

2025 йил 19 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 10 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
спорт вазирининг 2025 йил 29 ноябрдаги
9-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

«Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**».

2. Қоидаларда:

1) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган спорт иншоотларида (бундан буён матнда спорт иншоотлари деб юритилади) футбол бўйича спорт мусобақалари ва томоша тадбирларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш тартибини белгилайди.»;

2) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Спорт иншоотига кириш вақтида томошабинлар (мухлислар):

спорт иншооти ҳудудига ва трибуналарига чипталар ёки кириш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатлар бўйича кириш ва спорт иншоотининг умумий сифими доирасида уларда кўрсатилган жойларни эгаллаш;

спорт иншооти ҳудудида жойлашган сақлаш камералари, гардероблар, буфетлар, қахвахоналар, маълумотлар бюроси, телефонлар, киоскалар ва шу кабилардан белгиланган тартибда фойдаланиш;

пластик сурнайлар, дастаси пластикдан бўлган байроқчалар, дастаси йўқ байроқлар, фотоаппаратлар, мобиль телефонларни спорт иншоотига олиб кириш ҳуқуқига эга.»;

3) 4-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Спорт иншоотига кириш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) мажбуриятлари:»;

иккинчи хатбошидаги «келишга» деган сўз «келиш» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «кўрсатишга ҳамда уларнинг хавфсизлик ва тартибни сақлаш бўйича қонуний талабларини бажаришга мажбур» деган сўзлар «кўрсатиш ҳамда уларнинг хавфсизлик ва тартибни сақлаш бўйича қонуний талабларини бажариш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 5-банддаги «чоғида» деган сўз «вақтида» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Футбол бўйича спорт мусобақалари ўтказилаётган вақтда томошабинларнинг (мухлисларнинг) мажбуриятлари:

жамоат тартибига ва умумий қабул қилинган хулқ-одоб нормаларига риоя қилиш;

спорт иншоотининг жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

спорт иншоотига ташриф буюриш тартибига риоя қилиш;

ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш;

бошқа жамоаларнинг мухлисларига нисбатан қўпол муносабатда бўлмаслик;

бошқаларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, атрофдагиларга хавф соладиган ҳаракатларни содир этмаслик;

шубҳали предметлар ва буюмларни кўрганда, шунингдек тутун ёки ёнғин содир бўлганда зудлик билан спорт иншооти маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига хабар бериш;

фавқулодда вазиятларда ваҳима кўтармаслик, фуқароларни эвакуация қилишга тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик, спорт иншооти маъмурияти, ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилларининг эвакуацияга доир қонуний талабларини бажариш;

давлат рамзларига, шунингдек Ўзбекистон Футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Проффессионал футбол лигаси, клублар ва жамоаларнинг рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

футбол бўйича спорт мусобақалари ташкилотчилари, спорт иншооти маъмурияти, ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилларининг ушбу Қоидалар талабларига, умумий қабул қилинган хулқ-одоб нормаларига ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга доир қонуний талабларини бажариш.»

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrdagi 2-son "Oliy ta'lim tashkilotlarining ta'lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazishda baholash mezonlari bo'yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 1-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3716.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrdagi 3-son "Kasbiy ta'lim tashkilotlarining ta'lim dasturlarini maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazishda baholash mezonlari bo'yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 1-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3717.

3. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 29-noyabrdagi 26-mh-son "Ta'lim tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan vazirlik va idoralarning ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 1-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3718.

4. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi vazirining 2025-yil 24-noyabrdagi 41-son "Ozuqabop ekinlar urug'chiligiga ixtisoslashtirilgan xo'jaliklarni tashkil etish va ozuqabop ekinlar urug'ligini yetishtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 1-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1820-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2025 йил 19 ноябрдаги 40-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил 11 ноябрдаги 23-2025/Қ-сон, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2025 йил 10 ноябрдаги 62-қ/қ-сон, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 17 ноябрдаги 170-сон ва Транспорт вазирлигининг 2025 йил 11 ноябрдаги 14-сон "Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

2025 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371-2.

6. O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining 2025-yil 3-dekabrda 2025-26-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-noyabrda 303-son, Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 21-noyabrda 31/5-son "Yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan valyuta operatsiyalari amalga oshirilishining asoslanganligi yuzasidan monitoring olib borish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2467-7.

7. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 4-dekabrda 21-son "Dori vositalarini retsept bilan va retseptsiz beriladigan dori vositalari toifasiga kiritish tartibi to'g'risidagi nizomning 1-bandiga qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3430-1.

8. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 24-noyabrda 676-son "O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov hibsonalari va jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan shaxslarning tibbiy-sanitariya ta'minoti bo'yicha qoidalarga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3159-3.

9. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 3-dekabrda 306-son "O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (5-sonli BHMS) "Asosiy vositalar"ga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3546-1.

10. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 29-noyabrda 302-son "O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (19-sonli BHMS) "Inventarizatsiyani tashkil etish va o'tkazish"ga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3548-1.

11. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 27-noyabrda 461-son "Kasbiy ta'lim tashkilotlarining ishlab chiqarish ta'limi ustalarini attestatsiyadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3635-1.

12. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 28-noyabrda 21-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3719.

13. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 26-noyabrda 22-son "Majburiy davolash uchun mo'ljallangan narkologiya muassasalarida davolash jarayonini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3720.

14. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 27-noyabrdagi 63-q/q-son va Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 24-noyabrdagi 27-2025/B-son "O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasasi huzuridagi alohida o'rnak ko'rsatgan xodimlarni rag'batlantirish bo'yicha maxsus komissiya to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 6-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1846-1.

15. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 29 ноябрдаги 9-мх-сон "Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2430-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. O'zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo'jaligi vazirining 2008-yil 21-maydagi 89-son "Ozuqabop ekinlar urug'chiligiga ixtisoslashtirilgan xo'jaliklarni tashkil etish va ozuqabop ekinlar urug'ligini yetishtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1820, 2008-yil 10-iyun).

2025-yil 1-dekabrda davlat reyestridan chiqarildi.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.